

Дўстлик кутубхонаси

СССР халқлари поэзияси



Анатолий Софронов

ЖАНУБДА БАҲОР

Шеърлар

Поэмалар

Пьеса



ТОШКЕНТ—1980

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

ББК 84Р
С 83

РЕДКОЛЛЕГИЯ

Б. Бойқобилов, И. Гафуров, Ҳамид Ғулом, З. И. Есенбоев, В. Й. Зоҳидов, Зулфия, М. Қўшжонов Мирмуҳсин, Н. Сафаров, Р. А. Сафаров, Р. Файзий, П. Шермуҳамедов, О. Ёқубов, К. Яшин (Редколлегия раҳбари)

*Тўпловчи, сўз боши муаллифи ва масъул муҳаррир
Мирмуҳсин*

© Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1930 (тарж.)

УЛҚАН ШОИР, ДРАМАТУРГ ВА ЖАМОАТ АРБОБИ

Рус совет шеърятининг ғоятда бағри кенг. Унинг мағзида инсонпарварлик, жўшқинлик, инқилобий руҳ ҳамма вақт барқ уриб туради. Бу шеърят жаҳондаги жуда кўп халқларнинг меҳрини тортган. Биз ўз шеърятимиздан ҳам жуда кўп порлоқ саҳифаларни биламиз. Лекин қадим русда ҳам, ўзбекда ҳам шоирлар, усталар, наққошлар, табобат аҳли кўп вақт ўз маҳорати сирларини ўзи билан тупроққа олиб кетган. Худо ёрлақаган бир уста ўз маҳорати сирини ўз ўғлига ёки умр бўйи хизматини қилган шогирдига ўргатган бўлмаса, аксарияти сир тутган. Маданият тарихимиз билан шуғулланадиган кишилар буни яхши билади. Рус шеъряти қалбан жуда кенг. Адабиётимизнинг катта, ўрта ва ёш авлоди рус шеъряти булоғидан сув ичган, қалбнинг кенглигидан баҳра олиб, валломат бўлган, десак хато бўлмайди.

Рус шеъряти — Пушкин, Лермонтов, Некрасовдан то Тихонов, Симонов, Софронов, Шчипачев, Луконингача бизга инқилобийликни, ҳақиқатни, инсонни куйлашни ўргатди. Рус шеъряти ўзи бир олам, у бизга Саъдийни, Байронни, Тагорни, Шевченкони, Мицкевични, Муҳаммад Иқболу Голибни, Файз Аҳмад Файзни, Сервантесу Нерудани ўргатди. Бу — ғоятда кенглик! Бу — қадимги, ўзидан бошқани билмайдиган, ҳамма нарсани пулга чақадиган, кўнгли тор усталар эмас! Партия ва ҳукуматимиз миллий адабиётлар вакилларининг бошига олтин тож, яъни лауреатлик тожини қўймоқда. Миллий халқлар адабиётини таржима этиб, Москвада нашр этмоқда. Бу — кенглик, меҳрибонлик, қардошлик демакдир.

Бу сўзлар рус совет шеърятининг атоқли намоёнда си Анатолий Владимирович Софроновга тааллуқли. Шоирнинг уч фазилати уни дунёга танитди. Биринчидан: унинг юрагининг кенглиги, яъни қардош адабиётларга кўрсатаётган ғамхўрлиги; иккиламчи тиниб-тинчимас, фаол бир жамоат арбобилиги, партиямиз ишига доимо лаббай деб жавоб қилиши, бу қитъадан у қитъага учиб, анжуману симпозиумларда, ғоявий жангларда баҳодирлик кўрсатувчилиги ва учинчидан: унинг ўзи забардаст шоиру драматург бўлганлиги эл ичида катта обрўга сазовор этди. Ҳа, Дон дарёси кенгликлариди дунёга кел-

ган Анатолий, Софронов ўзбек халқи ва ўзбек адабиётига ҳам қарддон бўлиб қолди.

Анатолий Софронов 1911 йил, 19 январда Минск шаҳрида дунёга келди. Болалиги Ростов-Дон вилоятининг Усть-Медведицкой станицасида (У ҳозир Серафимович деб аталади) ўтган. Улуғ совет адиби Михаил Шолохов асарларини ўргангани, Дон кенгликларини беқиёс тасвирлаган адибга жуда эътиқод қўйганини ўзи ёзиб эслайди.

1921 йилдан то Улуғ Ватан урушигача, яъни 1941 йилгача Анатолий Софронов Ростов-Донда яшайди. Ростсельмаш заводида ишлайди. Слесарь, фрезеровщик ва кейинчалик завод кўп тиражли газетасида ходим, Улуғ Ватан уруши йилларида фронтда «Известия» газетасининг мухбири бўлиб хизмат қилади, жангда қатнашади. Фронтда жуда кўп шеърлар ёзади. Композитор С. Кац билан «Шумел сурово Брянский лес» деган машҳур қўшиқни ёзади. 1945 йили у ўзининг «Бир шаҳарда» деган биринчи пьесасини ёзди. Шундан кейин бирин-кетин «Москва характери», «Юрак кечирмайди», «Пул», «Бекетов обрўси», «Истеъфодаги киши», «Стряпуха», «Бир табассумга миллион», «Фарзанд», «Муҳожирлар», «Тилсим», «Цемес кўрфази», «Мерос», «Ғалати доктор» ва бошқа саҳна асарларини ёзди. Улар Малый театр, МХАТ, Вахтангов, Маяковский номидаги театрларда саҳнага қўйилди.

Анатолий Софронов Ватан топшириғи билан жуда кўп хорижий мамлакатларда бўлган, чунончи АҚШ, Англия, Франция, Ҳиндистон, Покистон, Япония, Австралия, Миср, Финляндия, Лотин Америкаси ва бошқа мамлакатларда бўлган, бадий очерклари «Огонёк» журналида босилган. У кўпгина дostonлар ҳам ёзган. Кейинги йилларда «Давр дostonи»ни ёзди. У кўп йиллардан буён «Огонёк» журналининг бош муҳаррири бўлиб ишлайди.

А. Софронов СССР Давлат мукофоти лауреатидир. У Осиё ва Африка ёзувчиларининг ҳамма анжуманининг иштирокчиси, комитетининг аъзоси, «Нилуфар» мукофоти лауреати ҳамда «Лотос» журнали таҳрир ҳайъатининг аъзосидир.

Қўлингиздаги бу китоб, Анатолий Владимировичнинг ўзбек тилидаги биринчи мажмуасидир. Шеър ва дostonларни таржима этишда фаол қатнашган ҳамма шоирларга муаллиф номидан ва бу китобнинг муҳаррири сифатида ташаккур айтамыз.

Мирмуҳсин

ШЕЪРЛАР





ЯНГИ ЦЕХ

Чанг қўнган юзимда ўйнар табассум,
Оғзимиз қулоқда — юмилмайди лаб.
Чунки қад ростлади янги цех, дўстим,
Ётар уч гектарча жойни эгаллаб.

Ҳатто дастгоҳлар ҳам хурсанд — гулдирар,
Тишда шариллатиб қуяди жала.
Дастгоҳлар устида қипиқ пилдирар,
Босқонлар остида пўлат дабдала.

Шиғиллаб учади темир пайраҳа,
Буралиб-буралиб тушар — жингалак.
Турфа деталларга тўлар бир маҳал,
Омборлар, ҳовлилар, ҳатто йўл, йўлак.

Тахтакачда турар кўкиш чизмалар,
У ерда нуқтали чизиқлар, ана —
«Кормик-Диринг» сўзи сўнар, ўрмалар,
Бу олис дунёдан, бу сўз — бегона...

Аммо шу ноаниқ, шу мавҳум чизма,
Жисмга айланар сайқал топиб тез.
Бригада шиори қасамдай қисқа:
«Муддатидан олдин ўринлатамиз!»

Ана, чилангарлар старт беради.
Деталлар йиғилар — тайёр трактор.
Сўнгра промфинпланга оширилади,
Чайир қайиш каби ҳаммаси бир-бир.

Машиналар билан тўлар мамлакат,
Келажак бизники, шундай бўлади.
«Мак Кормик» сўзининг ўрнини албат
Большевистик «Сельмаш» сўзи олади.

1930

ЭНГ АСОСИЙСИ ҲАҚИДА

Тонг агар етаклаб келса кундузни,
Трамвай чақирса саҳар олдидан,
Қуёшдан қамашса агар ғарб кўзи —
Уйдан чиқ сен роса соат олтида.

Тун кетди. Кўчада одамлар тиқин...
Автобус чайқалиб, ҳар қийшайганда —
Дастгоҳинг олдига боргали яқин
Бутун мускулингни бир ерга жамла...

Қўлимда жаранглар қудратли болға,
Учқунлар сачратар — бу ҳам бир рамз.
Яъни, бу дегани: ишлангиз, олға!
Чунки биз заводда масъул ишдамиз.

Бу дегани — гудок чалингунгача,
Турфа темирларга минг шакл бермоқ;
Қуёш чиққандан то қора тунгача,
Қудратли болғани бетиним урмоқ.

О, Сельмашстрой! Нақадар улкан,
Уни мисраларга сиғдириб бўлмас.
Қанча улкан бўлса, одамлар, Ватан
Шунчалик наф кўрар, муҳтожлик билмас.

Биз — битта бригада. Қалбда долғалар.
Шуълага йўғрилган шонли искана.
Болғалар янграйди, куйлар болғалар,
Зарбдорлик, бахт ҳақда яна ва яна.

Кеч кирар, гудоклар яна қичқирар,
Оламга жар солиб заводнинг кучин.
Энди дам олади, бас, исканжалар,
Тонгдан яна темир тишламоқ учун.

1930

ЯНГИ БАХТ МУБОРАК

Қортепадан қортепагача
Оралиқ — олти қадам.
Сирғанамиз сену мен — икков
Қор устида шод, шахдам.

Сирғанамиз...

Дала-дашт бўм-бўш,
Изғирин қочмиш қаён?..
Олдимиздан лип этиб ўтар
Кулранг тошдай қув қуён.

Қуёш кетди...

Чит парда билан
Тўсилгандай дераза...
Аммо шунга қарамасдан
Қоронғимас далада...

Сирғанамиз, сирғанамиз,
Йигирмада ёшимиз...
Аэроchана булут каби
Қолдиради тўзғин из.

Ерни қалин қор қоплаган,
Соз чана йўли учун.
Байкалдан то Ростовгача
Чанғида бориш мумкин...

Мумкин бунда шамолларни,
Симларни қувиб ўтмоқ,

Қуёш эстафетасини
Шаҳарлар аро элтмоқ.

Кўз олгувчи табиатда,
Дарё ва қорлар оша
Биз учамиз...
 Ва ғурубда
Қизариб булут тошар...

Қуёш чиқди...
 Салом сенга
Тилла кокил, зарсоч қиз...
Қор қоплаган дала узра
Биз ҳамон сирғанамиз!

Шундай кунки...
 Биз унга гўё
Ёқай, деб учамиз жим!—
Янги бахт муборак — Янги йил,
Менинг жонажон дўстим!..

1935

ШАРҶИ-ШИМОЛИЙ ШАМОЛ

Баланд чўққилар узра
увиллаб тортар уввос,
Юксакдан бургут мисол
қуйига қилар парвоз,
Сўнгра куйлаб юборар
худди одамзодга хос,
Совуқ Сибирь шамоли,
шарқи-шимолий шамол.

Лочин каби қўнади
ўрмонзор, қияларга,
Чўққи узра булутлар
ўхшайди туяларга,
Ўрмон уюрга ўхшар,
дарахтлар — бияларга,
Ўрмон оралаб учар
шарқи-шимолий шамол.

Жазаваси тутганда
дош беролмас тош, қоя,
Тартиблар, қонунларга
қилмайди у риоя,
Дастидан тор курзалга¹
қочамиз беҳимоя,
Ёвуз Сибирь шамоли,
шарқи-шимолий шамол.

Семирган ўртоқларни
ҳаллослатиб у қасддан,

¹ Курзал—курорт зади. (Тарж.)

Тор курорт залларига
қамаб қўяр бирпасда,
Қайиқларни тўнтағар
довул бўлиб, кўрфазда,
Бераҳм, тентак шамол,
шарқи-шимолий шамол...

Қарсиллайди бильярд
майдонида соққалар,
Домино суяклари
абжир тақиллаб қолар,
Пиёдалар шоҳ томон
дадил бостириб борар,
Ташқарида увиллар
шарқи-шимолий шамол.

Тўлқинлар сапчир кўкка
бамисоли бургутлар,
Чўққи узра сурувдай
кезиб юрар булутлар.
Гар чўққига чиқолсанг,
қойил, деб олам қутлар,
Булут тўлдирмоқ мумкин
чўнтагингга бемалол.

Тунлари тош соҳилга
пишиллаб ва тўш уриб,
Тўлқинлар бош уради
кўпикланиб, пишқириб,
Қурзал чироқларига
таҳдид солиб, ўшқириб
Ўтар Сибирь шамоли,
шарқи-шимолий шамол.

Томоқ йиртиб ўқирар
даҳшатлар худосидек,

Ё меъёрни билмаган
инглиз матросидек,
Соҳил бўйлаб гулдураб,
айиқлар уввосидек
Ўтар Сибирь шамоли,
шарқи-шимолӣ шамол.

1935

Е Л Ф И З Л И К Д А

Ўзинг билан ўзинг ёлғиз қоласан,
Қалбда чуқур туйиб бу айрилиқни.
Тўлқин шовуллашин тинглаб турасан,
Кўрасан тўлқинда сузган қайиқни.

Тушган чоғи шифтга тунги шарпалар,
Сен боқиб уларга беҳол ва хаста,
Туйиб қалб тубида ўткир зарбалар,
Ложувард кўйлагинг киясан аста.

У денгиз расмимас, денгиз тусида,
Сурудан чайқалар тўлқинлар мисол.
Ел ўйнаб кўпирган тўлқин устидан,
Мовий кенгликларда сузади шамол.

Уйлар орасига ёстанди тун,
Ой булут ортига бекинар бу чоқ.
Эгнингда ранг-баранг аланга — тўлқин,
Ёруғ шуъла сочиб ёнади чироқ.

Кўрфазлар устидан ўтади сузиб,
Улкан теплоходнинг оппоқ тутуни.
Сомон йўли эса узундан-узун,
Энтикиб, симириб ютади уни.

... Теплоходлар эса оқшом олдида
Соҳиллар ёнидан сузиб ўтишди.
Шафақ сувга тушиб лов-лов ёнди-да,
Ранглар денгиз узра сузиб кетишди.

Шунда ўтиб кетар саросималар,
Қувар Шарқ қуёши тунни бирпасда...
...Завқ билан боқасан: уфқда кемалар...
Ложувард кўйлагинг киясан аста.

1935

Қ О Р А Т О Ф

Қоратоғ чўзилиб ётар қоп-қора,
Тошдан иборатдай гўё ер-осмон
Ва сарғиш йўсинда, қоялар аро
Денгиз ҳужумининг излари пинҳон.

Қоялар қалашиб ётибди тирбанд,
Гўё бир-бирини туртишиб бари.
Қўриниб турибди ғадир-будирдан
Учинчи эранинг биринчи қаҳри.

...Ким таниш бўлмаса бўронлар билан,
Рухсат йўқ чиқгали чўққига — ўрга!
Чўққига эгилиб ҳаттоки эман,
Эмаклаб қояга чиқибди зўрға.

Ҳатто довонга ҳам ета олмасдан,
Тўхтаб қолибди у энтикиб, беҳол.
Бўрон ҳужум қилган чунки тинмасдан,
Чунки уч ёнидан тишлаган шамол.

Уйқу бағридаги ғорларда эса,
Саҳардан шомгача унутиб ўзин
Ёвуз тош овчилар ўтирар эснаб,
Қуёшга очганча қоп-қора оғзин.

1936

ҚОРАТОҒ БУРГУТЛАРИ

Тоғ-тошни қалдироқ садоси қучар,
Бўронлар қутуриб увиллар пастда.
Қоялар устида бургутлар учар,
Ейиқ қанотларин қимирлатмасдан.

Йиллар шундай ўтди. Бу қояларда
Бургутлар иникинг сон-саноғи йўқ.
Фақат йилномаси сақланиб қолган:
Қанча мағлубият ва қанча ютуқ.

Фақат қанот билан урсанг сен агар,
Тумшуқни аясанг — рақиб ўлмайди.
Еилгинки, жанг пайти чўқиган ютар,
Енгилган денгизга тошдай қулайди.

Енган-чи, ташланиб чўқир шу чоқда,
Тумшуқ — охирги жаҳд, охирги кучи..
Тўзғин, қора патлар қолар узоқда,
Мовий денгиз узра муаллақ учиб.

Тонг отар... Шарпасиз судралади тун,
Бургутлар қоядан қилади парвоз —
Мангулик ҳақида жар солмоқ учун
Қуёш ҳузурига чиқарлар пешвоз.

1936

КҰКТЕБЕЛДА ТУН

Ой ўзининг зар, тилласини
Сув устидан йиға бошлади.
Тоғ бепоён кўланкасини
Гилам қилиб ёйиб ташлади.

Энди, мана, тоғлар устида
Тутиб турар муаллақ фонус.
Дарахтларнинг барги, пўстида
Бир ёрқинлик, бир сеҳрли тус.

Ер, сув билан, булутлар билан
Туюлади барчаси туташ,—
Ухлар, гўё бир чипор илон —
Чўққи узра серқирра бир тош.

...Ногаҳон тош беланчак ичра
Ой чўққидан шаҳд билан энди.
Тун ҳам шу чоқ Кўктебел узра
Қуш сингари шарпасиз қўнди.

Аммо ётиб ухлашдан олдин
Ут сочганча биқиниб тоққа
Ой сўнгги бор интилар эди
Бор зулматни ёқиб кетмоққа.

1936

КАЗАКЛАР

Бир юз тўртта тулпор елар бўрондек,
Чангга белаб казак қўрғонларини.
Думлари ликиллар, қулоқлари дик,
Шалдиратар кумуш юганларини.

Ҳар отлиқ қўлида ялтирар ханжар,
Қуёш шуъласида ялт-юлт ёнганча.
Йўлларда еларлар, дарёда сузар,
То субҳи содиқдан қора шомгача.

Босиб туюқларин шахдам ва адл,
Олдинда елади қора от дадил.
Олдинда борган от кўзлари кўқдир,
Душманлар учун у ваҳима, дўқдир!

Бу отда командир ўтиради дов,
Олисга кўз қадаб, қўлида жилов.
Эгнида буркаси, чакмони дағал,
Бошда қулоқчини ёнади ял-ял:

«Эскадрон, чопишга қани шайлан, тез!
Орқада қолганлар, етиб олингиз...»

...Чор атроф экинзор, денгиздай елар,
Ер ётар гўёки қоп-қора ёлқин.
Мотори гуриллаб трактор келар,
Орқасида шудгор — мисоли тўлқин.

Тезоқар дарёлар бўйи қамишзор,
Сарғайиб ётибди, қувраган бари...

Далаларда кезар шамол беозор,
Қуруқ қумни топтар от туёқлари.

Бир кун, икки, уч кун еларлар, охир,
Ҳафта ҳам тугай деб қолди ниҳоят.
Донга етиб келгач оқсоч командир,
Донликка телпагин силкитади шод.

Гармончи ҳам дарров ишга тушар тез,
Куй учар қушлардай баланд, қанотли...
— Орқада қолганлар, етиб олингиз!—
Команда янграйди: — Секинлат отни!

Мана, Дон бўйида, сув ёқасида,
Гармон пардалари куйлар ҳамжиҳат...
Самога юксалар қўшиқ — қасида,
Қалбларга шаробдай қуйилар роҳат...

Ёш казак Гриша — яккахон ҳофиз,
Тагида қора от ўйнар, типирлар.
У қўшиқ бошлайди берилиб, шу кез
Юзлаб сафдошлари унга жўр бўлар:

«Қуёш ўтди тоғ ортига,
Тинди булбул куйи ҳам.
Хайр энди, ойжамолим,
Хайр энди, жонгинам!

Қора отни эгарлаб бер,
Узат кейин қўлчангни.
Сўнг ортимдан силкиб қол,
Ул шоҳи рўмолчангни!

Учқур отга минайин,
Жоним, гапнинг тўғриси,

Чорламоқда майдонга
Жанги жадал бурғуси!

Эй, қизил байроғимиз,
Қуёшдан ўт олиб ён!
Совет юрти бор экан,
Душманлар бўлур яксон...»

1937

КЕКСА КАЗАК ҚУШИҒИ

Шафақ оқарди чўл узра беҳол,
Баҳор юлдузлари чароғон ва соф.
Ўтларга роз айтар баҳорий шамол,
Буталар устида шабнамлар шаффоф.

О, куйла, бобожон, куйла шундай дам,
Жўр бўлиб куйлаймиз сенга бизлар ҳам...

«Эҳ, Катя, маликам, не қилиб қўйдинг,
Сен казак бағрини ғам билан ўйдинг,
Сен казак бағрини ғам билан ўйдинг,
Қамадинг, қанотин, эҳ, юлиб қўйдинг.

Тоғларда, чўлларда эрк изладик биз,
Эрк эса кишанда — ётибди эрксиз.
Эрк ётар зиндонда заҳил ва бемор,
У жўмард казакка кўрсатмай дийдор».

Қўрғонча устида ойнинг ўроғи,
Тиғи ер томонда, кўкда балдоғи.
Уртаниб, қизарар, ботгандай қонга?
Юлдузсиз сайр этмас, чиқмас осмонга...

— О, куйла, бобожон, куйла шундай дам,
Жўр бўлиб куйлаймиз сенга бизлар ҳам...

Эҳ, Кубань отлари тоғларда елар,
Турклар ўлкасида кезар казаклар.
Ешгина ясовул жангга чорлади,
Қиличлар, қалқонлар ялт-ялт порлади.

Эҳ, аччиқ қайғулар олди-ку газак,
Ер тишлаб йиқилди беш юзта казак,
Уртоғим ярадор, боши эгик, хам.
Бас, жангни тўхтат, деб янграр бурғу ҳам...

Юлдузлар яқиндай, шовуллар дарё,
Қўл чўзсанг уларга етгудай гўё.
Шу пайт шамол эсди — бир журъат қилди,
Юлдузлар ёмғирдай ерга тўкилди.

— О, куйла, бобожон, куйла шундай дам,
Жўр бўлиб куйлайлик сенга бизлар ҳам...

«Челак санамаса, казак, тўй демас,
Минг сана, челакни ҳисоблаб бўлмас.
Қараш йўқ ичмаган одам раъйига,
Меҳмонни тўйғазар Тамань майига.

Оқ гилам устида мисли тўлин ой,
Ултирар уятчан оппоқ келиной.
Тахта даричадан ёш казак,— сергўшт,
Бойнинг дарчасига ўқталади мушт».

Булутлар сузади тўлқинлар мисол,
Уларни кутади йўлда не аҳвол?
Июнь оқшомида ой кезар — кумуш,
Сахро ўтларига нур сочиб қизғиш...

— О, куйла, бобожон, куйла шундай дам,
Жўр бўлиб куйлайлик сенга бизлар ҳам...

«Эҳ, чўллар устига тўшалди туман,
Қазакка бақирма, ёвуз атаман!
Қара, қуёш чиқди — ловиллаб ўтдай,
Оҳ, казак-большевик елади отда.

Кокардага¹ тушар казакнинг кўзи,
От қўяр атаман ўғли тақирга.
Эҳ, душман экан-ку, бирдан ўқ узди,
Кокардали телпак қулади ерга»

Олида оқарар яшил юлдузлар,
Туман ер бағирлар, сузади бесўз.
Тонгни қаршилаймиз, кўрамиз бизлар,
Дарёга чўкади охирги юлдуз.

— О, куйла, бобожон, бас, куйла хуррам!
Жўр бўлиб, куйлайлик сенга бизлар ҳам...

«...Кубань чўлларида ўтлар йилқилар,
Улар колхозники, халқники улар.
Эпкинда чайқалар ўт-ўлан учи,
Қуёшда ялтирар казак қиличи.

Будутдай ўтади отлар уюри,
Шамолдай учади отлар уюри...
Ворошилов чорлаб, буюрган заҳот,
Отларга минамиз, ёзамиз қанот!»

Яшил майсаларда тилларанг олов,
Чунки қуёш кўкда мисоли ялов.
Қўрғондан чиқади бир тўда отлиқ,
Чўл узра қушлардай учади қўшиқ..

1937

¹. Кокарда—расмий фуражка ёки телпакка қадаладиган нишон
(Тарж.)

Қ А Й И Н

Кезар эдим денгиз узра
Тоғ-тошлар этагида.
Ялангликка чиқиб қолдим
Тик сўқмоқ этагида.

Кезар эдим денгиз бўйи,
Гулларга ғарқ маконда.
Тик сўқмоқ олиб чиқди
Мени қуюқ ўрмонга.

Ёшин аниқлаш қийин —
Ўрмоннинг бўй-бастидан.
Бир оқ бадан ёш қайин
Чинорлар орасида.

Ё Танбов, ёки Курскдан,
Ёки Москва томондан —
Оқ бадан оппоқ қайин
Япроқ ёзмиш беармон.

Шўх-шўх куйлаб пойида
Соя томон чопар сой.
Қуюқ баргли чинорлар
Ермишлар қайинга жой.

Қудратли, баланд ирвит
Қайинга балогардон.
Каттакон барглар билан
Иссиқдан сақлар омон.

Хуллас, у меҳмоннавоз
Даврада ёзмиш япроқ.
Ўзига соз, меҳрибон
Топмиш яқин дўст, ўртоқ.

Е Тамбов, ёки Курскдан,
Ёки Москва томондан —
Оқ бадан оппоқ қайин
Бўй чўзибди беармон.

1939

О Қ И М

Япроқ гар айланар ва чўкиб кетар,
Новда сув тагига яшринади жим...
Тош отиб, айт, сени ким қувиб етар,
Сершовқин, серғулув, эй, кекса оқим?

Сен доим совуқсан, сен доим қайноқ,
Кўпиклар сачратиб қиласан хитоб.
Гўё ёш тулпорсан — ёллари оппоқ,
Қирлардан отилиб чопасан шитоб.

Ужарсан, мағрурсан, енголмас ўзга,
Бўғилиб, титрайсан югурик отдай.
Ҳайқириб тушасан сокин денгизга,
Сокинлик ҳамиша сен учун ётдай.

Сўнг аста ўнгланиб, унутиб зарбни,
Ўзни мутлоқ эркин хаёл қилганча,
Қалқитиб чинордан узилган баргни
Ўйнайсан, бамисли тилла елканча.

1939

Э Г А Р

Зоғ учмайди: бийдай чўл ўти —
Чалов ила сукунат — бори...
Казак борар ўчганча қути:
Тинч Дон, уйи этган хумори.

Попуклари пасайиб буткул,
Кўзлари ҳам киртайиб қолган;
Пошшоликнинг эгарини ул
Елкасига ортмоқлаб олган.

Ҳаром ўлди сўнгги кун бедов...
Тушди унинг маҳрига эгар...
Не бўларди, оқ сочли чалов
Сўқмоқ йўлга солмаса агар.

У хуфтонда қўрғонга етиб,
Айланаси боғ уйни кўрди.
Ичкарида ит ғашлик этиб,
Бир балони сезгандек ҳурди.

Майиб қўл-ла қоқди эшикни,
Қирди ночор бир хонадонга
Ва жанговар казак эгарин
Алмаштирди яримта нонга.

Бут олдида чўқинди-ю, чўнг,
Елкасини сал эгди шаҳдсиз.
Оқ гвардия погонини сўнг.
Чакмонидан юлди шафқатсиз...

1939

ЗАМБАРАК ПАРЧАСИ

Бир пайтлар оламга солиб гулдурак
Бу Дон ўлкасига гумбурлаб келган
Шу пачоқ тўп оғзи, синиқ замбарак
Чўян дарёсининг ўзани бўлган.

Петровск тўпчиси қамал чоғида
Азов бўйларида мард турган эди...
Энди жим ётибсан ишком тагида,
Жанг чоғи нақадар ўкирган эдинг.

Чийиллатиб қора соққаларингни
Туркларнинг қўшини узра отгансан.
Курашдинг кўрсатиб бор ҳунарингни,
Хатто Дон ҳавосин хўп титратгансан.

Ётибсан ғужуми шиғил новдалар
Остида асрлар уйқуси босиб...
Қоқ пешин пайтда, бу не савдолар,
Сенга лаб теккизмоқ бўлди-ку насиб.

Қим агар ёнбошлар қачон, қай маҳал,
Бир тўйиб ичмоққа шу зилол сувдан,
Шону шавкатингдан унга муфассал,
Сен шунда ҳикоя айтиб берурсан.

Майлига, йўловчи булоқ сувидан
Донга хос мардликни қўшиб симирсин.
Сўнгра, видолашиб мангу сен билан,
Бепоён чўл томон йўлини бурсин.

1939

ПОРОХ ОМБОРЛАРИ

МТС томон олиб борар йўл,
Шовиллайди олтин буғдойзор,
Йўл бўйида, гоҳ ўнг, гоҳ сўл —
Кўҳна порох омборлари бор.

Қадим Цимма ўтлоқлари бу,
Узоқ ўтмиш излари қолган.
Қўрғонларни босгандек уйқу —
Сукут сақлар... Ё ўйга толган.

Азов сари қилганда юриш
Буюк Пётр қўйган пойдевор.
Из қолдирган бу ерда уруш,
Из қолдирган бешафқат — сардор.

Дон бўйида ўйнарди бўрон,
Чўл бағрида гувиллар шамол.
Жангдан қайтгач казак ўша он —
Ток экди-ю, топтирди камол.

Сўнг омборлар истар-истамас
Шароб учун бўлдилар макон.
Дон саҳроси каби ўтнафас,—
Қуёш суви бунда топди шон!

Порох таслим бўлмади аммо.
Ўткир шароб ҳидин энголди.
Бурчакларда ётар бенидо,
Жанг кутиб ё хаёлга толди.

Сукут сақлар омборлар шундай,
Сукут ичра эди ҳаммаёқ.
Савдогарлар келтирмасди май —
Куз кунлари шу кундан буёқ...

Казакларни кутиб олади
Чўл бағрида омборлар гоҳ-гоҳ.
Оғир-оғир ўйга толади
Ташлаганча йилларга нигоҳ.

Шундай келиб етди бугунга,
Колхоз энди сақлайди шароб.
Сархуш боқиб юлдузли тунга —
Берар гўё ўтмишдан ҳисоб.

Буйруқ келса — казак ўша он —
Хайрлашиб отланар йўлга.
Йиғилади дўсту қадрдон,
Олинади қадаҳлар қўлга.

Онасини қучади сўнг бор,
Юрт олдида қилади таъзим.
Сўнгра лим-лим қадаҳ сипқорар,
Порох ҳидин ҳис қиларкан жим...

Еш қалбига қуйилади нур,
Жўшиб кетар томирида қон.
Юрагида — жанговар сурур,
Йўлга тушар. Уни кутар шон.

1940

* * *

Биламизки, қўрқоқ бизга ҳар қачон
Таниш бўлган, холос, дўст бўлган эмас.
Уйимизга келиб бўлмаган меҳмон,
Дўстлашиб, дидимиз мос келган эмас.

Май ичган эмасмиз бирга ўтириб,
Олдида болага дўқ урмаганмиз.
Дераза ёнида юзма-юз туриб,
Ўтган кунлар ҳақда ўй сурмаганмиз.

Орамизда эски тўнка эди у,
Бўйчан қарағайзор аро тоқ, ёлғиз.
Қишлоқ қучоғига совуқ, серғулув
Отилиб кирганда унутилмас куз.

Қўрқувдан қалтираб мўлтирар эди,
Букчайиб, эзилиб кўкка қарамай.
Қўлида автомат, ўлтирар эди,
Бир ёнида қайин, бир ён қарағай.

Бу автомат — ўлжа. Уни биз кеча
Парашютда тушган олти десантдан
Тортиб олган эдик, шўрлик у эса
Сўраб олди бирин сўнг лейтенантдан.

Биламан, у узоқ яшар энгашиб,
Ёнига йўламас элнинг раҳмати.
Соядай ортидан юрар эргашиб
Ҳам ўлган, ҳам тирик мардлар нафрати!

1941

ҚАРАҒАЙЗОР ҰРМОНДА

Қарағайзор ұрмонда,
Белорусь тупроғида
Партизанлар асрайди
Юртин кўз қароғидай.

Улар нигоҳ соларкан
Диққатларин тортади
Симёғочли йўл томон...
Бегона полк шу замон.

Хўш, бизлардан не керак,
Келишар мошин-мошин.
О, қора, дўстим четан,
Келтиришар қўрғошин.
Шошма, омон етолмас
Омон қўймаймиз бошин.

Партизанлар чиқиб тез
Тўсдилар душман йўлин.
Фашистлар узра ёғди
Граната, ўқ-ўлим.

Эҳ, дўстим, гўзал четан,
Меваларинг — замбарак...
Энди очиқ бортларда
Немислардан йўқ дарак.

Биттаси бошдан жудо,
Бери кўзи, қўлидан.

Юриб бўпти советнинг
Симёгочли йўлидан!

Қарағайзор ўрмонда,
Белорусь тупроғида
Партизанлар асрайди
Юртни кўз қароғидай.

1941

* * *

Комбатни бир қайин остига кўмдик,
Қабрига ҳар хил ўт-ўлан йиғилди.
Қайин ҳам, ўқ тегиб, бу не кўргилик,
Комбатнинг мозори узра йиқилди.

Барглари ўт-ўлан устига тушди,
Қабрни бекитди кумуш пўстлоғи.
Шохлари комбатнинг бошини қучди,
Хулласи, тўсилди бошдан-оёғи.

Қабрни қучоқлаб, узилмай ердан,
Комбатни қалқондай тўсиб ётарди.
Ажратиб олмоққа уни қабрдан
На довул, на ўқнинг кучи етарди.

1941

* * *

Уйқу йўламади тўрт кеча кўзга,
Фақат ютганимиз бўлди чанг-ғубор.
Кечалар қисқадай туюлди бизга,
Қуёш ҳам тўзонда кўрсатмас дийдор.

Бу тўзон қадрини биз билар эдик,
Ҳар тўнка, ҳар дарахт ортига пусиб,
Вазмин юракларни бамисоли юк
Кўкрак қафасида турардик қисиб.

Кундузми, кечами — билмас эдик биз,
Шу йўсин киприк ҳам қоқмасдан ётдик.
Фақат билар эдик: қанча сафимиз,
Нимани йўқотдик, нимани топдик...

Тўрт кеча биз ухлай олмадик сира,
Киприк ҳам қоқмадик ҳатто тўрт кеча.
Мизғиб олмоқ учун ботқоқлик ичра,
Ҳа, энди чўзилсак бўлади пича.

Самолёт учади осмонда гувлаб,—
Бизники эмас бу — бирдан изғиймиз.
Тинглаймиз: қайинлар аста шовуллар,
Бизники бу, энди ётиб мизғиймиз.

1941

* * *

Даҳшатли ва оғир кун бўлган эди,
Смоленскдан етмиш чақирим нари —
Рудна қишлоқчаси ўт олган эди —
Кулбалар, дарахтлар ёнарди бари.

Томдан томга ўтган қизғиш аланга
Қуруқ дарахтларга ёпишар эди...
Кунботар пайтида кўм-кўк даладан
Сигирлар қишлоққа қайтишар эди.

Тирсиллаб турарди серсут елинлар
Ўтларнинг мастона бўйин уфуриб...
Қизиқиб, ҳайратда боқарди улар
Вайрона ва бўм-бўш уйларни кўриб.

Тақир-туқур қилиб йўл декчамизни —
Мардона қўл билан ҳар учаламиз
(Олов ямлар эди учаламизни)
Соғиб олдик тезда сигирларни биз.

1941

ПОЛК ТАРИХИ

Бошлангандир Смоленскдан,
Битилганди унда илк боб —
Қишлоқ орти сайҳонликда
Кезганда ўт мисли сароб.

Биз тишларни тишга босиб,
Фронтнинг олд чизигида,
Ноябрда, Москва ости,
Боб битдик қон ёзувида.

Саҳифалар ортиб борди,
Тарих билмас ҳеч ниҳоя.
Ғарбга босган йўлимизни
Тарих қилар сўнг ҳикоя.

Ва тириклар билан барин
Бизнинг улуғ садоқатни.
Тилга олиб полк номерин
Ед олишар ҳар солдатин.

1941

БАНДУРАЧИНИНГ ОТИ

Бандурачи қиличи йитди,
Ярақлади офтобда қилич.
Қазак отдан қулади-кетди —
Қор қонига бўялди пилч-пилч.

От қоқинди учарак якка,
Йиқилмади, тўхтади лекин...
Оқ қор узра ётган казакка
Босди сариқ тумшуғин секин.

Лаб тегизди иссиқ, ғўраша
Тили билан ялаб, пишнади...
Тимта чолдан аҳвол сўрашга
Ботинмади, маъюс кишнади.

Узангиси шиқирлар ҳамон,
Ҳали чайнаб турганча сувлиқ
Нақ пойида қучди ломакон —
Бир жасадни —у-да қорувлик.

Олисдаги отлар дупурин
Ютди-қўйди кўк-зангори қор...
Ва жанг мисли дарё кўпириб,
Евга қараб тошди ларзакор.

У эгилди бермоқчидай жон,
Кишнаб бузди тинчликни яна.
Отнинг кўзи тушди ногаҳон,
Ҳамширалар келмоқда, ана.

От уларга эргашар бўзлаб,
Қулоқ чимира-да, пишилла.
Борар сариқ шуълани кўзлаб,
Қорни ғарч-ғурч босиб кишилар.

Ва Қизил Хоч жойлашган бино
Эшигида қолди жонивор...
Қарағайзор гувлаб мардона,
Зўр шохларни майиштирган қор.

Отнинг ақли етмас ҳеч нега;
Турган ери — ойнанинг ости.
Қироқ тушди узангисига,
Эгарин-чи, тамом қор босди.

Хаёлида эгаси чиқиб,
Сарғиш ёлин силар-да, тўнар,
Қиличини шарт қинга тиқиб,
Қушдай учиб эгарга қўнар.

Қулоқларин диккайтирар от,
Нишон олиб сапчийди тикка:
Шу томонда жанг — қирғинбарот,
Ёвнинг иши шу ёқда чикка.

Қулоғига дупур киради
Ва у мовий қор бўйлаб елар.
Еҳу, қилич шод ярқиради,
Биқинин-чи, шпор ниқталар.

1942

ЧЕТАН

Синган шохлар, сўқмоғу қайин —
Ҳамма нарса кўмилган қорга.
Қор зарларин аёз атайин
Сочворгандай туюлар ерга.

Йўл деган кўринмас зинҳор,
На бирон из,на бирон сўқмоқ...
Қарағай қор, ер қор, осмон қор,
Бутун атроф пахтадай оппоқ.

Икки эман оралиғида
Бир айрининг устида фақат,
Писанд қилмай, совуқ тиғида
Қон қолибди қотганча қат-қат.

Бир фидойи шу совуқ ойда
Ўқ еб топган мангулик маскан.
Жароҳатдан қон оққан жойда,
Қорга чўмиб турибди четан.

Қайинлару юлдузлар аро
Бўрон увлар бу ерда ҳамон.
Гизғизонда совумай ҳатто
Четан бўлиб гуллар ўша қон.

1942

* * *

Ҳар кимнинг ўз севган ватани бордир,
Ҳар кимнинг ўз уйи — аниқ адреси!
Кимки йироқдадир, доим хумордир,
Доим тортиб турар диёр туйғуси.

Ойнани чертасан бир куни қайтиб,
Сенга ёр-биродар очади қучоқ.
Вино ҳам сипқорар қадаҳлар айтиб,
Эсдан чиқиб кетар ҳар қандай чарчоқ.

Биз шундай яшардик аҳил, қадрдон,
Бола ўстирардик, айтардик қўшиқ.
Тераклар шовиллаб турарди ҳар шом,
Шамоллар ғувларди томлардан ошиб.

...,Ҳар кимнинг ўз севган ватани бордир,
Ҳар кимнинг ўз севган — она диёри!
Гар уни соғинсанг бу дунё гордир,
Чидолмам чўлларнинг тутса хумори.

Гоҳо сиғинтирар кўм-кўк ўт-ўлан,
Эсингга тушади яйловлар... моллар.
Эсингга тушади катта ишқ билан
Дон узра эгилиб турган у толлар.

Яна сен эслайсан эрта баҳорда
Йироқлардан қайтган турналар сасин...
Хаёлинг йиғасан охири зўрға,
Хотирга оласан ҳамма-ҳаммасин!

Ҳар кимнинг ўз севган ватани бордир,
Гар ундан айрилсанг не кечар ҳолинг?
Уйингга бегона кириб-чиқиб турса,
Ахир шу эмасми сенинг заволинг?!

Хўш, бунга не дейсан, қайда яшайсан,
Адресинг сўрсалар не қилдинг жавоб?
Ҳозир сен зўр жангга кирмоққа шайсан,
Зеро юрт севгиси қалбингда офтоб!

...Тез кунда тинглашар овозимизни,
Оталар уйига яна тўлар бахт!
Биз ҳар вақт сақлармиз адресимизни,
Биз она-Ватанни асрармиз ҳар вақт!

1942

УЧОВЛОН

Биз иккимиз новда кесардик,
Кесар эдик шарт-шарт иккимиз,
Иккимиз бир қизни севардик,
Лекин бизга тегмади у қиз.
На сен, на мен бўлмадик восил,
Бир азамат илдию кетди.
Муродимиз қилмадик ҳосил,
Ўзимиздан кўп ланжлик ўтди.
Шундан бери қил ўтмас дўстмиз,
Битта ўтда куйганмиз иков.
Шундан бери оқ чодирни биз
Четлаб ўтдик — юрак бермас дов.
Бир чақирим наридан ўтиб,
Учрашардик кўприкка етиб.

Қоратоллар ғуж ўсган ерда,
Хоҳ шамол, хоҳ ёмғир сим-симдир,—
Анисьяни қучганча бирдай
Ёвқурларча ўпарди кимдир.
Уша ёвқир — ўзимизнинг дўст,
Ўзимизнинг Андрей Низовой.
Биз у билан бир мағиз, бир пўст,
Ноиложмиз, ҳолимизга вой.
У маҳаллар хўп олифтамиз,
Бир умрга сақлаб қўйдик кек.
Танимаймиз гўё уни биз,
Худди бизга у бегонадек.
Учов бирдай севмас деган гап,
Тушимизга кирмабди ухлаб.
Яшил чўлни қуюндай кезиб,

Қилич сермар эдик эрмакка.
Қизилтоляниг бағрини эзиб,
Қиймалардик, ёнлама, тикка.
Доим ҳариф ҳолин қилиб танг
От устида балқир мисли ой.
Бир қиличбоз — устаси фаранг —
Ўзимизнинг Андрей Низовой.
Назар солмас эдик унчалик,
Демасдик ҳам: «Кўрайлик, қани...»
Салом берса, олмасдик алик,
Қазак озми саломлашгани?
Уруш чиқди: битта сафдан жой
Олдик биз ва Андрей Низовой.

Эсла, дўстим, учовлон бўлиб
Разведкага борганимизни,
Андрей билан бир нонни бўлиб,
Бирга баҳам кўрганимизни,
Ўрмон бўйлаб изғиганимиз
Ва ботқоққа ботганимизни,
Андрей сабаб омон қолиб биз;
Сўнг, отни йўқотганимизни?
Кечагидай хотирангдадир,
Шамоллади Андрей ботқоқда,
Бизлар қандай иситдик, ахир,
Қалтираган, босриққан чоқда
Қор қуюни қутургани он,
Сақлаб қолди бизни бир чакмон.

Бор гап шу... Душманнинг ўқи...
Кесиб қўйди Андрей йўлини.
Уни гўё олгандай уйқу...
Биз чакмонга ўрадик уни,
Топмасак ҳам ўлимнинг дафин,
Тик қаролдик кулфат қасдига.
Бизлар уни айладик дафн

Ниҳолгина қайин остига.
Имон ҳаққи, ёшлик ҳаққи ҳам,
Вафодормиз қиёмат қадар —
Ичдик қабри бошида қасам:
«Биз ўғлингга бўламиз падар!»
Дўстлигимиз давом этадир,
Кимки тирик қолса — отадир.
Ё уйқудан қўйдимми сени?
Янгиланди дўстимиз дарди.
Қўряпсанми, шафақ ёлқини
Урмон бўйлаб кўкка ўрлади.
Илғадингми, жанг олдидир — ёв
Исин олиб кишнар от азал?..
Бир чакмонни ёпиниб икков
Ухлашамиз қандайин гўзал.
Азиз дўстим, жиндек мизғиб ол,
Эрганги кун саноқлидир, чин.
Тонг отади: бурармиз дарҳол
Мўлжалдаги йўлга от бошин.
Қасамимиз сақлайди кучин,
Биз қирамиз уч киши учун.

1942

КАБУТАРЛАР

Қўшдарё мисоли икки жанг аро
Шафақ чўл уфқига бераркан пардоз,
Инсон зотига хос овозмас асло —
Тўхтатди бизларни қандайдир овоз.

Яйдоқ бутазору хазон бағрида —
Терилиб бизларни сеҳр этган недир?
Қалом эмасди бу — бўғот остига
Қўнган кабутарлар ғув-ғуви эди.

Улар бир-биридан оларди бўса
Меҳру муҳаббатнинг тимсолидай шан.
Шу ҳолат ўшарди улар суратга —
Уруш бошланмасдан аввал чизилган.

Худди уларсимон кабутарларни
Бекадар болалик йилларида шод —
Томдан шаҳар сари айлардик озод
Ва илҳақ пойлардик тағин уларни.

Бўғот панасида улар олиб тин
Кўришарди тунги тараддуд бу дам...
...Аммо эшитмасди улар ғув-ғувин
Бу чоқ ичкарида ўлтирган одам.

Ўжар сочларини кафти-ла тараб
Ҳордиқни тарк этган тўпчи генерал —
Стол устидаги картага қараб
Жангнинг қисматини этар эди ҳал.

Уни уйқусизлик эзарди, лекин
Кабутарлар ором топган замони
Парчалаб уларнинг майин уйқусин
Снарядлар учар ёриб самони.

1943

ЭСКИ УЗУМЗОРДА

Марфа, сен боқасан ўйчан, паришон
Ям-яшил тоқларнинг новдаларига.
Бу тоқлар қаровсиз анчадан буён,
Ачиниб қўясан дилдан барига.

Силлиқ сочларингни силайсан такрор,
Зеро, бунга ўзи анча вақт бўлган —
Сен ёшлиқ чоғингда доим оқшомлар
Шу боғда учрашар эдинг у билан.

Сўнгра у ёр бўлди сенга вафодор,
Сўнг уруш... бахтингни топганинг чоғда —
Сўнг яна айрилдинг, чекдингу озор,
Хайрлашиб қолдинг мана шу боғда.

Айни саҳар чоғи жўнаб кетди у,
Сен эса турардинг тўкиб ёшингни.
Армонли қалбингни ўртарди қайғу,
Токка термулардинг эгиб бошингни.

Билмасдинг у қайда? Не кечди ҳоли?
Гарчи соғинсанг-да, чекмас эдинг оҳ.
Кўзларинг боқарди тонгга вафоли,
Елғизоёқ йўлдан узмасдинг нигоҳ!

На дарак бор эди, на бирор хабар,
Иложинг йўқ эди кутишдан бўлак.
...Сўнгра эшитдингки, Миллеровода
Севганинг жанг пайти бўлмишдир ҳалоқ!

Лекин ишонмадинг, кутдинг орзиқиб,
Уйинг ҳам, боғинг ҳам кутарди уни.
Энтикдинг ғарб томон кўзингни тикиб,
Келиб қолар, дединг ногоҳ бир куни.

Пиллар ўтиб кетди... Сен эса ҳамон
Ёрингдан умидинг узмасдинг асти.
Ўғлинг ҳам улғайиб борарди ҳар он,
Худди отасининг ўзи — бўй-бастил!

Баҳор келди яна... далада, тоғда
Чечаклар қуёшга чўзди бўйини.
Ўғлинг бугун сенга эргашиб боғда
Обод қилсам, дейди ота уйини.

Гарчи боғ эгасин топса-да бугун,
Гарчи улғайса-да ўғлинг бахтиёр,
Ҳамон қайғурасан сен ёринг учун,
Сен ҳамон кутасан уни, вафодор!

1943

О Л О В

Кўз юммас болакай қоронғи уйда,
Нигоҳни узмайди ойнадан бироқ.
Қарайди-ю, ўзи қўрқади жуда,
Оловга чулғаниб ётур ҳаммаёқ.

Олов даҳшат солур ногоҳ болага,
Онасин чақирар тамшаниб... чўллаб.
Онаси хотиржам... чунки далада:
Буғдойзор сомони ёнур ловиляб.

Қизғин иш боради колхозда бугун,
Биринчи қоргача тугайди шудгор.
Юлдузлар фалакда сирлашур беун,
Юлдузлар заминга термилур бедор.

...Бола яна йиғлар додлаб, тер босиб,
Намчил қўлларини қисганча беҳол.
Чўккан ўликларни эслайди ўқсиб
Ва олов даҳшати тарк этмас алҳол!

Ўт ичра қоврилган қишлоқни эслар,
Кўз ўнгидан ўтар қўлсиз мурдалар.
Ана: қонга ботган нотаниш юзлар,
Қимнингдир кўксида муз қотмиш ханжар!..

Она ҳам қийналиб чиқар тун бўйи,
Қаерга қўймоқни билмайди ўзин.
Ўғлининг бошига эгилган кўйи
Дуд аро қолгандек очолмас кўзин.

Бола тонг олдидан мизғийди бир оз,
Тушда ҳам тарк этмас тўпларнинг саси.
Йироқда жанг борар, батареяга:
— Ут оч!— деб команда берар отаси.

Блиндаж... бетонлар ҳавога учар
Фашист жасади-ла қўшилиб бирга.
Яна отасининг овози янграр:
— Ут оч!— деб буюрар батареяга.

Еру кўк титроғи бўлмайди абас,
Душман қочиб борар топмасдан илож.
Отанинг даҳшатли овози тинмас:
— Ут оч!
— Ут оч!
— Ут оч!

1943

СОЛДАТ ТУШЛАРИ

Туш кўради солдатлар бот-бот:
Унда мавжуд шеван ҳаёт.
Унда шоҳи сўзана каби
Дашт мулкининг дарё оқими.

Зарҳал ип-ла тикилган мисол
Қунгабоқар ястаниб ётар.
Барги ел-ла айлар-да висол.
Сал шивирлар, сўнг яна қотар.

Мудроқ дарё соҳиллари-ю,
Қамишзору қалин тўқайлар,
Худди ҳарир девор сингари
Эгик толлар тебранган жойлар,—

Аллақачон солдат қалбида
Нақшланган: мангуга пайванд.
Такрорланар унинг лабида
Нақ ёшликнинг қўшиғи монанд.

Қачонлардир кирганида тун.
Биз кўрамиз бошқача туш ҳам:
Еутазорлар қораяр бутун,
Чўлда учмас ҳаттоки қуш ҳам.

Ут-ўланлар куйган ҳар ёқда,
Уй — хароба, тиканак босган,—
Бари ўнгда содир бўлмоқда,
Уч йилдирки, тақдир чоҳ қазган.

Майли кирсин шундоқ тушлар ҳам,
Майли жўшсин алами, доғи.
Дардимизга бўлолгай малҳам
Мудроқ ётган дарё қирғоғи.

1943

ЕР СЕНИКИ

Сен унда кезгансан кечаю кундуз,
Ташвиш нелигини билмасдан ҳеч вақт.

У сенга эъзозли —

гўё нону туз,

Она-Ер,

Она-Ер сеники фақат!

У сенга мангуга этилган инъом,

У ўзи биргина,

Удир — ягона.

Унга ўзга нарса ўхшамас тамом,

Унинг ўхшаши ҳам йўқдир,

У — она!

Сен шунда улғайдинг,

кўзларингда, о,

Мангу учқун порлар

ва сўнмас зиё.

Бирдан шу тупроқни қоплади тутун,

Ўт, иссиқ куйдирди танангни бутун.

Бевақт жазирама жизиллатар, оҳ,

Кўкни тутиб кетар қора тутун, воҳ!

Гоҳ бизни дарёнинг ортида кутар,

Гоҳ ҳамла қилади,

биз томон ўтар.

Она-Ер меники,

Шу ер сеники,

Далаю ўрмони ва сойи билан.

У қонга беланди,

биз учун энди —

Қасамга айланди чиройи билан!

Энди бундан кучли айрилиқ ҳам йўқ,

Иўқ бундан кучлироқ ташвиш ила ғам.
Кўксингга қадалар унга келган ўқ,
Ўзингни унутиб, уни ўйлайсан!
... Сен яна ўз еринг,
ўнг қирғоқдасан,
Боқасан,
оппоқ қор қизғиш рангида.
Қўлингга ғижимлаб уни,
ўпасая,
Нелар бўлмади, эҳ, ҳаёт тонгида!
Ва ерга ўлдириб
аста чўккалаб
Тупроққа оҳиста тегизасан лаб.
Сонсиз фарзандлардан бирсан сен ҳам,
Шу тупроқ сеники,
Сеники ҳар дам!
Сокин Дон қирғоғи,
шовиллайди куй.

Бу — Ватан,
мен унда сен билан ўсдим.
Саҳро буталари, ёниб битган уй,
Она-Ер
ва тупроқ сеники, дўстим.

1943

ОНА

Жуда кўп бор, дўстлар, бундоқ ўйлаб боқсак
Туюларди бизни ҳеч ким кутмагандек.
Зим-зиё тун оғушида эшик қоқсак,
Уй бекаси дерди: «Дамни олинг андак».

Елкалардан милтиқларни туширишиб,
Этик ечиб супачага ўтиргач, денг,
Уй бекаси топганини шошиб-пишиб,
Олдимизга қўйиб дерди: «Ўғлонлар, енг...»

Дил яқинми — узоқ эмас, олис юрт ҳам,
Дейлик: онам истиқомат қилган ерда
Менга ўхшаш онасига кўзи тўрт ҳам,
Эшик қоқиб, ўтиргандир, балки тўрда.

Онам уни ўз ўғлидек қучиб-нетиб,
Ҳўл шинелин ечмоқликка ёрдамлашар.
Қўлидаги шам-ла уйни ёруғ этиб,
Урин солиб, унинг учун куйиб-пишар.

Оғир жангда жонбозликлар қила-қила
Ғалабага эришурмиз. Ҳар ким унда
Уй-уйига қайтганида шодлик ила
Эслаб турар шу меҳрни кунда-кунда.

Кўпи кетиб, ози қолди, жавлон уриб
Юртингизни кўрарсиз ҳам... Сен ҳам, у ҳам.

КАБАРДИН ДОВОНИДА

Жангда ютдик бир сукунатни,
Қирғоқлардан чекинди уруш
Ва Кабардин довони бизни
Сукунатга кўмди мисли туш.

Бой берганлик бу довонни оиз.

Бунда турар мангу гувоҳлар,
Кекса қайин, ям-яшил дўнглик.
Тилсиз тошлар, сувсиз дарёлар —
Биз ўшанда қайтамиз дедик.

Ҳар бир дарахт турди ёнма-ён
Ва қалъага айланди бу тоғ.
...Гўё ўша куз турар ҳамон,
Такрорланар такрорланмас чоғ.

1943

Ч У Л

Қадрдон чўл — турфа хил гиёҳ,
Чечакларнинг хилват диёри,
Яйрар сенга термилган нигоҳ,
Фориғ бўлар кўнгил ғубори.

Толқин отган адирларинг-да,
Қақша туташ сўқмоқларинг ҳам
...лар —

Чўнг фазода сөр бургут сузар...
Бунда ажиб сурур ҳукмрон.

Ёт тутмади қучоғинг бизни,
Тонглар ёниб қутлади шабнам.
Болиш қилиб қуролимизни
Йўл устида мизғий олдик ҳам.

Сен тобладинг зафарга ҳаргиз,
Олдимизда манзиллар порлоқ.
Келар эди бизга изма-из
Тонг нури-ла қўшчилар бу чоқ.

1943

* * *

Баҳорнинг хўп ажиб белгилари бор:
Бир сеҳр яратар доимо ерда.
Басма-бас ўйнашар нурлар, соялар,
Майсалар ниш урган кўм-кўк адирда.

Хилма-хил овозлар кетар қоришиб,
Ғилдирак изига тўлади йўллар.
Токларга боқасан кўнглинг ёришиб,
Барг ёзиб қуёшга талпинар улар.

Овозлар чулғайди еру самони,
Тош қотган сукутни чил-чил синдириб.
Гўё уйғотмоқчи бўлиб дунёни,
Баҳор кезиб юрар кўзни тиндириб.

Баҳор-да, эрк берар кимдир ўйига
Йиғиб ололмайди кимдир ҳушини.
...Серсоқол қайнота куёв уйида,
Кўздан кечиради омоч тишини.

Қуёш қиздиради,
Қуёш ёндирар.
Тупроқ ҳиди тутиб кетар ҳар ёқни.
Орденли инвалидлар хомуш ўтирар,
Жимгина тутганча қўлтиқтаёқни.

Шошмасдан тамаки чекар бариси,
Шошмасдан сўзлашар ўтган-кетгандан.
Қадрдон дўстини эслар бириси,
Бириси сўзлайди даҳшатли жангдан!

Тонгдан гавжум бўлар бу кўҳна майдон,
Шу ерга йиғилиб келар ёш-қари.
Чоллар йигитларни алқар меҳрибон,
Шу тарзда кечади қишлоқ кунлари.

Оёқда этигу, бошида — дурра,
Жангчи пахталигин ташлаб эгнига,
Жувонлар уларни тарк этмас сира,
Эртадан кечгача бўлишар бирга.

Гоҳида кун бўйи тинмайди бари,
Гоҳида кун бўйи ишлаб толади...
Тушида эркакнинг эркалашлари
Чарчоғин тарқатар, ухлаб қолади.

Тонгда уйғонар у,
Қалбида — зиё,
Меҳри товланганча чуқур тин олар.
Баҳорни олқишлаб келгандек гўё,
Шундоқ бош устидан ўтар турналар.

Жангчи пахталигин эгнига ташлаб,
Кўнглига келмасдан ҳеч бир ёмонлик,
Далага чиқару, чарчамас ишлаб,
У жангчи ёрига тилар омонлик.

Чунки юрагида ишқ бор, меҳр бор,
Ўша ишқ ҳамиша кўзига зиё!
Гоҳо у тунларни ўтказар бедор,
Тун бўйи шовуллаб чиқади дарё!..

1943

Ж И Л Ѓ А

Эриётган қорга лиқ тўла каска
Чўлдаги хароба қўрғонда ётар.
Бепоен чўл узра тепалар аро
Шаффоф буғ кўринди айни тонготар.

Қор эрий бошлади эриниб аста,
Каска ёнбошида қорайиб турган
Тешикдан сув сизиб думалар пастга,—
Жилғага айланар куйлаб югурган.

Ҳали қор яшириб турган бўлса-да,
Нур тафти илитган нафасингмисол
Уқ тешиб ўтган бу пачақ каскада
Туғилган жилға кўп оқар шиддаткор.

Жилға ўсиб борар, мавжланар чўлда,
У ўзин шўх-қувноқ қўшиғин куйлар.
Айланиб ўтади тепани йўлда,
Ёнбағирда куйин тинглайди уйлар.

Қуруқ челақларнинг шақир-шуқури
Қишлоқ жимлигини бузар туш пайти.
Бир аёл шошилмай борарди юриб,
Жилғадан у муздек сув олиб қайтди.

Қизиган печканинг ёнида шундоқ
Курсининг устида сувли тоғора;
Ер узра таралган қуюқ тумандек
Сув буғига бола турарди қараб.

Тоғорага тушди ечиниb бола,
Кўпик тутиb ўйнар кафтлари билан.
Кузги ўт чўпини у топиb олар
Походда исиган жилға сувидан.

Бу маҳал қиялик, уйлар ёнида
Куйлаб, чарчоқ билмай югурар жилға.
У ўтар далалар, чўллар бағридан
Тошқин дарё сари адашмай сира.

Жилғалар тиндилар эриб битгач қор,
Ўтлар орасида ўқ тешган, пачоқ,
Занглаган каска ҳам кўринар яққол,
Юлдузи ярақлаб нур сочар ҳар чоқ.

1944

ЭРМАН

Топтадилар беомон,
Тутолмасин деб қаддин.
Янчдилар неча замон —
Билмади биров қадрин..
Оқ эрман... оппоқ эрман.

Ёндирдилар... ёнмади,
Ўлдирдилар... ўлмади.
Ҳаётга ҳеч қонмади,
Сўлдирдилар... сўлмади —
Оқ эрман... оппоқ эрман.

Бўронларда, қорларда
Муз остида қолди у.
Хор бўлмади хорларга,
Бамисли тиниқ туйғу —
Оқ эрман... оппоқ эрман.

Келди саҳрога баҳор,
Селпиниб кўтарди бош,
Қокилин ювди анҳор,
Нур сочар кулиб қуёш —
Оқ эрман... оппоқ эрман.

1944

ҚОЧУБЕЙ ҚАБРИ УЗРА

Аркадий Первенцевга

Чўлда ёлғиз, майсалар аро —
Чақир тош-ла ўралган қабр.
Тингла, Иван Қочубей, сахро
Бугун руҳинг билан ёнадир.

Гарчи танинг яширган тупроқ,
Шамшир тутган қўлларда тафт йўқ...
Туйғуларинг бамисли байроқ —
Ёш дилларда товланади шўх.

Ставрополь ерин қаърида
Уриб турар тинмас юрагинг.
Ҳар бир туйёқ овозларида
Эшитилар эзгу тилагинг.

Яна кўрмоқ истарсан, зеро
Қазак полки жанги суронин.
Ёвни қувиб сахролар аро
Даҳшат солган ғазаб бўронин.

Қиличлардан сачраган учқун
Уфқларда ёққанда чироқ —
Шижоатинг қайд этмоқ учун
Бош эгарди само ҳам бирдан...

Тинч ёт, Иван Қочубей, бугун
Қазак полки эмас қошингда.
Бизни ўзга жанг кутар, тушун,
Қурол тутдик сенинг ёшингда!

Шамширингни этгил армуғон,
У биз билан жангларда бўлсин.
Оқлагаймиз шарафин, ишон,
Армонларинг бағри сўкилсин...

Билки, Дунай чўллари аро
Жавлон уриб кубанлик ўғлон —
«Кочубей!» деб қилгуси нидо
Ва ташлагай жангга беомон.

Биз билансан, Кочубей, бу дам,
Қазакларда сенинг шиддатинг.
...Ўтиб борар чўлдан полк бардам,
Чанг букади майсалар қаддин.

Уфқ товланар руҳ каби ёрқин,
Дукурлайди отлар туёғи.
Тупроқ аро Кочубей қалбин—
Бу кун биз-ла туташган чоғи...

1944

ТУНГИ МАРШ

Кузги шамол ва кузги ёмғир,
Тун зулмати — намчил, беадоқ.
Йўлга чиқиш бундай пайт оғир,
Йўлга чиқиш ва лекин керак.
Биз юрамиз. Уст-бошимиз ҳўл,
Бўкиб кетган телпагимиз ҳам.
Биз соламиз тун бағрига йўл,
Қоқилгувчи миҳдек мустаҳкам.
Қамчиларнинг тинмас «виз-виз»и,
Филдирагу туёқлар товши.
Чекилади бурқситиб бир зум,
Ўйламайди ҳеч ким ухлашни.
Мен ҳам юриб бораман бедор,
Ўз қадамим товшин эшитиб.
Қаторимда жасур дўсту ёр.
Шарпаларин жим идрок этиб.
Ногаҳонда бир барг — заъфарон
Ёноғимга қўнади шундоқ,
Хотиралар уйғонар шу чоқ:
Қачонлардир, олисда бир чоқ,
Мени йўлга кузатганинг дам,
Эсингдами бир сап-сариқ барг
Шундай эрка, шундай маъюс, нам
Кўксимга бош қўйганди.

Бадар

Қетма, дея илтижо айлаб.
Мени йўлга кузатдинг, бирдан
Ўша олтин куз фасли, сийлаб
Бўсалару кўз ёшлар билан.
Мен йўлдаман ўшандан бери,

Йўл сирпанчиқ, ётар пилчиллаб.
Она-Ватан қаҳрамонлари
Боришар бир-бирин қўллаб.
Қимдир қўшиқ бошлар шу дамда,
Қолганлар ҳам қўшилар унга.
Унутилар ёмғир ғашлиги,
Файз кириб кетади тунга.
Чарчоқлар ҳам арийди шу тоб
Йўлчиларга омонлик тилаб,
Ёшлик мисол жаранглайди йўл,
Жаранглайди таскиндай буткул.

1944

ШАРОБ

Тинмас эди туну кун боғбон,
Токзор аро кезарди мамнун.
Унга кулиб боққанди замон,
Шавқли меҳнат тўлдирар умрин.

Татиб кўрар алвон ранг шароб,
Лабларида ўйнар табассум.
Сингдиргандай нурини офтоб —
Товланади шароб бетиним.

Ертўлада сақланди узоқ,
Юракдаги қондек қуюлди.
Кўринса-да гарчи у мудроқ —
Тиниқ, сирли қудратга тўлди.

Куз сирғалиб тушар заминга,
Япроқларга аста қўнади.
Эгилади шохлар таъзимга,
Мевалар шарбатга тўлади.

Нурланади узум доналар,
Гўзалликка бўлгудай тимсол.
Шабнам эмиб ял-ял ёнарлар,
Тиниқликда бамисли хаёл...

Уйга қайтар казаклар жангдан,
Узумзорда боқарлар тўйиб.
Жўш уради эзгу тилаклар,
Кўзларига суртарлар суюб.

Икки сержант кўза қошида
Ултирарлар қуришиб суҳбат.
Жанг кўрдилар севги ёшида,
Энди эса шаробга навбат.

Боғбон боқар уларга мамнун,
Кўзларида порлайди меҳр.
Қадаҳ ичра қуёшдан учқун...
Ғолибларга муносиб шароб.

1944

Д О В О Н Д А

Янграр горн садоси,
Сакраб турдим ўрнимдан.
Аввалгидек тасмани
Маҳкам тортиб боғладим.
Юракларни сеҳрлаб
Куй таралар горндан.
Хонам тўлди куй-нурга,
Ажиб кайфим, ҳолатим.

Пионерлар қўшиғи...
Йиғилади отряд ҳам.
Қизалоқлар рўмоли —
Оловланган қизғалдоқ.
Эҳ, яқинда мен ўзим
Тутиб саман ёлидан,
Мис карнай чорловига
Учиб борардим қандоқ!

Казак карнайи янграб,
Кўкни тутарди оҳанг.
У чорлаган ҳужумга,
Бизни олға бошлаган.
Кун тифида қиличлар
Тобланарди ранг-баранг.
Қизиган жанг майдонга
Бизни тақдир ташлаган.

Дарвозанинг олдида
Елғиз турибман энди,
Тонгда уйғотган горн

Куйига таҳсин айтиб.
Горн чалган саботли,
Шўх бола ўғлим эди;
Қизил байроқ остига
Тенгдошларин чорлайди.

Сафланишди ниҳоят,
Отряд олдинга борар.
Менга имлар бир бола:
Биз шунақа дўст, аҳил!
Пионер барабани
Оркестр ўрнин босар.
Гумбурлайди барабан
Тиним билмай муттасил.
Кузатаман уларни,
Изларида чанг-тўзон.
Улкан ҳаёт қўйнига
Болалар кирар дадил.
Биз ҳам худди шулардек
Еолаликда бир замон,
Бошламаган эдикми
Ҳаёт йўлимиз, ахир!
Суриб ол тонг завқини,
Урмонларда ўйнардик.
Кўтарардик баҳорда
Лагерда қирмиз байроқ.
Гоҳ кезардик тоғ бағрин,
Дала кезиб, куйлардик.
Зангори денгизларда
Чўмилардик шўх-қувноқ.

Эҳ, қайда қолдинг, ёшлик,
Кетдингми бизни алдаб?
Кўрдик неча баҳорни,
Айт, эй, сеҳргар ҳаёт?
Бу кўргилик юз берди

Қачон, қайси маҳалда?
Айланма довонга ҳам
Чиқиб қолибмиз, наҳот!

Аммо мис карнай сасин
Эшитаман мен ҳамон.
Ялтирарди кунда у
Кузги япроқ сингари.
Оёғида ўқ тешган
Кигиз этикли ўғлон,
Қуй чаларди горнда,
Бошлар эди жанг сари.

Ҳар кун тонгда уйғотган
Пионер горнидай
Она-Ернинг бағрида
Янгра, карнай, олтиним.
Аввалгидек аскарлар
Қалби талпинсин бирдай,
Доим олға чорлагин,
Билмагин асло тиним!

1945

ТАШНАЛИК

Камайиб борарди дарёларимиз,
Уйловга тушардик ҳар эрта тонгдан.
Волгада қор қорайди текис
Бизнинг қонимиздан, душман қонидан.

Туриб бердик Волга бўйида шундоқ,
Олға юрдик соҳиллар бўйлаб.
Ташналик юракни орзиқтирган чоқ,
Инқоғимиз босдик мириқиб шу чоқ.

Тонда, Ростовнинг нақ остонасида
Жанг қилдик ёв билан тагин беомон,
Чанқасак аскарлик қозончасида
Сув ичдик музларни ёриб беармон.

Оғзимиз қурирди ва лекин қақраб,
Беадад ташналик ҳолдан тойдирди.
Донецк, Миус! Бундай сўғишлар, ёраб!
Баъзи бировларни ҳушдан айирди.

Днепр учун ҳам бўлди оғир жанг,
Қаршимизда кумуш камардек балқиб,
Ётарди у маҳзун куз аро дилтанг,
Ажиб чиройи-ла кўзларни ёқиб.

Кимки бу жангларга қўша олди бош,
Днепрдан сузиб ўтди саломат,
Улар ўз номини бамисли қуёш,
Авлод-авлодларга қолдирди, албат.

Мана, Днестр ва Прут...

орқада

Дунаю Неманнинг кўм-кўк сувлари...
Дарёлар дуч келди қадам-бақадам,
Сон-саноғи йўқдир уларнинг.

Бағрида ташналик... қанчадан-қанча
Гард билмас, покиза қалблар увишди.
Оддий аскарлардан генералгача
Лаънати немиснинг қасдига тушди.

Ким ўйлабди, дейсиз! Берлинни кўриб
Дарё ёқасида эканин бир кун,
Бостириб бордигу даҳшат-ла юриб,
Сўнгсиз ташналикни қондирдик бутун

1945

ОЛЧА

Уқ тегиб ушалган ғиштинлар аро
Портлаш ва шамолдан титраб ҳар сафар,
Тунлар айласа-да қисматин қаро,
Бир юз эллик кунки, у мағрур турар.
Уни қаҳрамонга қиларди қиёс,
Гўёки бардоши билмасди сарҳад.
Жанг борар беомон, қонли, беқиёс,
Ўт ичра ёнарди Сталинград!

Уруш ҳам тугади ва яна баҳор
Олча шоҳларига гул бўлиб қўнди.
Душманнинг ўқидан синмаган шоҳлар
Тағин ҳам гўзалроқ кўринар энди.
Бугунги қизил ранг — қон эмас, йўқ, йўқ,
Бугунги қизил ранг — олчанинг ранги!
Йўқ, энди ёмғирдек ёғилмайди ўқ,
Энди ўлим эмас — темир жаранги!

...Ўз уйин қидириб, чарчаб бедармон,
Чангга ботганича ўйларди аёл:
«Жанглар бўлиб ўтди бунда беомон,
Қонлар оқди бунда келтириб заво!...»
Ногоҳ кўриб қолди: ғишту тош аро
Олча ўсар эди барқ уриб мағрур...
У энди кўзига ишонмас сира:
Эвоҳ, бу уйининг ўрни-ку ахир!..

Йиллар ўтиб кетди, олча ҳам ўсди,
Қушлар келиб қўнди унга неча бор.
Неча бор кўкламги шамоллар эсди,

У ҳамон тонгларни қаршилар бедор.
Уйлар қад кўтарди Волга бўйида,
Тумандек тарқалиб кетди дард, ғамлар.
...Ҳар ким хурсанд бўлиб қайтар уйига,
Уйдан шод чиқар доим одамлар.

1945

ЧАКМОН

Муҳаббатин, бахт-саодатин
Сақлайин деб лойгарчиликдан,
Дастёр бола — казак йнгити
Тикди аста пахтаси чиққан,
Йиртиқ чопон остига беун,
Айни ёшлик чоғида бир кун.

Донда эса ёнарди ўтлар
Дарёнинг энг теран ерида,
Бамисоли шиллиққуртлар,
Баҳорларнинг майсаларида.
Ёмғир тунги йўлчи сингари,
Қоқар эди деразаларни.

Сўйлаб қолди казак қизи
Бир кун унга пичирлаб:
Елкам узра недир кезар,
Недир юрар ғимирлаб,
Жавоб қилди унга казак:
Менимча, бу елвизак!

Немис ўқи ўрнини
Тиколмадим кўп уриниб,
Гоҳ тополмам игнани,
Гоҳ юпқалик қилар ип.
Ёрдам қўлинг чўзсайдинг,
Дуо айлардим минг-минг.

Мен тикаман — қиз деди,
Мен топаман сен учун.

Ниҳолчадек титради
Қазак қизи ўшал тун.
Жавоб қилди казак ҳам:
Елвизак топди барҳам!

Эртасига кун бўлди ёруғ,
Ўхшамади кечагисига.
Қазак қизи алдамади, йўқ,
Ипидан то игнасигача
Топиб келди ва тикиб берди
Қазак чакмонининг йиртиқ ерин.

1945

НОН

Уй бекаси қадимий удумга қилиб амал
Биринчи тортган ундан булка пиширар печда.
Сариқ клеёнкали столда шам бу маҳал
Милтираб ёғду сочар, кириб қолганди кеч ҳам.

Гира-шира ёруғда, қўлида оташкурак,
Печ олдида кул титиб, куйманаркан онахон,
Шовқинлашиб бирма-бир стол атрофин ўрар,—
Оила аъзолари жам бўлишар шу замон.

Даврада ўзи, чоли, келину неваралар,
Она нонни саккизта тенг бўлакка бўлади.
Икки йирик қисмини бир четга олиб қўяр,
Булар икки ўғлининг nasibаси бўлади.

Қип-қизариб пишибди, қарсиллама қобиғи,
Эриб кетар оғизда, ҳай-ҳай, мунча ширин нон!
Ун дегани шунақа аъло бўлса, очиғи,
Виждон билан тортибди майин қилиб тегирмон.

Ўғиллар улушига қўл узатиш қаёқда,
Бири турар абадий — қайтмас эгаси, аттанг.
Бировининг эгаси Одерми, Висла ёқда,
Тўплар гумбурлар ҳали, тугамаган қонли жанг.

Уларнинг тўнғич ўғли тўрт бор бўлган ярадор,
Қазакона кўксида бордир яра излари.
Олис Германияда жанг қилмоқда ҳужумкор,
Ўзининг одатича сафда юрар илгари.

Балки йигит бу маҳал олар сумкадан булка,
Зуваласи шу уну ҳарбий ҳамиртурушдан:
Худди шундай булкани бўлар саккиз бўлакка,
Уртоқлари у билан баҳам кўриб туришган...

Она юртни қўмсашар йигитлар тотиб нондан,
Чўл бағрида бошоқлар шовуллашин этар ҳис.
Соғинар ёр-йўлдошин оҳ чекувчи ҳижронда,
Қўнғироқ малла сочли дилбандлари, қайдасиз!

Болақайлар бесабр, кутишарди интизор,
Оталари тез қайтса, бағрига босса суйиб.
Дастурхоннинг ёнидан жой олса бирга дарҳол,
Думалоқ булка нондан сийшса роса тўйиб.

1945

ТУЙНУК

Боғда туйнук бўлар эди,
Туйнукка кўз тикардим.
Ҳа, эсимда, мен ҳамиша
Шу туйнукдан чиқардим.

Боғимизда ўсар эди
Ҳар хил олма, нок, бироқ
Қўшнимизнинг мевалари
Туюларди ширинроқ.

Завқ берарди баҳор дилга,
Қалб қувончга тўларди.
Қирсам-чиқсам кеча-кундуз,
Шу туйнук қўл келарди.

Ярим тунда аста чиқиб,
Ой кўрсатгач юзини,
Секингина чақирардим
Қўшнимизнинг қизини.

Упишардик тонгга қадар,
Огоҳ эди кўр ойдин...
Эҳ, сен менинг туйнугим-ей,
Эҳ, нималар қип қўйдинг?

Мен урушга жўнаб кетдим,
Оғу бўлиб еганим.
Бош ҳам қолди шу кўйича,
Қолди жондан севганим.

Кўп жангларда бўлдим, лекин
Ҳеч билмадим қайғуни.
Душманларни ер тишлатиб,
Уйга қайтдим бир куни.

Уйдагилар сўзлар эди:
— Қўй, кўнглингга олмагин!
Қўшни боққа аланглаб сен
Кўп хомтама бўлмагин!

Сўнг билдимки, қўшни қизи
Ваъдасин унутибди.
Эвоҳ, бундан бир йил бурун
Эрга тегиб кетибди.

Йиллар ўтди қушдек учиб,
Етмай менинг додимга.
Илк севгидан сўз очса ким,
Туйнук тушар ёдимга.

Ҳар не бўлса чидадиму,
Ўзни маҳкам ушладим.
Охир бир кун туйнукни ҳам
Шарт бекитиб ташладим.

Ахир, энди боламасман,
Манглайга ҳам тушди из...
Лекин ҳамон тушларимга
Кириб чиқар ўша қиз.

1945

ЖАНУБДА БАҲОР

Ҳар йил бу дам бўйчан тераклар
Шамолларга кўксини керур.
Ер ҳам бу чоғ нафасин ростлар,
Нафасида — иссиқ бир ҳовур!

Чўлга қара, замин устида
Титраб турар беқиёс ранглар.
Шамолларнинг чаққон дастига
Тутқич бермай қочар оҳанглар.

Дала йўлин ёнида шундоқ,
Тинглаганча қушлар овозин,
Кишнаганча тилларанг тойчоқ,
Тўймай искар баҳор ҳавосин.

Сўнгра хода қилиб думини,
Чопиб кетар дуч келган ёққа.
Кўклам бу кун эркалар уни,
Зангор хилқат олур қучоққа.

Даласини соғинган деҳқон
Қуёш билан уйғонар бирга.
Йўл оларкан адирлар томон,
Меҳри жўшиб тикилар ерга.

Бу кун буғдой экишар улар,
Бир буғдойки, бамисли олтин.
Ҳеч шубҳа йўқ, ҳосил мўл бўлар,
Тўкис этар деҳқон ҳаётин!

Қуйдиргандек қуёшнинг чўғи,
Аста-секин тарқалар туман.
Парвоз этар қизлар қўшиғи,
Завқу шавққа тўлади шийпон.

Мен қаерни кезмайин токим,
Мен қаерда бўлмайин ҳамон,
Баҳор завқи руҳимга ҳоким,
Талпинаман жанубга томон.

Қўрғонларда, яйдоқ чўлларда,
Курашгандик бизлар бахт учун.
Четини ўт босган йўлларда
Баҳор кезиб юрибди бугун.

Унгирларда йилқи уюри,
Баланд қирлар ташлайди соя.
...Қачонлардир бизлар бу ерни
Душманлардан этдик ҳимоя!

1946

* * *

Қўнғир кўзли, лаблари қақроқ,
Жанубликлар биз бўламиз, ҳа.
Мард эдик биз, жангга кирмай ҳам
Тамбов, Рязань шаҳарларида.

Қалин жилдлик китобларданмас,
Кутубхона ичрамас сира,
Ёрилган ўқлар-ла басма-бас
Кириб келдик ушбу асрга.

Чайгандирмиз танларимизни
Денгиз суви билан сар-басар.
Ундаги бор чандиқлар изи
Оловдану пўлатдан асар.

Қулларимиз севги ва бахтнинг
Оламаро бетакрор, тенгсиз.
Парчалаймиз гоҳо юракни
Ва изтироб чекамиз сўнгсиз.

Севажакмиз севсак ёниб, жим,
Сарфлаб қалбнинг заррасигача.
Қаҳримизга учраган ғаним
Омонликни ўйлолмас пича.

Булар бари — қон қизиқлиги,
Саратоннинг тафтидан балки.
Эътиқоднинг бетийиқлиги,
Эрта келган ишқдан, афтидан.

Балки бари чеккан кулфатдан,
Устимиздан кулган кўзлардан.
Булар балки қадим одатдан,
Дард-қувончни тортамиз бирдай.

Қўнғир кўзли, лаблари қақроқ
Жанубликлар биз бўламиз, ҳа.
Қандай азоб кутмоқда бу чоқ,
Қандай жазо раводир бизга?!

1946

БУ СИЗГА ТААЛЛУҚЛИ

Англия киносида — сўнгги ахборот:
Учади коптоқлар,

камон ўқлари.

Латифага чизилган суратдай.

бот-бот

Экранга тўлади

афиша ёрлиқлари.

Энг сўнгги модалар,

Черчил сафари —

Бу гал Вашингтонга

самолёт кўтарилар.

Нимаики намойиш этилар, бари

Сену менга таалуқли,

бизга дахлдор.

Ғарбдан қўшинлар келар ёпирилиб,

Майсалар поймолдир

танклар остида.

Бешафқат очилган

газлар клапани

Инсоннинг қасдида,

жоннинг қасдида.

Радио бошқарувли снарядлар тез

Осмонни пармалаб борарлар бу кез.

Фарзандлар устида

осмон бўлмасин дея,

Сен, мени бу ҳолдан

ором билмасин дея.

Лондон бўйлаб кезасан,

ҳар ёнда вайроналар,

Дераза токчаларин
 ғишталари ётар кўчиб.
 Иўлақлар ҳувиллайди,
 қулоққа чалинар —
 Оилалар оҳ-зори
 юрак-бағринг ёқғувчи.
 ...«Одеон»да, экран қаршисида
 ўлтирар беун —
 Томошабин халқи,
 ҳар тоифадан бор.
 Улар бу осмонни
 ёнғинда кўрганлар бир кун,
 Лондон экран бўлибмас,
 кулфат бўлиб кўринган
 Денгиз орти урушқоқлари
 ғалваларидан
 Пикка дилли юрак ҳовучлар
 бу дам.
 Илоҳий нур таратиб каллаларидан,
 Аскар кийимин кийиб турар
 минглаб несоний санам.
 Қўйиб беришган-чун,
 ҳаддидан ошиб,
 Тунги сайрларга чиқарлар
 шармандаларча такрор,
 Калифорния йигитлари кўриб буни
 ақлидан адашиб,
 Британияни поймол
 айлашар беор.
 Ҳайқиргинг келар:
 Бу сизга тааллуқли!
 Уртоқ лондонликлар!
 Сиз ахир томошабинмас,
 Сиз ўз ҳуқуқингиз
 талаб қилишга ҳақли!

Ноҳақ қирғинларни
кўрдингиз
басма-бас!
Ҳар қишлоқ, ҳар шаҳарда
ташлангиз йиртиб —
Уруш ўргимчагининг қора тўрларини
Англия қон қусмасин
бахтли кунлари йитиб,
Тўсилмасин осмон меҳвари!
Булар кадрлармас
ва на она кўнглида
Йиллаб ардоқланган қутлуғ орзулар!
Қурашмас экансиз
тинчлик йўлида,
Сизни уруш чархпалагига
банд этар улар.
дирилар уйлар,
ҳовлилар бутун,
Она оролингиз китдай тўлғанар
такрор.
Ўртоқ лондонликлар!
Биз ишонамиз!
Айтасиз бир кун
Урушга ўзингизнинг «Йўқ!» сўзингизни!
Бу сизга дахлдор!

1954

АНГЛИЯ ПОЛИЦИЯСИГА ҚАСИДА

Манзаралар ўз йўлига,
ўз йўлига об-ҳаво,
Тил теккизмоқ истамам
айрим
шахсларга ҳам.
Бағишламоқ истайман
ушбу қасидамми аммо
Ҳурмат билан,
Англия полициясига бу дам...
Дўстлардан қўриқлади
ахир
у мени,
Зерикишга сира
бермади имкон;
Ҳар зум,
ҳар қадамда
кўрсатиб қўйди йўлимни,
Қор-қол рўй бермасин, деб
ногаҳон;
Норозилик туйғуси
кўнгилда
худди
Тутилган қуёшдек
қолмасин дея,
Қаёққа бормайин
ёнимда бўлди,
Ҳурмат изҳор этди
намойишкорона.
Абердар шаҳрида
бошлиқлар ила

Ул-бул хусусида сўзлашсанг дилдан,
 Пайқайсан, сени жузатищаётган бўлар,
 Директорга имо-ишора қилишаётган бўлар зимдан.
 Паспортингни олишар, диққат билан кўришар,
 Суратингни ўзингга солиштириб кўрар хўп,
 Хўрсинишар, эснаб қўйишар,
 Зорланишар, албатта, «Хавонинг авзойи бузуқ!» деб.
 Қанча хавотир бор бу сўзларда, о,
 (Ҳаво ёмон бўлса, шамоллаш ҳеч гапмас),
 Улар хизматининг асосийси
 гўё
 Бизнинг саломатлигимизни сақлаш. шамолламасак, бас...
 Дерби шаҳри... меҳмонхонадан
 Жўнаб кетаркансиз, тагин дуч келишар сизга:
 «Кетяпсизми? ўйнасангиз бўларди биз билан
 Бирор партия крикет, мукофот бўларди бизга!»
 Қандай ғамхўрлик! Йўл қўймаслар ҳам
 Йўлда бирор нарса билан машғул бўлмоққа.

Маршрутдан чиқмасин деб
 четга
 бирор қадам,
Кузатиб кўярлар
 ўн беш чақирим
 нарироққа.
Манчестрни тарк этиб,
 вокзалга келдингиз,
Об-ҳаво жойида,
 қуёшли ҳатто.
Бирови сиз билан келар
 изма-из,
Олдиндан сизни яхши билган одам,
Вагонга ҳам бирга чиқади
 шу тоб.
Очиқ чеҳра,
 жилмайиш бетин,
Минг йиллик қадрдон
 гўё у сизга,
Яна бир ғамхўрлик!..
 Адашиб-нетиб,
Тушиб кетманг дейди
 бошқа поездга.
Минг бир хаёл келар мияга асли,
Ҳақиқатни
 акс эттириши керак қасида.
Протоколдаги каби,
 ҳамма-ҳаммасин
Фактлар билан ёздим бунда,
 аслида.
Бунда
 полицияга хос
 майинлик бордир,
Бордир
 полицияга хос
 аччиқ киноя.

Қимдир айтар
буларнинг барини ниқобламоққа қодир,
Уларда парда бор,
бамисли соя...

Билмадим,
бўлса бордир ва лекин
Уйимизда эмас,
биз меҳмонда эдик.

Баъзи бировларнинг
ўз ишидан
секин

Уялиб юришганини
ҳис этдик.
...Манзаралар ўз йўлига,
ўз йўлига об-ҳаво,
Тил теккизмадим
айрим шахсларга ҳам.

Юракдан,
кичик бир қасидам билан аммо
Миннатдорчилик билдирдим
Англия полициясига бу дам.

1954

ДАҲШАТ КАМЕРАСИДАГИ УЧРАШУВ

Тюссо хоним музейи¹ бор Лондонда,
башанг —
Фаранг санъати-ла пақшланган бино...
Сен учун,
қандайдир машҳур зот бўлсанг,
Қанча десанг,
топилар шунча мўмиё.
Чопон тикиб берар,
кўйлак,
иштон ҳам,
Турғизиб қўярлар,
олсин дея дам,
Хизмат кўрсатган тана
ёхуд креслога
Ўтқазарлар эҳтиром кўрсатиб тугал.
Ким қандай ҳурматга
лойиқ, сазовор,
Буни аниқловчи компания бор...
Ҳафтада бир
юз-кўзинг қўярлар артиб,
Ярқираб турасан
чанг-чунгдан йироқ.
Бунда ҳамма нарса
шундоқ батартиб,
Тартиббузарлик ҳам
бўлиб туради бироқ.
Бир студент бунга кирибди
Қўйнига болғани яшириб бир кун,

¹ Тюссо хоним музейи— мўмиёланган жасадлар музейи.

Министрнинг
 бошига туширибди,
Мия чаноғини айлаб кунпаякун.
Иигит ҳарчанд уриниб,
Тиригининг қабулида
 бўлолмаган экан сира.
Ақлдан озган, дейишиб
 у бечорани
Ҳар хил йўллар билан
 «текшира-текшира»
Ётқизибдилар
 охир касалхонага...
Музейда ғалати камера ҳам бор,
Нимқоронғи ертўлада у,
 унда зах ҳиди, ғубор.
Унда жиноятчиларнинг
 жам эрур барча тури,
Азобларнинг бор тури,
 қанчадан-қанча тури...
Бунда чинқиртириб осганлар Нурни,
Отганлар Шуурни...
Инсон аъзоларига берилган гамларнинг
 заҳри бунда,
Қабоҳатнинг минг йиллик тарихи бунда.
Бу ерда қотиллар тизилган қатор,
Занглаган қафасларда сақланар бари.
Ёнларида қонли қуроллари бор:
Ханжарлари,
 болгалари,
 сиртмоқлари — заҳарли.
Қотиллар қотили,
 • қўнғиз мўйловлик,
Гитлер турар эди
 шундоқ безрайиб,
Ўтли кўзларимга боқарди —
 нигоҳи ўлик.

Совет қайиқчилари-ла
 якшанба кун
 Музейга келишга
 қарор қилгандик,
 беллашувда
 Тан бердиришса гар
 рақибларини,
 Қувлашиб сувда...
 Мана, келдик ҳам.
 Учратдик бунда
 Америка учувчиларин —
 олифта, кўркам.
 Бутун борлиғи-ла мафтун бўлишиб
 шундай,
 Барча-барчасига боқардилар
 улар хуррам.
 Гитлерга келганда эса
 бутунлай
 Бошқача назар-ла
 кузатдилар барини:
 Юзларини,
 кўзларини — қўрқинчли тундай
 Ва бошқа ҳар хил
 майда-чуйда буюмларини.
 Баъзи бировлари
 бу қафасларга
 Шундай ҳавас билан қарадиларки,
 (хор ва бечора!)
 Шу ердан
 жой тегади гўё уларга,
 «Шу ердан жой беришса зора!»
 Шу чоқ тўқнашдилар
 уруш ва тинч меҳнат,
 Тинчлик қотиллари ва оқ кўнгил халқ.
 Бу ҳол беш дақиқа
 давом этди фақат,

Балки ундан ҳам кам...

Мангуликка қолди ва лекин барҳақ!

Гитлернинг

ва учувчиларнинг башаралари,

Қайлардадир учиб юргувчи Даллес,

Қафасларнинг чирик панжаралари —

Бизнинг,

ҳаммамизнинг ўйда

жангга кирди тез.

Қўйиб учувчиларни

ўз даврасида,

Тарк этдик ертўлани,

чиқдик ҳавога...

Ва бизга учради одамлар —

покдил ва содда,

Қуёш ҳам

осмонга кўтарилди тик.

1954

ИШЧИ АТОМИ ҲАҚИДА СЎЗ

Газеталар
 титрайди
 атом ваҳмасида,
Ҳамманинг оғзида
 Бикини
 сўзи!..

Ким ўлар
 жаннатга тушиш мақсадида,
Ким
 узоқларга жўнар
 баридан безиб...
Қириб кетгинг келар
 мағораларга

Газетлар
 жонингга теккан чоқ.
Уларда ёзишар:
 бир бомба кифоя
Нью-Йорк Ер юзидан
 йитади шундоқ!
Масофалар ҳеч бўлмай қолди,
Бу кун,
 XX аср —
 улкан майдонда.

Иши йўқ
 Лондоннинг —
 Америка нима бўлди?—

Оёғи остида
 орол турганда.
Шу оролда
 энасининг уйи каби,

Тўлқинларга ёндош,
 қўшнидай
Аэродромлари
 жойлашган
 пайдар-пай
Американинг.
Портлашлар,
 шовқинлар
 тутган ҳар ёни,
Поймол айлар улар
 кўм-кўк самони.
Бунда шартномага мувофиқ
 гўё,
Бўлашиб олинган
 мавжуд бор ҳаво...
Исталган вақтда,
 исталган ердан
Парвоз қилиш
 мумкиндир бирдан.
Кундай равшан
 мактаб ўқувчисига ҳам,
Лондон катта эмас
 Нью-Йоркдан унча.
Газеталар титрар,
 титрар
 дамо-дам,
Асабларни
 ишдан чиқаргунча.
Биров дер:
 «Ёронлар, яқин охир замон,
Булутлар ортига
 ой яширинди!»
Талвасада
 болалар,
 хотинлар
 бу он,

Ҳаяжондан
бармоқлар тишланди —
Японияга таъзим бажо этган
жнм

Оталар
ва эрлар қошида
шу зум.

Балиқчилар ётар
ҳайрат, қўрқувда,
Қапишганча темир каравотларига.
Америкага
камлик қилибди
Хиросима,
Қотилликни давом эттирмақчилар
сувда!..

...Чумчуқчалар чирқиллашар
деразам токчасида,
Меҳмонхона деразаси...
Ташқарида чошгоҳ.
Чумчуқчалар чирқиллашар...
Қандай нашида —

Уларни боқаман
фаранг нони-ла шу чоқ.
Улар учиб келар
ҳар тонг
қошимга,

Очиқ деразамдан
боқарлар илтижоли.
Келиб қўнгудайлар
шундоқ бошимга,
Ушоқ нонга зор —
ночор улар ҳоли.

Шу чоқ кириб келар
бир дўстим
хурсанд,

Қўлида «Правда»— қадрдон газет.
«Ўқи!

Шодлан!

Ярашади ҳатто қаҳқаҳа урсанг!
Жаҳоншумул янгилик,

эшит!

Мана сенга ҳақиқат, бамисли жондай,
бамисли жондай,

Тинчлик замонининг

буюк воқеаси!

Ишга туширилибди

бизнинг Ватанда

Атом электростанцияси!»

Уэльс шахтёрлари

сари бораман,

Оғиздан оғизга ўтар

ушбу гап,

Уларга эртакнимас,

ҳақиқатни сўйлаб бераман

Ҳайрат бармоғин тишлаб,

Танг қоларлар

улар

сўзларим тинглаб.

Газеталар бўлса

бу ҳақда,

албатта, чурқ этмадилар.

Шахтёрлар

«Правда»ни ўқий олмаслар ҳеч,

Лекин улар

олдимиздан кетмадилар,

Дўсту қадрдондек

бирга бўлдик

эрта-кеч.

Бир-бировга қараб

жилмаярдик ҳам.

Янги бир байрамни қутлардик гўё.

Ёшлигимиз бирга кечгану
бу асно
Уэльсда учрашиб турибмиз хуррам.
Қайдан бу самимият?
Сабаби надир?
Бизда борми ёки
оҳанрабо кучи?
Нимамиз уларнинг
кўнглини иситадир?
Нега
бунча ҳурмат
биз учун?
Боиси
тилаймиз тинчлик-саодат
Биз уларнинг
нимжон фарзандларига.
Уссин
деймиз,
соғлом-саломат,
Бепарво боқмасин,
деймиз,
даврига.
Эфир тўлқинлари
чегара билмас бу чоқда,
Тўса олмас
улкан афишалар ҳам, лекин бас,
Бир қутлуғ маънони:
Бизнинг
Совет ишчи атоми
ҳайрон айлаб дунёни,
Тинчлик иши учун хизмат қилмоқда.
Буюк бир даврнинг
бошланиши бу,
Қотиллик ҳали ҳукм сурган
жаҳонда.

Шу боис
оқ кўнгиллар
кўнглида орзу,
Ер остидан —
шахталардан ҳатто
талпинарлар биз томонга.
Яшасин
биринчи қадам шуқуҳи,
Яшасин
мўъжиза-янглиф
нурларга чўмиб,
Дунёга қадаб
тинчликнинг зўр туғин
Довруқ солган
Совет ишчи атоми.

1954

ВАТАН

Бутун еру кўкка солиб қалдироқ,
Ўкирган гулдурак ёдингда қолди.
Бола эдинг беғам, шод, яланг оёқ,
Ёдингда, чақмоққа тўлганди ҳовли.

Олис-олисларга қочар эди йўл,
Ортидан гулдурак қуварди учиб,
Сен-чи, бўсағада ҳайрон, дарёдил,
Турардинг нигоҳинг дунёни қучиб.

Сен йиллар макрини билмасдинг у чоқ,
Бошингга тушса ҳам не гусса, не кўй,
Бегона юртларда кезсанг ҳам қувноқ,
Ёдиндан чиқмайди ҳеч вақт ота уй.

Жўнгина остона, ёлғизоёқ йўл,
Дераза ёнида иккита дарахт.
Бор-йўғи шу холос, бошқача эмас
Биз доим ватан деб улуғлаган бахт.

Ешликдан, оқшомги тутун ила жо
Неки қолган бўлса бизнинг дилларда,
Сизларга меросдир бари бебаҳо,
Фарзандлар, тутамиз сизнинг қўлларга.

Сизники — бахтимиз, ташвишимиз ҳам,
Сизники — чаманлар, далалар ва қир.
Босиб ўтган оғир йўлларимиз ҳам,
Эзгу ишимиз ҳам сизларникидир.

Шу зангор осмон ҳам сизларникидир,
Сизларники эрур яшил ўтлоқ ҳам.
Анов, ҳилпираган қудратли, мағрур,
Мангу машъаладай ёниқ байроқ ҳам.

1956

ҚАЙДА БҮЛМАЙ...

М. Андриасовга

Кўзим юсам, кўз ўнгимда жонланар Ростов,
Сарин тўлқин наволари қуйилар яна.
Яна бўм-бўш, фақатгина бўзарган осмон
Ва ёшлигим қанотларин сезади сийна.

Йўқ, йўқ, бугун бундай эмас — бизлар қаридик,
Саноклидир танишлар ҳам, кулгу, чехралар.
Умр эса ўйин эмас, баҳордан ўтдик,
Қаршимизда турар мана, сўнг чегаралар.

Бироқ Ростов яшар экан — қайинлар кулар.
Ва навқирон чехраларда турфа хил қувонч.
Дашт тоблаган жануб юртин шамоли елар,
У ҳам фақат бизникидир, қучоғингни оч.

Қолмагандек ачинмоққа гўё ҳеч сабаб —
Фақат, қувон, тингла қушнинг ғаройиб сасин.
Бироқ бу дам қаршимдаги боғчадан сабо
Олиб келар ҳалок бўлган дўстлар нафасин.

Шу боғчанинг қошида биз тургандик саф-саф,
Ҳали жуда ёш эдигу қўллар кучсизроқ.
Турар эди олис уфқ бизларга қараб,
Чорлар эди бизни йўллар, юр, дея ўртоқ!

Йўл эдими қаршимизда, биз билмас эдик,
Ҳар ким ўзин йўли билан бўлди равона.
Биз дўстларни булуғларнинг остига кўмдик,
Неча азиз дўстларимдан айрилди она.

...Ростов эса, Ростов эса яшнайти ҳаймон,
Гарчи камдир танишлар ҳам — вақт бетиним.
Ешлигимни мен танидим, — қучиб ҳаяжон
Васл олди қалтираган киприкда кўрдим.

О Ростов, сен табарруксан, азизсан мангу,
Ҳар бир кўчанг, ҳар бурчагинг ёд тутар қалбим.
Қайда бўлмай, қай юрт кезмай, сен дилда туйғу,
Сўнгги дам ҳам кўз юмай Дон казаги каби.

1957



Муз портлар. Гүё түп титрар ғазабкор.
Снаряд учиши бор бұғиқ сасда.
Урмалар апрелнинг ҳали сўнги қор
Ҳидини уфурган салқини аста.

Қор эрир... Яшар у энди жуда оз
Қарағай соясми қилганча пана
Ва тезда бултурги йўл бўлар халос
Биллурий совутдан қишгача яна.

Қор куйлар. Кўлларда бақалар қувноқ,
Хасу чўплар аро шўнғиб сакрашур;
Дўнгликдан бамисли тутиб қўшқулоқ
Ирмоқлар дарёга тинмай сув ташир.

Шохда дурдек томчи титрар шу кезда,
Булутлар борлиққа пуркайди ёмғир...
Мен эса тикилиб, кўраман музда
Тишли пойафзалнинг изини бир-бир.

Сўқмоқ излаб ўтмиш бу ердан кимдир,
Қарағайга чиқиб йўл қарабди-ю,
Кетибди — қолдириб менга хавотир:
Кесиб чиқолдим манзилига у!

1959

* * *

Июндаги сўнгги булбуллар
Куйлайдилар айниқса янгроқ —
Бахш этгандек бутунлай улар
Сенга қалбу овозин бу чоқ.

Нафас олмай тинглар ёнғоқзор,
На қайинда бирор барг титрар;
Ой қатраси каби куй бедор
Ўрмон бўйлаб чопар, ярқирар.

Тинглаб, қотар кўкда оқ булут
Сўнгги булбул қўшиғини жим...
Мен ҳам жимман — бор дунё унут,
Гўё менинг бу ўз қўшиғим.

Кулранг булбул кетади, лекин
Тополмассан қидирмагил, бас;
Кулранг булбул кетади, лекин
Янграйверар ул сеҳрли сас.

1959

* * *

Кам дийдор кўришар дўстлар шод кулиб —
Бошқача эди-ку ёшликдаги аҳд?!
Ҳа... Кунлар четидан энди тойилиб,
Дўстлик жиловида мункишар гоҳ вақт.

Баъзилар ўйлар деб: «Мен — асосий от!»
Шатакчи қидириб чопиб-елар, боқ!..
Бир пайт-чи, ўтмаган четлаб — бизга ёт,
Дўстлари ўн эмас, минг эди у чоқ.

Ўзгача давр бу, бурилиш ўзга:
Ирғитилмиш эски одатлар буткул.
Бор бизнинг асосий отимиз, бизга
Унинг шатагида юрмоқ кўп маъқул.

Басдир адашмасак, бузилмаса саф,
Бас йўлдан чеккага зимдан боқмасак.
Аллақачон лозим адашганга афв,
Бор, ўйна, тушовдан озодсан, демак.

Қириб шотига, торт аямай ўзни,
Бор кучу қувватинг сарф эту ҳорма,
Ва лекин янглишиб тепмагин дўстни,
Тасодифан унинг бошини ёрма.

Хато-ку бўлади ҳамма дўстда ҳам,
Аммо баъзилари кўп принципиал,
Таъкидлар: ҳеч кимга у эмас қарам,
Ётганмас ёт кўрпа ичра ҳеч маҳал.

Шунда сен ўйлайсан: «Эришдинг, хўш,
Мартабага кимнинг кифтида, ўртоқ?»
Ҳеч кимни тан олмас ҳақиқатан у,
Шунчалар осонми дўстлардан кечмоқ?!

Бу гап-ку, эҳтимол, ярим бахтсизлик,
Аслида фожиа ўзгача буткул:
Одамлар ўйларки, ҳануз сен биздек,
Муғамбирлик қилмай яшайсан покдил.

Оҳ, ўйлар, оҳ, ўйлар... Қандай қуваин?
Асрнинг кетидан аср муқаррар...
Ҳар қайда шуҳратнинг шуъласи — тайин
Қишилар кўзини тез қамаштирар.

Майлига, майлига... Яшаб, кўрармиз...
Бари бир, олайлик, кел, дўстлик учун!
Аввал қадаҳларни тўлдирайлик биз,
Сўнгра жаранглатиб ичайлик бугун!

1960

ФРАНЦУЗ ФАШИСТЛАРИ ТОМОНИДАН
ЖЕНЕВАДА ЗАҲАРЛАНГАН ФЕЛИКС МУМИЕ
ХОТИРАСИГА

Сокин шаҳар Женева,
 нейтраль деб аталар,
 Унда мовий кўл сатҳи
 мот қилади осмонни.
 Лекин қандай нейтраль бўлсин,
 у нотинч,
 агар
 Унда маргимуш билан
 ўлдирсалар
 Инсонни!

Феликс!
 Феликс Мумие —
 Камеруннинг ўғлони,
 Худди оловдек инсон,
 шиддаткор ракетадан —
 Титратарди минбару зални
 сўзлаган они,
 Дўстлари қойил қолиб,
 беришарди унга тан.
 Қаҳ-қаҳ урарди боқиб
 сотқинларнинг кўзига!
 Ҳа, хатарли эди у
 разил фашистлар учун,
 Халққа раҳнамо эди,
 чин дўст эди дўстига.
 Камерунга бахш этди
 юрагини у
 бутун!

Қандай қилиб, Женева,
қандай қилиб қўйдинг йўл
Бағрингда ифлос қотил
яшашига, ахир, айт?
Евуз қора кучларга,
фашистларга бериб қўл,
Дўстлашдими у кунинг
қотиллик рўй берган пайт?
Фақат шу йил
Мумие уйида
бўлдик меҳмон;
Фақат шу йил
биз кўрдик
унинг гулғунчаларин;
Совғалар олиб бордик —
ўйинчоқ улашган он
Улар чўзди бизларга шод
жажжи қўлчаларин...
Гвинея пойтахти Қонакри
ёдда ҳар вақт,
Унда бутун қитъанинг
эрк қўшиғи учарди;
Бир ўзгача яшариб норғул Мумие некбахт
Камеруннинг эркидан сўзлаб,
бизни қучарди!
Энди эса у ётар
мовий кўлга ёнма-ён,
Кўлдан ҳам совуқ эрур
томирда музлаган қон;
Қаламуш дорисининг
заҳридан ўлди
Инсон —
Ўзгалар кўзин очиб,
ўзи кўз юмган ўғлон.
Шу воқеа бўлганди
нейтраль Женевада!

Унутмасмиз!

Қалқамиз ғазабга тўлиб,
зеро

Чексиз сайёра бўйлаб

жанг борар;

жангдан зада

Бўлмас ғалабагача

беором

кўҳна дунё!

1960



Саранск. Қалдироқ. Бўғот. Қуш ини.
Дарахтлар кокилин ювар ёмғирда.
Мен — танҳо, гуноҳкор кекса дайдини
Бир орзу тарк этмас, билсанг, ҳеч ерда.

Мен сузмай қайси бир олис денгизда,
Мен қайси кенгликка қўймайин қадам,
Ҳамроҳсан ёдимга туну кундузда,
Севгингнинг гавҳари нур сочар ҳардам.

Илон изи чақмоқ, мана, ҳозир ҳам
Кўкиш ялтираркан бош узра, салқин —
Ўрмон ҳиди билан тўлгандек хонам,
Сенинг ўйинг билан тўлиқдир қалбим.

Ҳа, фақат сен билан, ташвиш, ороминг
Ва юмшоқ овозинг билан қалб бутун...
О, қандай жаранглар шу оддий номинг
Бу ёт шифт остида билсайдинг, бугун.

...Яқинлашиб келар ўрмондан салқин
Деразам остига боғ оша эниб.
Фақат қизғалдоқлар ёмғирдан балқиб,
Қизил чироқ каби туради ёниб.

Саранск.
1960



Сергей Лебедев хотирасига

Ернинг қувончлари кетмоқда бир-бир,
Ўрнига янгиси берилмас, афсус...
Дунё ўша-ўша —

тўлқинлар сапчир

Ва куйлар булбуллар завқ билан ҳануз.

Тушда: хўшлашибман ҳар бир дўст билан.
Қўлини қисибман кимни учратсам;
Барчага боқибман тўймас кўз билан,
Қалб билан қучибман мен ерни шу дам...

Завод гудогини тинглайман такрор,
Яна станогим томон ўтаман,
Қачондир ёнимда бўлган дўсту ёр
Овозини таниб, қулоқ тутаман.

Цехма-цех «Сельмаш»ни кезиб қайта бор,
Силайман деворин мен аввалгидек:
Бу бизники!—

дейман такрор ва такрор,—

Бу ерда ўзгамас, биз бўлган эдик!

Бунда шовиллайди азим дарахтлар
Янги гиштин цехлар девори бўйлаб;
Қуйганда апрелги ёмғир, бир вақтлар
Ниҳол ўтқазгандик бугунни ўйлаб.

Бугун томлар узра эгилмиш улар,
Тақдир бир ва лекин бир хилмас фақат:
Уруш ўтиб кетди — дарахтлар турар,
Дўстлар ҳам бут эмас... Уруш бешафқат.

Конвейер айланар — темир интизом,
Йилма-йил кенг олар бурилишини.
Вақт эса аямас ҳеч бир кишини,
Юраклар, қалбларни кўп синаб, мудом
Йўлида бешафқат этади давом.

Ернинг қувончлари кетару, лекин
Урнига қолдирмас янгисин улар...
Майли, сапчийверсин пўлат ёл тўлқин,
Завқ-ла куйлайверсин, майли, булбуллар!

1961



Шовиллайди ўйларим менинг —
Бамисоли қайинзор чексиз,
Бамисоли сочилган минг-минг —
Хазон япроқлардек маъюс.

Кўз ёшларим томар кўксимга,
Кузги ёмғир мисол сар-басар.
Бахт келтирмас бу йўл ҳеч кимга,
Бахш этмаса ўзини агар.

Баланд-пасти кўпдир бу йўлнинг,
Ҳар қадамда чалар оёқдан.
Қора туман қоплайди дилни,
Дарак бўлмай гоҳо маёқдан.

Лекин бир ҳис бошлайди олға,
Тушунолмай қоласан ўзни.
Қонларингда уйғонар долға,
Мошдай очиб қўяди кўзни.

Қаршингда ёйилар кенгликлар,
Яна орзу, яна эҳтирос.
Яна дилда соғинч энтикар,
Яна виждон юз очар рўй-рост.

Мен сенинг тамом! Мен сенинг!
Сенга олиб боради бу йўл.
Юрагимнинг хуш нафасини
Сенга асраб юрибман буткул.

Мен — иқболи кулган бир маъшуқ,
Хаёлларинг султони бўлдим.
Кафтларимда асрай олдим чўғ,
Аёзлардан ҳимоя қилдим.

Сенга — сўзларимнинг ширини,
Сенга — сара тилакларим бот.
Ишқимизнинг ажиб сирини
Еча олмас бани одамзот.

1961

* * *

Чеккасиз чўл шамоли бебoш,
Юлқиб эсар саксовулларни.
Уркач янглиғ барҳанлар.
Қуёш —
Қовуради сариқ қумларни.

Йўллар, йўллар, йўллар — адоқсиз,
Хавф-хатарли, кимсасиз баъзан.
Мен улардан юрдим ҳадиксиз,
Бўронларга парво қилмасдан.

Уркачим бор гўё менинг ҳам
Кун кўраман фақат туз тотиб.
Саҳролардан ўтарман бардам,
Чўчитолмас йўл машаққати.

Синай яримороли.
1961



Сенга алла айтардим агар қўлимдан
келса...

Кошкийди шамоллар сенга етказса
Шаҳру деворлар оша,
Чақноқ юлдузлар оша,
Агар қўлидан келса...

Ухла, жоним, дилором,
Менинг қалбим сен билан,
Гарчи кунлар беором,
Менинг қалбим сен билан.
Тишда тун серхавотир,
Ойнани чертар шохлар.
Биз биргамиз барибир,
Ойнани чертар шохлар,
Ойнани чертиб шохлар
Сен ҳақингда сўзлайдир.

Ухла, жоним, дилором,
Майли, кирсин тушингга
У бизнинг ёруғ кунлар,
Майли, кирсин тушингга
Булутлару баҳорлар,
Чўққидаги оқ қорлар
Майли кирсин тушингга.
Майли кирсин тушингга
Менинг кафтларим аро
Турган у беҳол қўллар.
У нозикниҳол қўллар —
Ҳаётимдек бебаҳо.

Ухла, жоним, дилором,
Мен уйқусиз, мен бедор;
Тунги оташлар аро
Тинглайман, янграр баҳор;
Тун ичра сингиб кетган,
Соғиниб ўнгиб кетган,
Баҳордан тўйиб кетган,
Сени деб куйиб кетган
Қалбимни қутқаз оҳдан!
Юрагим юрагинг-ла,
Тақдирим тақдиринг-ла,
Кўзларим кўзларинг-ла
Ўта қолсин никоҳдан!

...Шамоллар бу алламни
Агарда етказолса!

1962



Олов рангли япроқлар
Кесиб учар йўлларни.
Нишаб, дўнг тепаликлар
Ҳайдаб солмиш уларни.

Изиллайди эрта куз
Қўним топмай, саргардон.
Бу ҳолатдан тилга сўз —
Келмай, турибман ҳайрон.

Аланга кўкка учар,
Уйнашар шафақ-ла жим.
Аланга дилга кўчар,
Дилда сукут сақлар жим.

Шу ўтдай ёнишим шарт
Сенга етмоғим учун,
Боқиймикан қалбда дард,
Етармикан қалб кучим.

Соҳилдаги дарахтдан
Учган чирик хазондек,
Юрак маҳрум бир бахтдан,
Бағрим қақшар сўзондек.

Олов ҳидли япроқлар
Учар кесиб йўлларни.
Нишаб, дўнг-тепаликлар
Ҳайдаб солган уларни.

Ставрополь.

1962



Кузак... кузак... қораяр шафақ,
Шамол илк баргларни тўкар тупроққа.
Барглар учар,
барглар сариқ рўмол каби нақ,
Барглар шошар мангу тинмоққа.
Энди улар ёстанолмас

шохлар узра ҳеч,

Шамолларда

елкан каби

ҳилпирай олмаслар.

Қолганлари етилару,

парвозга шайланарлар

эрта-кеч,

Энг сўнгги,

энг сўнгги парвоз бўлар... билмаслар.

Бу парвозга беқиёс, беқиёс фақат,

Бу балким ҳеч гапдир баргларга.

Бир оз хурсанд,

бир оз бетоқат,

Учишиб тушишар хандақларга.

Ҳаммаси тугайди:

парвоз ва қўним!

Аммо қачонлардир

шовуллаган эдилар хуррам...

Қанийди,

қанийди, мен ҳам шулар каби жим,

Ортингдан эргашсам,

сенга интилсам.

1962

* * *

Оғир — айрилиқнинг илк соатлари...

Мана, мен...

қўлларим осмонга чўзиқ,

Бу кеч интиламан қўмсаб сен сари...

Ҳолбуки,

орадан кун ўтгани йўқ.

Бўзлаб ёлвораман дақиқа сайин,

Туманлик кўзларинг келар хаёлга;

Бир оғриқ сизади қалбимдан майин,

Борлиқ ўхшаб кетар сўнгсиз шамолга;

Бунда шамол демак довул демакдир,

Ярқ этган чақмоқдай ўтиб кетар тун.

Ёнда гўё уммон тугёнли, оғир,

Пойингда Ер шари ётар бус-бутун.

...Уйларнинг тоmidан сирғалар туман

Москва чарақлар кўз ўнгимизда.

Юзларимга масрур боқасан шу дам

Кўзларингни юмиб менинг фариштам.

1962

* * *

Қўй, қайғурма, зорланма, чида,
Бу ҳасрат бошингдан йитмагай ариб.
Мисли кекса дарё қўриқчисидай,
Сен, дарё қалблидан кетмагай нари.

Бу ҳасрат бепоён қайинзор аро
Нур ёғилган ойдин тунда ҳам
Ўзининг доғини муҳр этар — қаро,
Аллақандай оғир ва мубҳам.

Билмам нималарни эслайсан унда,
Тампери аталган жойни эшитиб.
Гранит. Ёт юлдузлар чақнайди бунда,
Ёт сўқмоқлар. Ёт тупроқ ҳиди.

Лекин бунда, олис Фин кўрфазида
Сенинг ёдинг билан оламан нафас.
Ажиб соғинчингни дилда, наздимда,
Қўриқчидай асраб кезаман бесас.

Кезаман нотаниш кўчалар бўйлаб,
Ҳамроҳ қилиб таниш дардингни.
Маъюс кулгиларинг, сўзларинг ўйлаб,
Бедор ёдга олиб муҳаббатингни.

Бунда, жуда олис Фин кўрфазида
Сенинг ёдинг билан оламан нафас.

Ажиб муҳаббатинг дилда, наздимда,
Қўриқчидай мангу асраб қоламан.

1962

БАҒИШЛОВ

Кўклам майсаларин сенга атадим,
Атадим баҳорги хушбўй гулларни.
Сен эса чакканга тақиб олу жим,
Оламаро кўз-кўз айла уларни.

Ёнсин жаҳон кўзи ва ҳавас қилсин,
Нада ҳавас, ҳасад айласин майли.
Ишқ деган қудратнинг борлигин билсин
Улар ишқ туфайли, бизлар туфайли.

Ҳар кун, ҳар дақиқа овозинг тинглаб,
Кўнгилдан турфа хил истаклар кечди.
Армонлар орзудек сўнгсиз жаранглаб,
Ажиб бир истиқбол тўнини бичди.

Ўйларимга қанот бахш этдинг рўй-рост,
Сенсиз учолмасдим, қолиб ерларда.
Бу кун мен юксакка айладим парвоз,
Очилди мен учун кўҳна сирлар-да.

Борлиқлар, йўқликлар — кўзим ўнгида,
Кўзим ўнгидадир барча сўнгсизлик.
Менинг муҳаббатим сўнгида эса,
Биламан, мунгсизлик, гўзал мунгсизлик.

Қаршимда камалак ярқираб порлаб,
Қаршимда ёмғирдан сўнги нафосат.
Менинг орзуларим ўзига чорлаб.
Ўфқларда ёнар бир чирой беҳад.

Яна баҳор келди

боғчаларимда

Авжга чиқар жажжи қушлар чуғури.
Ишдан қайтажакман боқмай барига,
Хаёлан сен билан суҳбатлар қуриб,
Биз — икков, бари бир, биргамиз, бирга,
Бизни ажратолмас на Вақт, на Замоқ.
У — сен, шеърларимга илҳомдай кирган,
У — сен, шеърларимда тирик қаҳрамон.

1962

* * *

Сенсиз ёруғ дунё — хароба маскан,
Денгиз ҳам тош қотган, бечора, сағир.
Сенсиз жаннатларни орзу қилмасман,
Ҳажрингни кўтариб юрибман ахир.

Яхшилар кўп ушбу оламда тенгсиз,
Мен улар қошида тиз чўкаман жим.
Ўзимни хўрланган сезаман сўнгсиз,
Бурчак-бурчакларда ёш тўкаман жим.

Сўзлар бор... кўкларда парвоз айлаган,
Қоғоздаги шеърий байтлар сингари.
Хотирот бор, мени маҳзун айлагай,
Қалбни орзиқтириб қийнар сарсари.

Хотирот... хотирот... ёмғирдай ёғар,
Ёғар уст-бошимга кўз очирмасдан.
Замон узра, тоғлар узра юксалар...
Сенсиз — ёруғ дунё хароба маскан.

Гагра.
1962

* * *

Зиравордек татимлик меҳр,
Явшон янглиғ хушбўй ишқ ила,
Сенга кўнгил қўйганман охир,
Боғланиб қолганман тамомила.

Шўр ёшларинг қуюлар равон,
Дилда қўзғаб оғир хаёллар.
Кўз ёшингда акс этар замон —
Ечолмаган қанча саволлар.

Шундоқ, бизнинг ҳукмимиз олий —
Қалб ва виждон меваси асил.
Ҳар на гина-кудратдан холи,
Ҳалоллик уфурар муттасил.

Ул эътиқод ўтида ёнди,
Кўмир мисол қорайди аввал,
Сўнг ярқираб кўзларни олди,
Ҳеч биримиз кутмаган маҳал.

Энди бизда ҳар недан қутлуғ
Утмиш деган туйғу ҳам бордир.
Баъзиларнинг бугуни ҳам йўқ,
Бизга иккиси ҳам ёрдир.

Тушкунликка тушиб юрганлар
Таъсирига берилмадик ҳеч.
Биз билан бир суҳбат қурганлар
Очилишиб юрди эрта-кеч.

Ғараз, ҳасад ё тухмат тоши
Бошимизни ёролган эмас,
Кулиб боқди иқбол қуёши,
Олавердик биз эркин нафас.

Кўксимга бош қўйиб, эркалаб,
Қалб қушимни яйратганинг чоғ,
Юрагингга оташлар қалаб,
Куйлайвердим тобора янгроқ.

Мен севаман чўл явшонларин
Ва зиравор бўйларини ҳам.
Хаёлингда шулар сингари
Мангу қолсам дейман, жонгинам.

Ва аразинг тарқатиб буткул,
Бош эггум бор қаршингда унсиз.
Сен устимдан кулсанг, майли, кул,
Лекин сендан умидим сўнгсиз.

1962

* * *

Сендан айрилганда —
 жарга қулайман.
Майсалар йўқолар,
 яшнамас чаман.
Қушлар ҳам учмайди,
 денгиз берағбат.
На висол қувончи,
 на бир рутубат.
Фақат қийналади
 ярадор юрак:
Ҳижронни истамас,
 истамас, бироқ
Айрилиқ бор экан —
 яҳшидир жарга
Қулаб тушаётиб
 тошга урилмоқ...

1962

НЬЮ-ЙОРКДАГИ НАСТАРИН

Манхеттен чироқлари, афишалари
Олақуроқ қилиб ташлаган тунни.
Ойналардан учган май шишалари,
Турфа ғалваларнинг турфа қуюни.

Манхеттен чироқлари, аъло ҳазратлари,
Жаноби олийлари — қоронғуликда
Бўкирар, қутурар вақт ўтган сари,
Мен томон бостириб келади тикка.

Хунук, важоҳатли, совуқ бир ҳаёт —
Номаълум махлуққа айланар шу тоб.
Бунда ожизларга йўқ бирор нажот;
Бунда ожизларга жой битта — гирдоб.

Туманлар қўйнида кўз очар шаҳар,
Баҳор саробида ялтирар Гудзон.
Сени ширин уйқу элитар саҳар
Ва тушлар кўрасан қадрдон ва жўн.

Одамлардек яшар унда одамлар,
Мулойим чеҳралар қалқар тушингда.
Мойчечак очилар қулф уриб — муаттар,
Настарин чайқалар шундоқ бошингда.

У шундай хушбўй ва шундай дилоро
Олис Донингдаги настарин мисол.
Манхеттену Фарб йўқолар гўё,
Энтикиб кетасан хўрсиниб хушҳол.

То ҳануз чайқалиб турибди олам,
Бамисли фалакнинг беланчагида...
Настаринлар сени қаршилар ҳар дам
Лекин бу жаҳоннинг ҳар бурчагида.

Нью-Йорк.

1962



Бир сўзсиз мусиқа оқмоқда аста,
Тўлқинлар қирғоққа келиб урилар.
Мен тушлар ҳукмида яшайман хаста,
Олислардан сузиб келмоқда улар.

Бир денгиз бор эди. Қуярди ёмғир.
Ҳам қоялар аро тикка бир довон.
Энди-чи, энди мен яшайман ёлғиз
Ўтмиш кунларининг хаёли билан...

Учиб, ҳузурингга бораман, дўстим,
Сен ҳам ҳузуримда турасан шу чоқ,
Ажиб мовийликка ўралганча жим,
Зоғ ҳам кўринмайди тегрангда бироқ!

Сен ёлғиз турасан қора тун билан,
Сен бедор турасан сукутда танҳо.
Ҳам сукут... ҳам яна фақат мен билан,
Мен эса сен билан... сукутда танҳо.

Тайёрман, азизим, севгилим, сени
Бир умр гавҳардек авайламоққа.
Бутун денгизларни, океанларни
Бутун қитъаларни кезиб чиқмоққа.

То кафтинг тафтини асрамоқ учун,
Тунги сукунатиинг асрамоқ учун,
Жоним, сенинг ўша кўз ёш бегона
Бедор кўзларингни асрамоқ учун!

Бир сўзсиз мусиқа оқмоқда аста,
Мен тушлар ҳукмида яшайман хаста
Ва бутун кафтимдан сирғалиб беҳол
Бир сўзсиз мусиқа оқмоқда аста.

У бутун асослар асоси мисол,
Оташин оловнинг тиллари янглиғ
Кафтимни куйдириб, сирғалиб беҳол,
Бир сўзсиз мусиқа оқмоқда аста.

Швеция, Мальме.
1962

ШУНИНГ УЧУН ҚИФТИМДА ҚАБУТАР

Кунгай Италия соҳилларида излар,
Балиқчи кулбасин

хир дарчаси.

Кунда пишган,

ажин босган юзлар,

Менинг кўз ўнгимда

мана —

барчаси.

Ерда излар

кунлардай беҳад,

Ерда йўллар,

гўё

Меридианлар...

Қалбимда янграган унлардай беҳад

Мени ўртоқ ва дўст деганлар.

Мана, мактуб —

адиб Альберт Қан¹,

Бир дуч келган эди манзилларимиз.

Ажратиб туради бизни океан,

Аммо боғлаб қўйди

ўғилларимиз.

Брайен севарди,—

ҳали ёдимда,

Москва қишининг

кўк яхмалагин.

Енида Алёшка,

менинг жингалагим,

¹ Альберт Қан — америкалик ёзувчи.

Иккиси ҳам азиэ
ҳамон қалбимда.

Хотирамда
яна бир хонадон —
Токиодан келди мана бу сурат:
Уч фарзанд доғида куйган онадан;
Мени унутмабди,
ёзибди сўраб.

Кўз ўнгимга келар
мудҳиш «қўзиқорин»,
Хиросима узра ҳамон муаллақ.
Юрт тинглар тақдирнинг нолаю зорин,
Дардчил боласининг кўзига илҳақ...
Модомики, **вамин**
Гуркираб гуллаши, кулиши керак.
Ҳамма қитъаларда омон ва амин
Инсон ризқи рўзи униши керак.

Истайманки,
ўғлим кўрсин ҳавас,
Тенгдошин юртида меҳмон бўлолсин.
Истайманки,
ер қонга эмас,
Чаман рангларига бўялсин.

Дўстлар ортаверсин,
дўстлик ёзсин қанот,
Планетамиз гўзал,
планетамиз кенг!
Бургут парвозидай эркин бўлсин ҳаёт,
Инсонга муносиб,
азоб, бахтли, тенг.
Мана шунинг учун
кифтимда кабутар,

Океанлар оша боқаман.
Аввал бир ҳовлига,
 кейин бутун юртга,
Сўнгра қитъаларга эшик қоқаман,
Авлодим жаҳонга жар солиб ўтар,
Қалбларда эзгу орзу,
 кифтда кабутар!

1962

САВАННА

Ола чопон кийган кекса графдай,
Чакка сочларига оқ тушган,
Бемалол юради бунда жирафлар,
Ҳаммага менсимай боқади устан.

Кўтарма крандай бўйнилари узун,
Ёш бутазор узра турар бир гала.
Саванна дегани мана шунинг ўзи,
Мана шу унга хос оддий манзара.

Бунда гоҳ ложувард кўл ёқасида
Гўё енгил шабада ғувлар:
Югурар ям-яшил ўт орасида
Оққушдай бўйнини чўзиб оҳулар.

Бунда ҳаво суронга тўлиб
Хатарли чангалзор бирдан тебранар:
Тор сўқмоқдан уюр-уюр бўлиб
Дарёга тушади тарғил зебралар.

Улар қўрқар ўтдан, ўрмондан,
Макру ҳийла пойлар ўнгу сўлида.
Уларни саванна шундай ўргатган —
Ҳеч кимга ишонмас юрган йўлида.

1962



Яна бир тонг, ранглар жилосидан
Бу галги парвозим битмас сингари.
Мен қайтаман эртақ дунёсидан
Оддий ташвишларим дунёси сари.

Ташвишнинг, ҳойнаҳой, йўқдир ҳамон таги,
Ердаги чаманлар ва яралардай,
Гўзал Климанжаро музликларидаги
Суронли, ўпқонли шаршаралардай.

Нолимай учаман ўз дунёмга мен,
Ташвишлар боғламас эркимни,
Аммо биламанки, гўзал Климанжаро,
Ҳар ерда қўмсарман сенинг кўркингни!

1963

ПАРВОЗДА

Ватанга ҳам яқин қолди.
Остимизда Анқара,
Қўзларга бир чалиниб,
қолиб кетди Кипр.
Ҳаёт ҳодисалари
ўйинга ўхшамас сира,
Дунё ҳам ҳамишалик —
ечилмаган сир.
Ҳали ҳал бўлмаган
жумбоқлар қанча,
Умрим етармикан
ечишга ҳатто бирин.
Ёшимда Нозим Ҳикмат,
ниманидир ёзганча,
ўлтирар,
учиб ўтмоқдамиз
унинг диёрин .
Иўллар талай бу кун
осмон қўйнида,
Қуюқ туман аро улар,
булутлар аро.
Айрилиқ бор улар бўйнида,
Юки бор висолнинг —
тошқин, пурзиё.
Моторлар гувласин майлига
бетин,
Дояра ясалсин
паррак гирдида.
Ортда кўк туман аро
қолди Анқара.

Яқиндир Ватан.
Дунё зарра янглиғ
ва қалбдай улкан жуда.
Соатга қарайман,
Москвада мени
Интиқ кутмоқдалар,
буни биламан.
Самолёт,
игнадек,
кўм-кўк осмонни
Тешиб,
пастлаётир шаҳд-шиддат билан.
Шамолларга қарши
кенг қулоч ёзсин қанот!
Тарих ҳар биримизда
из қолдирсин айрича.
Учаяпмиз,
Анқара олисда қолди бу пайт,
Олисда қолди мендан...
Нозим Ҳикматдан эса...
фақат ҳозирча.

*Москва — Дор-ус салом самолёти.
1963*

ЧАНГАЛЗОР

Тонгда Африканинг куйлаб хўрозлари
Мудроқ юлдузларни бир-бир сўндираар...
Келгиндининг беафв гуноҳлари
Тоғ-тош, чангалзорда ҳамон тентираар.

Тунда улар зулматга чулганган,
Тонг отиши билан аста судралар,
Жулдур кўрпасида энди уйғонган,
Оч-яланғоч қашшоқ ҳужралар.

На эшик, на ойна, юпун ва ночор,
Ёнида дийдираган боладай басир.
На Лондон,

на ООН ҳисобида бор,
Утмишнинг ҳар куни
унга бир таҳқир.

Икки табиб ўтган!

Икки қора врач!

Бу юрт ватан бўлгандан бери.
Британ гербидаги арслондан кўра
Мушфиқ

чангалзорнинг ёввойи шери.

Йўқ!

бу даҳшатларни яширолмас тун,
Виктория суви юволмас албат.
Океан тўлқинлари ютолмас бутун,
Лаънат тамғасидай қолар то абад!
...Аммо Африканинг куйлар хўрозлари,
Танганикада ҳам ҳаёт уйғонар.

Келгиндининг беафв гуноҳлари
Чангалзорда тунга чулғанар.

Тўлғанар, судралар
излаб бошпана,
Арслон наърасидан титроқда.
...Бу маҳал янги кун бошланар
Бу эзгу, бу қадим тупроқда.
Инсоний тақдирга
қилар эгалик
Қара, биродарим,
танганикалик!

Климанжаро.
1963

БАХТИМ ШУКИ

Бугун сенга яна нима десам?
Бахтим шуки, бағрингда борман.
Ҳаётимнинг барча қувончлари,
Ташвишлари учун сендан қарздорман;

Қанча-қанча пасту баландликлар,
Тўсиқ, жарлар бўлса йўлимда,
Ҳамма вақт пультада сен турибсан,
Инон, ихтиёрим сенинг қўлингда.

Қора куним, бахтли онларим,
Ҳавотирим, ҳаяжонларим,
Тушкунликда сўнса овозим,
Юксакларда кўрсанг парвозим,—

Ҳамма вақт — сенсан йўлимда,
Инон, ихтиёрим сенинг қўлингда.

Томирим тегишиннинг мароми,
Кайфиятим, қалбим ороми,
Жон бахш этсанг, ё синса қанот —
Пультда ҳамон сенсан, о ҳаёт!

Барҳаётман! Бу шундай ҳақиқат,
Утда ёнмас, сувда бўлмас ғарқ.
Қувончимиз, ҳаққи-ҳуқуқимиз
Ҳаётимиз каби муҳаққақ!

...Ҳай-ҳай, бир оз ўтлаб кетдим чоғи,
Чикиб кетдим чоғи измингдан.

Замия шундай, гузал, рухсат эт, ҳаёт,
Қалб ёлқиним берай сенинг исмингдан.
Бу юксак муҳаббат кўҳна ва янги,
Еу юксак муҳаббат азалий, мангу.
1968

ТРОПИҚЛАР, ТАНГАНИКА БУ

Қушлар чуғури ҳам қандайдир бошқа,
Бошқачадир бунда гуллар ранги ҳам,
Турмуш ҳам тўлиқдир бошқа ташвишга,
Тропиклар. Танганика бу.

Масофалар... масофалар — қанчадан-қанча,
Қанчалаб ёруғлик, қанчалаб зулмат,
Шамоллар, бўронлар билармикан ҳад,
Тропиклар. Танганика бу.

Тропиклар. Танганика бу.
Климанжаронинг қордай оқ боши,
Чексиз фалакларга ётар тутшиб
Тропиклар. Танганика бу.

Тамтамлар садоси тутар оламни,
Қўкатлар бўйи маст қилар одамни,
Қўшиқлар тўлқини, бўғиқ, аламни.
Тропиклар. Танганика бу.

Бунда асфальт йўллар кўринмас бирон,
Лекин хушнуд кезар бунда каркидон,
Юракдан ҳис қилар бир шохли ҳайвон —
Тропиклар. Танганика бу.

Инглиз туристлари бунда жамулжам,
Бунда Германия овчилари ҳам
Милтиқларин шайлаб юришар ҳар дам.
Тропиклар. Танганика бу.

Бунда йўллар, суқмоқлар чигал,
Қайсиндан юришни қилолмайсан ҳал,
Юз бор адашасан, топасан бир гал.
Тропиклар. Танганика бу.

Бунда ишонмасдилар, одам бир замон —
Ҳайвондан тарқалган деган гапларга.
Инсонларга ишонч қолмади бу он
Бунда, Танганика ўрмонларида.

Танганика, Маронго.
1963

БИР ДАҚИҚА СУКУТ

Оёққа қалқади
оқ танлилар,
қора-танлилар,
сариқ танлилар.

Бир дақиқа сукут.
Танганика.

Саратон.

Шойи янглиғ қуёш нурлари
бу он
Осмон саҳнасида нақшдай ялтилар...
Бир дақиқа сукут.

Сиртмоқдан

ва ўқдан

Халок бўлганларнинг хотираси учун,
Қотдилар беун

оқ танлилар,

қора танлилар,

сариқ танлилар.

Фақат,

юрак безовта гурсиллар.

Камерун.

Уганда.

Кения.

Гвинея.

Гана.

Занзибар.

Бировлари —

қул бўлган ўтмишда,

Бировлари —

ҳали ҳам эзилар

Замон жаллодлари қўлида ёмон.

Инсон ҳаёти

арзон гаров мол каби бу он!

Жаноблар сўз очмаслар

уларни тарк этишдан,

Ё баҳосин оширмаслар

инсон ҳаётининг жилла!

Африкага ёпирилишмоқда

қуруқ қўл билан...

Бир дақиқа сукут!

Ҳозирча умидсизлик!

Лекин ҳамма билар, биларлар бунда ҳам:

Совет тупроғидан янгради ёниқ,

Ҳаққоний,

жаҳонга қарата,

сўзлар бардам!

Бу ёруғ оламда кишан бор ҳали,

Дарё-дарё

оқмоқда қонлар!

Аммо тугар!

Тугар!

Тугар —

тугар маҳали.

Бир сафга тизилинг,

Оқ танлилар,

Қора танлилар,

Сариқ танлилар!

Ваҳимага тушсин,

титрасин баттар,

Тарих йўлларига

тўсқин бўлмақ истаганлар!

Ҳар қандай кулфатни енгар албатта,

Одамзот дил-дилдан истаса агар!..

Еир дақиқа сукут!

Юракларда ўт!

Бир дақиқа сукут,
фақат бир минут!
Бошқасига йўқ
хуқуқ!
Ҳаёт бошланмоқда!

Танганика, Моши.
1963



Қўлларингнинг ҳарорати
Қафтларимда титрайди.
Пойимда-чи? Ер бети
Буг чиқариб тутайди.

Бунда ўрик гуллаганди,
Қайталади лекин аёз...
Бизларда ҳам шу сингари
Ҳолат бўлади бехос.

Шубҳа-гумон қийнаб қолар
Ич-ичингдан сизиб гоҳ...
Мени эса
Йўллар чорлар,
Чорлар манзиллар шундоқ.

Бир сўз демак бўлар маҳол,
Жавоб ҳам бермас ҳеч ким.
Атрофингда қор ва шамол,
Об-ҳаво ҳам қон қилар.

Учасан бир ўзинг ёлғиз,
Совуқ осмон остида...
Курашасан лекин ҳолсиз
Бу ҳолат билан қасддан.

Ҳали ўрик гуллаган йўқ
Тошкент боғлари аро.
Юрак гурс-гурс урар, ортиқ,
Телеграф лентаси узар.

Қатор-қатор ўтар жимиб
Сўзлар менинг кўз ўнгимдан.
Бизлар учун энг муҳими,
Барибир, энг сўнгида.

Балки булар бари хаёл,
Кунларимни шошилтириб —
ўлтирибман бу маҳал
Гўё туршак кемириб.

Иўқ! Иўқ! Учиш керак тезроқ!
Эриб борар ерлар бети.
Ҳисоблайман мен муштоқ —
Сенгача бўлган муддатни.

Тошкент.
1963

* * *

Безовта урар қалбим,
Шеър шиддати қонимда.
Овозингни эшитдим
Шундоққина ёнимда.
Осмон сокин ва музтар,
Телефон кўз юмдирмас.
Халқаро линиялар
У қадар кўп куттирмас.

Йўқ !Ўзни синадик-ку,
Ишқда ҳар кун, ҳар замон...
Рахманинов қуйи бу,
Ижро чиқяпти ёмон.

Поездлар йўлга чиқар
Шамолларга бот чўмиб,
Қўлларимга юқадир
Тутқичларнинг чаңг-чунги.

Рахманинов куйласин
Майли қалбим қувнатиб,
Муסיқа дилга таскин,
Битсин ишқ жароҳати!

Рахманинов куйлайди —
Юрагимда бу айём.
Бу куйлар ҳеч ўлмайди,
То абад этар давом.

Ленинград.
1963



Янги йил ҳам кирди...

Мана, қайта бор.

Бизга тагин қанчаси бўларкан насиб —
Эсар кексаликнинг нам шабадаси...
Торгина хонамга қамалиб яккаш,
Кўнгилга қил сиғмай ўлтирибман ғаш.
Ташқарида изғирин, ташқарида қор.
Йўқ! Ёлғиз эмасман! Енимда сен бор!
Мен гўё сен билан суҳбат қураман.
Деразамда январнинг нақшлари чаман.
Сўнар ташқарида зангорланган қор.
Сукунат... сукунат... менга овоз керак!
Майли, қор шитири янглиғ бўлсин у.
Бир оғиз сўз керак!
Шунга зор юрак,
Жимлик қонунларин поймол қилсин у.
Бир оғиз сўз! Фақат билмоқ! Тингламоқ!
Ҳаммасини эшитмоқ ва жим англамоқ!
Тубан кетмасман ҳеч, юксалмасман ҳеч,
Лекин яшаб бўлмас гунгдай эрта-кеч.
... Зангор олов янглиғ сўниб битди қор,
Биринчи кун сен-ла ўтди узлуксиз.
Календарь варағи йиртилмади — Биз бирга эдик,
Оқшом пардаси ҳеч тортилмади — Биз бирга эдик.
Деразамда қолди тун сурати — Биз бирга эдик,
Ким айтади айрилган деб бизни —
Биргамиз ҳаргиз!

1963



Самолётдаман.
Москва вақти соат беш,
 сахар...
Таом ва сув тарқатишар
Стюардессалар шу он.
Тасмания наҳри узра
 туманлардан оқ излар,
Ортимиздан елиб келар
Булутлар карвон-карвон.
Кимдир ухлар,
 кимдир эса мудраб борар,
 ким — уйғоқ,
Боплаб голланд сигарасин
 бурқсиратиб кетмоқда.
Кимдир эса
 таом узра эгилганича бу чоғ
Лом-мим демас,
 улкан ишни гўё адо этмоқда.
Мана қандай масофалар
 бўлар экан дунёда,
Тушмиш мана не-не йўллар
Улкан сайёра бўйлаб...
Кўз олдимда —
 айрилиқнинг онлари бу аснода;
Қалбим ўтли,
 сени ўйлаб,
 ўзимни, сени ўйлаб!
Ҳижронларнинг чеки борми?
 О, қандайин ҳижронлар!

Ушбу ҳижрон бизлар учун
 сўнги ҳижрондир наҳот?
Наҳот ўзни бериб қўйдим
 гам-гурбатга, ёронлар.
Наҳот ортиқ кўролмайман
 чақноқ кўзларинг! Ҳайҳот!
Кўзларинг-ку бор оламини
 ўзгача ёндирарди,
Мен у кўзлар кўмагида
 таниганман дунёни.
Ҳароратли қўлларинг-чи,
 дилимга тафт берарди:
Ажратмоғинг мушкул бўлди бўйнимдан
 ҳижрон они.
Мана, якка-ёлғизман мен...
Ҳеч кимим йўқ, нотавон.
Қумга тушган балиқ мисол
Азоб ичра ёнаман.
Олам гўё зимистондир,
 тангу тордир кенг жаҳон,
Сенсиз қолдим,
 сенсиз қолдим
 бу жаҳонда яна ман.
Вақтлар келар,
 бу шеъримга қай кимдир назар солар
Ва қайғули сатрларни ўқир экан,
 бу аён:
Сен йўғингда
 афтодаҳол бўлганим англаб олар,
Сенсиз яшай олмаслигим
 пайқаб олар бегумон.
Қай сафарда бўлмайин мен
Шошилардим сен сари,
Нигоҳимни тортар эди
 самолётнинг парраги.

Ошиғич-ла санар эдим
Москва ўрмонларин,
Москва!
Бас, Москвада
сен борсан-да, малагим!
...Ениб битди,
ўтиб кетди
навбаҳорий саҳарлар,
Қумга тушган балиқ каби
Азоб ичра ёнаман.
Тасмания наҳри-ей,
оҳ,
совуқ денгиз жимирлар...
Сенсиз энди
бу жаҳонда
ўз-ўзимдан бегонаман!
Сенсиз,
Сенсиз...

Веллингтон, Янги Зеландия.
1963

* * *

Янги Зеландия ўрмонлари-ей,
Баланд-баланд зирвали тоғлар,
Сизларга боқаман, боққан сари-ей,
Эсга тушар болалик чоғлар.

Шунда хаёлингга келар устма-уст
Неки инъом этди ҳаётинг:
Бир замон «Севаман» деган ўтли сўз
Лабларимда қолдирди тотин.

Кўзгуга қарайман, сочим рангидан
Ёришгудай юзларим ҳам нақ.
Бари, бари ўтар кўзим ўнгидан,
Титраб кетар қалбим таҳ-батаҳ,

Агарчи куч бордир менда, эмас сир,
Ёшлигимни этгудай исбот,
Одамдай қарайман атрофга ҳозир,
Энтикаман бола каби шод.

Бирдам бола эдим мен яланг оёқ,
Камол топдим ватан бағрида.
Илк бор кўзларимга кўринди йироқ —
Йироқ йўллар уфқ қаърида.

Шунда одим отдим у йўллар сари,
Қутқу тушди борлиққа гўё:
Ва ногоҳ намоён бўлди Ер шари,
Кенглик, кенглик, кенгликлар аро...

Иўллар бир-бирини кесишиб ўтди,
Норавону нотекис бари.
Энди болаликнинг кўз ёши битди,
Етди болаликнинг дардлари...

Ўзгалар олдида айбдорман, оҳ,
Қанча-қанча гуноҳларим бор.
Ўтиб кетган дамлар қайтмайди бироқ,
Бир бор келар умрда баҳор.

Афсус, ўчиролмас йиллар қаноти
Манглайдаги ажинни — изни...
Мана шундоқ, билсанг, қалбим муроди,
Танлаб олдик бир-биримизни.

Озроқ қўрқар эдик, тортинар эдик,
Ақлимиз ҳам қаршилиқ қилур.
Аммо кўзлар интиқ термулишар тик,
Тугунча гул бўлиб очилур!

Мана, учқун сочиб гулхан ловиллар,
Ўйноқлайди еллар мулойим.
Ўша-ўша, гарчи ўтса ҳам йиллар,
Жавобгарман қошингда доим.

Ҳар бир қадам учун, хўрсиниқ учун
Йўқдир менда ўзга ирода.
Барчасин, барчасин — яширмоқ нечун —
Бахт атадим илк бор дунёда.

Дабдурустдан ахир келгани йўқ ул,
Қалбимизни этгани йўқ забт!
Тафти борлиғимиз қамради буткул,
Дунёларни аён этди бахт!

Янги Зеландия ўрмонлари-ей,
Баланд-баланд зирвали тоғлар,

Сизларга боқаман, боққан сари-ей,
Эсга тушар болалик чоғлар.

Балки кўп нарсалар бўлади унут,
Сингиса ҳам бари тақдирга...
Яшамоқ, яшамоқ — энг олий умид —
Бирга,
Бирга,
Сен билан бирга!

Янги Зеландия, Окленд 1963

* * *

Бизнинг кўп нарсада ҳаққимиз бордир,
Фақат яшаш керак ботир ва ҳалол,
Мана бу эркига етган баҳодир —
Утли орол мисол, Гавана мисол.

Автоматни қия тутиб қўлларда
Денгиз шовқинини тингласак мумкин.
Солдат бўлмоқ мумкин, жангли йўлларда
Ғолиб одим отган солдатдай дуркун.

Постда қоровулдай доим турмоққа,
Уфққа боқмоққа ҳақлимиз, ҳақдор...
Шундан кема янлиғ сузиб бормоқда
Озодлик ороли мағрур ва пойдор!

Куба.
1966

ШОИР ЧАРЕНЦ ОНА ШАҲРИДА

Яшаркан кундалик ташвишга асир,
Шоирни йўқламас обрў, шуҳрат-шон.
Ногоҳ шуҳрат келар, шуҳратни шоир
Изламаган чоғда, ҳеч кутмаган он.

Қалб қўрин, қувватин, меҳрин батамом
Юртига бахш этди илҳоми лазиз.
Байроқ бўлиб шоир айтган ҳар калом,
Бўлди инсонларга кўнгилдек азиз.

Унинг сўзи билан оқшомлар мағрур
Йигитлар ёрига ишқ этди изҳор.
Ушандан юлдузлар ёнди мисли дур,
Ушандан булбуллар оҳ чекди зор-зор.

Орзу-хаёллари эди бир жаҳон,
Барини жо кўрди халқ тимсолида.
У сўзлар лаҳзалик эмас ҳеч қачон,
Асрлар ётибди истиқболида.

«Она шаҳрим!» дея шоирим шодмон
Одимлар, ҳар сўзда умр мазмуни.
Шоир мангуликни ҳеч кутмаган он
Излаб топиб келди мангулик уни.

Зулматлардан ҳатлаб, боқмай хатарга,
Шоир она шаҳри сари йўл олди.
Чаренц кириб келди мана шаҳарга:
Боқий, сўлмас қалбга айланди-қолди!

Ереван.
1967

ТОШКЕНТ — АРДОҚЛИГИМ МЕНИНГ

Комил Яшинга

Ичкиб кутасан Тошкент висолини,
Ойларга уланиб кетади йиллар.
Учасан бир маҳал унга,
Мисоли
Қаршилар меҳрдан тўшалган йўллар.
Борлиқ ўзгаради,
Аммо-лекин сен
Ўзгача гўзалсан,
Қўзинг қамашар.
Нақадар серсавлат, нақадар кенгсан,
Сенга теранлигу шодлик ярашар.
Уйлар орқасида уйлар уйлармас,
Қардошлар меҳридан қуйма қасрлар!
Бу рамзий қасрлар қардошликка хос,
Қисмат ўзи қўшган мангу асрлар.
Ешми, кексамисан,
Қадрдон дилинг
Дилгир маъюсликдан берарми хабар,
Ногоҳ тушар бўлса бу томон йўлинг,
Сени чулғаб олар дўстлик мўътабар!
Тошкент, муҳаббатим сенга гўёки
Тоғлар шалоласи,
Югурар, шошар.
Шундай,
Муҳаббатнинг чеки йўқ,
Еки
Тенги йўқ
Тоғлардан, тошлардан ошар!
Шаҳарлар шаҳри тикланди бунда,
Қаддини кўтардик ғиштдан битталаб,

Дўстликлар қўридан унга ўт қалаб,
Гўзаллар гўзали турди эпкинда!
Нақадар саодат ўртоқ яшамоқ,
Битта планета қўйнида тенг, шод!
Ҳаммани ўзингдек билсанг
Ҳам зиёд,
Бу — менинг,
Бу — сенинг қисматинг, ўртоқ!
Уни авайлаймиз,
Қўлдагинамас,
Юракда,
Абадий хотираларда!
Дўстлик қалъасига қилгудай ҳавас,
Лавадай муҳаббат — обидаларда!
Ўзбеклар диёри сахий нақадар,
Меҳру муҳаббатга,
Саховатга бой. 16,1
Ишқим, садоқатим сенга сарбасар,
Сенга юрагимда нимаики бор!

1971



Ғам-уқубат, азобу рўё
Кечган йиллар дунёси аро
Ёнди яна ўтмишда бир ўт,
Кўзга етиб, оқарди дунё.

Ёнди бу ўт, ловиллаб турди,
Ёрқинлашиб борди кунма-кун.
Гўё оққуш бўғиқ қичқирди
Ўлимининг олдидан узун.

...Худди шундай. Кузги ўрмонда
Сузар экан осмонда булут —
Турар сўнгги барглари сочиб
Боши эгик қариган болут.

Шамол юлар япроқларини,
Учиради даштлар йўлига
Ва туюлар келди сўнгги дам,
Тайёр турмоқ керак ўлимга,

Қурир илдиз... Қурийди шохлар,
Барглар гўё мангуга тушар
Ва ҳеч қачон унинг қошига
Учиб келмас баҳорда қушлар.

...Бироқ, ногоҳ, уйғонар булоқ
Ва илдизлар кўзини очар.
Болут яна тирилар у чоқ,
Мудроқ уйқу сафосин сочар.

Ишонмасдан бу оний бахтга
Титратганча сўнгги япроғини,
Кўзларига жойлай бошлайди
Неки қўзғар унинг титроғин.

Булоқ эса қайнайди, тинмас
Ва болутга қувват бағишлар —
Қушлар учиб келсин, ҳориса
Шохларида ухласин қушлар.

Яна баҳор ўрмон четида
Кўкда сузар экан оқ булут
Яшиллигин томоша қилар
Булоқнинг тинч сувида болут.

1972



Йиллар ўтган сайин оғирроқ ҳар дам
Ва менинг ёнимда йўқдур дўсту ёр.
Хотирда уйғонар кечаги байрам
Бугун ҳам уни, қалб, нишонлай як бор.

Ўзгача нишонлай мен бугун уни
Ва қоғозга тўкиб дарди ёшимни
Мен кезиб чиқаман Ростов шаҳрини,
Унинг ҳар уйига эгиб бошимни.

Бош эгай қадим тош иморатга,
Бугун бор, эртага қолмайди нишон.
Тўхтайман, боқаман гўё суратга,
Ёдимга тушади ҳар бир хонадон.

Беҳашам ва оддий эди хоналар,
Биз лифтсиз, ўзимиз кўтарилардик.
Ва лекин шу ерда яшадик, севдик
Шу ерда кўз юмди бизнинг оналар.

Шу уйларнинг сокин остонасида
Севимли ёр билан турдик бахтиёр.
Бугун қўшқаватли уй нафасида
Уша тор уйларнинг орзулари бор.

Ва сонсиз қўшқават, баланд бинолар
Қадимги тор уйлар томон, бетимсол,
Юксакдан қандайдир ҳаяжон билан
Боқиб турар сонсиз юлдузлар мисол.

Бошимни эгаман мен оқ толларга,
Бошимни эгаман, эй арғувонлар.
Бу ғамгин туйғудан қутулмоқ оғир,
Ҳали узоқ қийнар юракни улар.

Бироқ мен қайга ҳам шошаман, тентиб,
Гарчи август ойи гулдек яшнарди,
Оқ ранглар ўрнини заъфар олди деб
Ғамгин қўшиқларни айтишим шартми?

Хотира — бу гўё қасамдир оғир,
Юрак ёнар мангу бешафқат ўтда.
Шунинг учун ҳеч ким чекинмас мангу,
Буюк хотира бор бу табиатда.

Ростов-Дон.

1973

* * *

Семён Заславскийга

Айтишарки, бу ҳаёт қисқа.
Сен ўзингга келмасдан туриб
Сени қувар жуфт қораранг от,
Қувиб кетар сени қутуриб.

Остонага етган замон
Ёлларини силкиб пишқирар —
Хайрлашган неки қадрдон,
Олиб кетар сени йилқилар

Бироқ, ҳаёт асло қисқамас
Жуда узун бу ҳаёт, ахир
Ва бу ҳаёт тасодифга бой,
Керак эрур темирдан бағир.

Йўқотиш кам қисқа ҳаётда,
Саноғи йўқ яшасанг узоқ.
Ўтган кунлар кекса ёдингдан
Туюлади болдан ширинроқ.

Сен ўзингча қўясан ўйлаб
«Ҳаёт қисқа ва яшадим кам»,
Шунинг учун яна қайтадан
Яшамоқни истайсан бу дам.

Юракларда фақат битта ўй
Урилади шўх кўзимизга.
Ва туюлар худди ғамгин куй
Мангу ҳаёт барчаси бизга.

1973



Барчаси ёнаркан: севги, эҳтирос,
Ёнаркан юракнинг орзу-умиди,—
Яшаб қолар фақат ғамдийда бир соз.
Синовдан ўтказар қалбни ишқ ёди.

Нимаки қалтирар, уни ёндирар,
Нимаки керакмас, ўтга ташлайди —
Ўша он сен ўзинг сеза бошлайсан,
Юрагинг кимнидир қўмсай бошлайди.

У ҳамон юракни қийнайди ёмон,
У ёвуз олади бешафқат қасос.
У қотил сингари, топиб бир имкон
Орқангга ханжарни санчади нохос.

...Гулхан ёнаверар, кун ўтган сари,
Ярим йўлда сени тўхтатар бир сас.
Ва бемор, қариган чўлоқ сингари,
Гулхандан қолган чўғ, кулни ўпасан.

Энди дунё сенга бир хил рангдадир,
Севгию эҳтирос, умиду оғриқ.
Ёниб кетди бари, қалб ёниб кетди,
Учиб юрар фақат куллар сап-сарик.

Кел энди, сўнгги бор қаддингни тикла,
Қаддингни тиклагин, бўлгин баландроқ,—
Ва ўтли шамолда неки кўз юмди
Барини сочгину ташла ушбу чоқ.

Сочиб ташла: асло титрамасин қўл,
Сўнг эса силасин ёлғизликни у
...Фақат энди тоғлар, денгизлар узра
Учиб юрар оплоқ булутлар мангу.

1973

* * *

Уйқусизлик, уйқусизлик
Кўзларимга урилар.
Гўё тақир кўриқ ерда
Из қувади бўрилар.

Гўё мени қувиб-қувиб
Етиб келар уч бўри
Гўё менга ташланади
Бўриларнинг энг зўри.

Танамга жим бота бошлар
Оч тирноқлар ўша пайт.
Ва заминга қулаб тушар
Ўлдирма — деган ҳикмат.

Е бўғзимга ботирар у
Тишларини беомон.
Ва мен соғинч ила сокин
Ўша ерда бергум жон.

Оппоқ қорга оқиб тушар
Жароҳатдан алвон қон.
Кўз ўнгимдан ўта бошлар
Бутун умрим ўша он.

Оҳ қор, рангин уйқусизлик,
Оҳ, қордаги из саси!
Ахир, мени бўри эмас,
Қувар ёшлик нафаси.

1973

ҒАФУРНИНГ УЙИ

Токи тирик эканман,
 эсимдан чиқмас бир он,
Ғафур Ғуломнинг уйи,
 ҳовли-боғ,
 ёруғ хона,
Ҳам хонадон эгаси
 хушчақчақ шоир — мезбон,
Мезбон ҳақида юрган
 яхши миш-миш,
 афсона...

Дастурхон кенг,
 теграда оила жам, сарафроз,
Теграда ҳар галгидек
 ўтирибди меҳмонлар:
— Отамлашайлик!
— Майли!
— Қуйласак-чи?
— Жуда соз!
Ғафур билан бўлганда
 шундай кечарди онлар.

Кам сўзлар эди Ғафур,
 сўзларида фасоҳат:
Естиқ қўйиб ёнбошга,
Тингламоқни севарди...
Уйламасдим,
 бу уйга келар деб оғир кулфат.
Уйламасдим,

босар деб
оғир жудолик дарди...
Шундай қолар дер эдим:
 пиёла,
 коса,
 уй,
 боғ,
Улкан даврада кезган ашъор,
 куй,
 яна ашъор...

Айтингиз,
 қандай қилиб давра бўлсин кичикроқ,
Ахир давра руҳида
 қон бор,
 жон бор,
 дўстлик бор!

Ҳозир ҳам:
 куз саҳари,
Наманган шаҳарида
Дилим шод,
 Ғафур билан тургандекман ёнма-ён.
Атрофда пионерлар —
 ёшлик ўти барида,
Унинг бўйнидан қучиб
 кўтарар шовқин-сурон.

Унинг шоир қалбига
Пионерлар гулхани
Алангаю тафтини
 бахш этмоқчидай гўё.
Шоирни суймак,
 севмак,
 мангулик умр шаънин,
Асраб эъзоз айламак
 асил эзгу муддао.

... Токи тирик эканман,
эсимдан чиқмас бир он
Ғафур Ғуломнинг уйи,
ҳовли-боғ,
ёруғ хона...
Мен яна хотирами
титкиларман бу замон,
Жилга каби хотирам
уйғонмоқда пинҳона.

Ғафурнинг уйи демак —
бесаноқ уйлар, яъни:
Чексиз, беадад ерлар,
халқлар,
элатлар бугун,
Ғафурга қайтаришар
Ғафурдан олишганин —
Қўкламнинг гул боғларин
шивирлашин бус-бутун!

Энди Ғафурнинг уйи
суронли Москвада,
Дон бўйи чўлларида,
Полтавада барқарор;
Энди Ғафурнинг уйи
қарағайзор Литвада,
Унга олис Сибирда
дўстлар қўймиш пойдевор.

Юз-юзлаб куйлаб ётган китоблардир бу ахир,
Бутун халқимиз барин
ноширию посбони.
Ғафурнинг уйи энди
бепоён,
бесарҳаддир,

Ҳар қайда ҳам
қардошлар орасида макони.

Катта дастурхон узра —
битта оиламиз биз,
Умримиз, ишимизга
буюк дўстлик из солур.
Ғафурнинг уйи боғдир,
боғки, баҳордай тўкис,
Ғафурнинг уйи энди
Абадият аталур!

1973

* * *

Ялтирайди кеч кузги пешин,
Тўлқинларга сочиб тангалар
Ва туманлар ортидан шошиб
Дон денгизлар томон интилар...

Дон устида тарқалар туман,
Ва бошланиб сеҳркор ўйин
Тўлқинларнинг устида тонгдан
Давом этар яна кун бўйи.

Ўтиб кетди ёзнинг тонглари,
Сузиб ўтди илиқ шамоллар.
Тўкилади дарахт барглари,
Гулхан каби ловулла улар.

Ялтиратиб шохчаларини
Шамолларга тутиб дарахтлар,
Қоронғу куз кечаларининг
Сукунатин бузар то саҳар.

Тик қирғоқда чақмоқ қулатган
Дарахтларнинг куйган шохлари,
Бўронларда инграмас улар,
Учиб тушмас сўнгги барглари.

Қоп-қорайиб ётар бу шохлар,
Ётар куйик ҳидга кўмилиб
Ва ҳеч қачон улар баҳорда
Гулламайди ҳайратга тўлиб,

Бу дунёда кўп эрур сирлар;
Қуёш билан ёруғ бу дунё —
У дарахтнинг шохларин силар,
Оналарнинг қўллари гўё.

Ялтирайди кеч кузги пешин,
Ва тангалар сочар тўлқинга.
... Мен яшайман токи оқаркан
Дон сувлари тинмай олдинга.

Ростов-Дом.
1978

* * *

Яна Ростов куз қучоғида,
Яна юрак ғам ўчоғида.

У йиллардан тиламас савоб,
Нима кечди қилгай у тавоф.

Яна бир куз эркин учади,
Байрам каби дилни қучади.

Ким сен билан ўтди-ку яшаб,
Турар жангдан чиққанга ўхшаб.

Ва кимгадир ётдир бу туйғу,
Ўз бахти деб тиним билмас у.

Тинмай сенга ясайди тузоқ,
Яшамоқни истайди узоқ.

Аммо кетар барчаси бекор —
Менинг содиқ ўртоқларим бор.

Ким ҳам енгар бу чексиз даштни,
Улуғ Донни, юрак бардошин.

Енголмайди куйлаб қўшиғин,
Кўкка учган буғдой бошоғин.

Енголмайди бу кузги боғни,
Титраётган тилла япроқни.

Сени ҳам ким енга олади —
Уринганлар ортда қолади.

Ростов кузи, о Ростов кузи,
Нималарни тилайди кўзинг.

Не истайсан гувиллаб турган
Бу шамоллар юртида мендан?

Қалбни бердик, унинг қўшиғи
Кенгликларга кетди қўшилиб.

Қалбни бердик! Ким енга олар?
Чин муҳаббат абадий қолар!

Биз қаридик. Кўзда хира нур,
Бироқ сен деб севгим ёш эрур.

Ростов кузи, о Ростов кузи,
Табиатнинг олтинранг сўзи.

Яшагайман айрилмай сендан,
Сени ҳеч ким ололмас мендан.

Ростов кузи, о Ростов кузи,
Биз иккимиз табиат сози.

Агар бир кун кўз юмсам агар,
Айтар бизни эслаб одамлар:

«Болут каби бўй чўзди улар
Ва даштларда қўрғон бўлдилар».

Ростов-Дон.
1977

* * *

Бизлар яшамаймиз ўзимиз учун,
Эл-юртни деб ўтар умримиз.
Ватан бир куй эрур созимиз учун,
Қанот эрур — она-Еримиз.

Мен эслайман дўстларимни кўп,
Кунлар ўтар, йиллар ўтарлар.
Кимки бугун орамизда йўқ,
Улар мангу ухлаб ётарлар.

Соғинч қийнар, қалбдан кетмаса,
Ҳар сатримда — видо ва шафқат.
Гар тасвирга кучим етмаса,
Дардни қалбда сақларман фақат...

1978

ПОЭМАЛАР





Қ А М Ч И

I

Отланаркан ёш казак жангга,
Хотинидан сўради:
— Манга
Эркам, нима қиласан тортиқ,
Дийдорингдан жудо бўлгунча.
Қўрай токи жонимдан ортиқ.
Эслаб юрай ўла-ўлгунча.
Қайда бўлмай: дала, даштдами,
Куз палласи ё эрта баҳор,
Фақирликда ёки гаштдами,
Тарк этмасин хаёлинг зинҳор.
Отдаманми ёки пиёда.
Рухсорингни кўриб турай мен.
Қаролиги тундан зиёда
Сочларингни ўриб турай мен!..
Қазак қизи айтмади бир сўз,
Бош чайқади ўйчан ва маъюс.
Ёр кўксига ўзини ташлаб
Очди кейин сўзга зўрға лаб:
— Бошим қотди... Не қилсам экан,
Бугун сенга не берсам экан?
Берай десам эман трубка —
Узингда бор, зормассан унга.
Тамакидон этардим ато —
Йўқ-да, ахир, муносиб мато!
Осонгина қилгин деб хаёл —
Оқшом бир оз олганигда тин
Қазак бошинг силовчи аёл
Қўлларининг қанақалигин, —
Этсам сенга рўмолча тортиқ,

Учи тугик, учлари боғлиқ.
Битсам унга кашталар равон,
Жанг-жадалдан чиққин, деб омон.
Йўқ, бунақа рўмолча, ахир,
Балолардан асрашга қодир.
Минг эҳтиёт қилмагин, сани —
Қутқазмас у ғамлардан ҳам, йўқ.
Бу дунёда ҳамма нарсани.
Тешиб ўтар ҳасрат билан ўқ!
Нима лойиқ, нима муносиб,
Юрсанг доим кўксингга босиб?
Тутқазардим қўлингга яроқ,
Қиличинг бор, ўқ ҳам бесаноқ.
Юган, десам, отинг йўлга шай,
Жабдуғи бор ҳавас қилгудай.
Арзимаиди, йўқ, йўқ юган ҳам,
Шошма, топдим! Шошмагин, эркам!
Шундай нарса берайки йўлга,
То у билан ҳеч ғам кўрмагин,
Бу дунёда ҳеч кам бўлмагин,
Токи уни олганда қўлга
Қокилларим ёдингга тушсин,
Меҳринг менга товлансин, жўшсин!

Юриб кетди оппоқ уй томон
Қазак қизи ортга бурилиб.
Ҳаялламай ва ўша замон.
Чиқди уйдан яна югуриб.
— Ол, шунқорим, мана шу қамчи
Содиқ дўстдир, сенга ёрдамчи!
Қокилимга менгзар, деди, у
Иккисин ҳам ўрганман ўзим.
Тўғри, ҳўкиз терисидану
Жуда пишиқ, чайир, бетўзим.
Жанг-жадалда дармон бўлар у,
Олға бошлар ғовларни бузиб.

Бойлай десанг арқон бұлар у,
Қалқон бұлар қамладан тўсиб.
Қайда юрма ёнингда бўлсин,
Уч ўрим у, ёдингда бўлсин!
Унутилди бир дам ғуссалар,
Бир-бирига очишди қучоқ.
Ёндирарди оташ бўсалар,
Уйда қолиб кетдилар узоқ.
Авжга минган изғирин, бўрон,
Япроқларин тўкар дов-дарахт.
Ташқарига чиқди сўнг жувон.
Кокиллари тўзғиган, карахт.
Бўсағага етаклаб келди
Тулпорни у югандан тортиб.
Узангини оёққа илди
Казакнинг ҳам ҳасрати ортиб.
— Хайр, энди яхши қол, хотин!—
Ичга ютди алам, ёшини.
Сўнг беозор ниқтади отин,
Йўлга бурди унинг бошини.
Ортда қолди заъфарон боғлар,
Ортда қолди, дала, ўтлоқлар.
Ёмғир қуйди, қуйди гоҳо дўл,
Унга пешвоз чопар эди йўл.
Унг ёнида — камардан пастга
Оқиб тушиб жилғадек аста
Силкинарди силлиқ қамчиси,
Ингичка ҳам пишиқ қамчиси.
Қулоғида берарди садо
Уша нидо, ўша илтижо:
— Қайда юрма ёнингда бўлсин,
Уч ўрим у, ёдингда бўлсин!
Қамчи, қамчи, ҳой, ўрма қамчи,
Сен казакка дўстсан, ёрдамчи,
Не кутмоқда сизларни бу пайт,
Омонликми, ёмонликми, айт?

II

... Бир ярим йил ўтди орадан,
Оқартирди далаларни қиш.
Яшар эди жанг-жадал билан
Мактуб кутиб казак бояқиш.
Учбурчак хат, ўнғиган бир оз
Белгиси бор қисқа — ППС,
Чиқар эди казакка пешвоз,
Кетмасин у қанчалар олис.
Сўл тарафда сал Таганрогдан,
Сал ўнгроқда Кривой Рогдан,
Каховкага етар-етмасдан,
Михайловкага кирмасдан,
Ҳа, ҳа, ўша Катта Тўқмоқда,
Муюлишда, балки сўқмоқда
Эгасини хат қувиб етди,
Казак уни кўзига суртди.
Сўнг бор уни Черкасда топиб
Кейин... кейин қўйди йўқотиб.

Узгарарди манзиллар ҳар кун,
Инграр туёқ остида ўтлар.
Марраларни забт этмоқ учун
Қанот бойлаб учарди отлар.
Ҳурккан қушлар қий-чуви билан
Тўлар эди осмон, дафъатан.
Фақат қалин ёвшанлар аро
Бамисоли чақмоқ шуласи
Ялт-ялт этиб қоларди гоҳо
Кубанканинг рангдор қуббаси!

Марралардан маррага хатлар,
Қувган билан етарми чопиб?!
Не бўлса ҳам, бари бир, хатлар
Эгасини оларди топиб.

Бўйсунмас у фармон, талабга,
Топмаслиги, йўқ мумкин эмас.
Ахир, уни ёр босган лабга,
Силаб-сийпаб турган бир нафас.
Сумкасида турмас ҳеч қачон,
Ўзгаларнинг адашган хати.
Казак хати кезмайди сарсон,
Бор ўзининг дала почтампти!
Хат келдими, иши юз фоиз,
Жой топмайди ўзин қўймоққа.
Қамчигинам, эганг шу боис
Хурсанд бугун, оғзи қулоқда.
Парча қоғоз қўлида титрар;
У сенга ҳам айтибди салом!
Бор, дейсанми, яна не гаплар?
Бу ёғи сир! Тамом-вассалом!

III

Ҳар қадамда казакка қамчи
Содиқ дўстдир, яқин ёрдамчи.
...Кўпдан қулай пайт пойлаб ётган
Душман отди жангга бор кучин.
Ошиқарди чекинаётган
Отрядига етмоқлик учун.
Дайди ўққа учган заҳоти
Мункиб ерга қулади оти.
Боқса казак келиб ўзига
Изларидан чанг-тўзон кўчиб
Икки отлиқ унинг устига
Келаётир қуюндек учиб.
Унг-сўлига ташларкан нигоҳ
Қуролига ёпишди казак.
Автомати синибди, эвоҳ,
Яроқсиз у энди, нокерак.
Чанг-тўзонга қоришган ҳаво,

Зир титрайди осмону замин.
Туёқ саси, машъум бир садо
Келаётир тобора яқин.
Нима қилдинг, жигарим, энди,
Нима қилдинг, аҳволинг хароб.
Наҳот, мангу қанотинг синди,
Бўлса, наҳот, ҳаётинг сароб?
Ташлаб қочиб жанг майдонини
Яшайсанми ҳам кар, ҳам басир.
Ерга уриб казак шонини
Тушасанми душманга асир?
Четга отар автоматини,
Кўкрагини казак ғоз керар.
Бор ғазаби, бор нафратини
Энди икки қўлига берар.
Қарсиллайди қамчиси, ана,
Кўтарган у қиличин ҳам тик.
«Тил керакми? Яна казак-а!
Улганим йўқ, мен ҳали тирик!»
Яқин кел-чи, яқинроқ келгин,
Эй, сен, малъун, иблис шарпаси...»
Казак қилич серпайди, лекин —
Йиқар уни душман зарбаси.
Тушиб кетар қиличи қўлдан,
Кун тиғида дами ялтираб.
Мойчечаклар кўзи ўнгида
Кетар ногоҳ титраб, қалтираб.
Давом этар бу ҳол бир нафас,
Тишларини босганча тишга
Казак қаддин кўтаради даст,
Қамчисини солади ишга.
Қаншарини куйдириб оғриқ,
Ағдаради эгасини от.
Шафқат кутма йўқ, мендан ортиқ,
Ёт, қўзғалма, малъун, қани ёт!
Энди сенинг қисматинг қаро,

Ростланмагай ҳеч қачон қаддинг.
Оппоқ, соғлом чечаклар аро
Қолиб кетар жирканч жасадинг.

Дала узра от борар учиб,
Ут уради от тиззасига.
Биттасига бас келди, кучи —
Етармикин иккинчисига?
Келаётир ўлимнинг саси,
Нафасларин сезмоқда юзим.
Цимлянская станицаси,
Қўллаб юбор ўглингни ўзинг!
Ут-ўланни ҳамон эзгилар,
От келмоқда пишқириб. Қийин...
Тиригида Савва дердилар,
Уни қандай аташар кейин?
Савва, Савва, Савва, дердилар,
Қойил сенга ҳамма дердилар,
Зафар ёрдир юрган йўлингда.
Савва, Савва, Савва, дердилар,
Ҳой, анграйма, қара, дердилар,
Олқиш ёғар ўнгу сўлингдан».
Олишсангу яккама-якка,
Ўлим бўлса топганинг фақат.
Сифадими шуҳрат юракка,
Қимга керак бунақа шуҳрат?!
Учиб келар, мана, оқ отлиқ.
Қилич солар... Савва, қолдинг кеч!
Нимталади билагини тиг,
Тушиб кетди қўлидан қилич.
Инграб, боқди яйдоқ далага,
Шайланди сўнг казак ҳамлага.
Рақибига ташланди ёвқур:
«Ур аяма, қамчигинам ур!
Ургин қоши-кўзи аралаш,
Ургин ифлос юзи аралаш,

Тақиб юрсам ярашган, пўрим,
Дилдоримдан ёдгор, уч ўрим,
Содиқ дўстим, ёрдамчим ургин,
Ургин қамчим, ур қамчим, ургин!»

Тайсаллади, юлқиниб кетди,
Отдан ерга қулади фашист.
— Гутин морген, кунингиз битди,
Тақсир, мендан ўпкаламайсиз!
Қўл кўгарди, йиғлади ҳўнг-ҳўнг,
Чўкди казак оёғига тиз.
Ажабланиб қараб қолди сўнг.
Бурдаланган шимига иблис.
— Асир тушдинг! Ҳа, гутин морген!
Арзга энди аммангга боргин!
Тур!— буюрди казак, тур деди,
Олдимга туш, қани юр, деди.
Жимирлайди ям-яшил адир,
Шан шуълалар ўйнар қиёда.
Ортада — казак, олдинда — асир,
Жўнадилар пойи пиёда.
Ҳар гал қамчи қарсиллаган дам
Фашист ҳам бир ғингшиб қўярди.
Юрагидан чиқмаган алам,
Казак уни тинмай урарди.
Унутганди оғригин казак,
Очиқ турар устихонлари.
Мойчечаклар устига чак-чак
Томар эди қўлдан қонлари.
Шу муқаддас, тоза қон билан
Йўл-йўлакай пайваста бўлиб,
Силкинарди казак ортидан
Мойчечаклар гулдаста бўлиб.

Сирти офтоб нурида порлаб,
Казакларни ёнига чорлаб.

Бурғу хониш қиларди майин.
Олисларда мовий чўл узра,
Ут-ўланлар, турфа гул узра,
Силкинарди уч ўрим қамчи,
Қазакка дўст, яқин ёрдамчи!

IV

Чарақлайди осмон дуркун,
Булутларни шаббода ҳайдар.
Уйга қайтар казак ҳам бир кун,
Уша оппоқ уйига қайтар.
Суриб очар у елка билан
Тамбаланган четан эшигин.
Минг бир хаёл, таҳлика билан
Ичкарига киради секин.
«Қазак келди, ҳой, қани ким бор?»
Отилади унга хотини.
Сочларини тирнар беозор.
Кўксидаги шуҳрат ордени.
Гап тарқалар станицада,
Гапиришар андак лоф қўшиб.
Уша кундан Савванинг номи
Кетади эл оғзига тушиб.
«Эшитдингми, орден олибди,
Яна ўлмай тирик қолибди.
Оббо, Савва тушмагур, Савва,
Қандингни ур, қойилдир ҳамма...»
Айтиб берар такрор ва такрор
Савва бошдан ўтказганини.
Ўлимлардан уни неча бор
Ўрма қамчи қутқазганини.
Айтар қамчи узатганида
Олис жангга кузатганида
Ёр сўзларин:
— Ёнингда бўлсин,

Уч ўрим у, ёдингда бўлсин!
Сўнг деворга қўяди илиб,
Ётганда ҳам қучиб ёрини
Унутмасин, то турсин билиб
Қамчисини — ҳалоскорини.
Бамисоли саҳройи печак,
Чирмашиб ҳам елиб изидан,
Унутмасин берганин дарак,
Она юрти, ёр севгисидан.

Қамчи, қамчи, ҳей, ўрма қамчи,
Ҳей, казакка ўртоқ, ёрдамчи!

1944

ОЛТИН ҚИРҒОҚ

Уруғ чоғи. Шинелда ётиб
Туш кўрибман олтин қирғоқни.
Денгиз ётар тўлқинлар отиб,
Денгиз ётар ялаб қумлоқни.

Тонг нурлари қуйилиб сокин
Қўяр эди қумга юзини.
Ифодасин топмай имдодин
Силар қизнинг енгил изини...

Унут бўлган сирли масканда
Ҳилпирамас оқ ҳарир кўйлак.
Фақат соҳил. Фақат қум бунда,
Ҳеч нарса йўқ излардан бўлак.

Тун бағрини чайқатиб ногоҳ —
Учиб ўтар ғозлар галаси.
Кўзим очиб тортаман огоҳ.
Кўк бағрида жанглarning саси.

Кўпдан уруш худоси ҳоким,
Шаҳарларга келтирар қирон.
Бунда топмас сукунат қўним,
Тинч ҳаётдан қолмаган нишон.

Биз асраймиз дилларда аммо
Осойишта турмуш ёдини.
Қора ўрмон бағрида ҳатто
Ботқоқларга юганда ботиб.

Тинчликни туш кўрмоққа ташна
Гоҳо тунлар жангчи кўз юмар.
Хаёл уни уй томон бошлаб,
Муштоқ дилда умид уйғонар.

Шунда денгиз бўйида қолган
Изларни у кўргуси албат.
Қўлларида сочиқ ушлаган
Қиз кутадир бамисоли бахт.

Шунда бизга ташлагай нигоҳ,
Қўлларини узатгуси шод.
Жангда ўтган уч йил ҳам ногоҳ —
Бўлиб қолгай абадий ҳаёт...

I

Вокзал. Перрон. Чироқлар сўнган,
Қўп бор бунда айтилган видо.
Унда замон бошқача бўлган,
Ўзга эди у олам аммо.

Энди... хайр, эй кўҳна даргоҳ,
Ешлигимиз ўтган остона.
Унутмаймиз биз сени мутлоқ,
Бахтимизга бўлгандинг она...

Вокзал. Перрон. Укирар гудок.
Чорлар... чорлар солдатни йўлга.
Шом шамоли шивирлайди шўх —
Уча келиб ҳувилдоқ чўлдан.

Қачонлардир сени мен томон
Шундай бошлаб келган эди у,
Гуллар бўйин этиб армуғон
Ҳамда шабнам каби соф туйғу.

... Қўзғолади ногоҳ эшелон,
Гилдираклар солади шовқин.
Буғ ўрлатиб юксакка томон
Пишқиради паровоз шошқин.

Ўртамизда масофа олис,
Оралиқда зинапоялар.
Сенга томон ундар оғриқ ҳис...
Атрофингни ўрар соялар.

Ғойиб бўлдинг кўздан ниҳоят,
Нур бағрига кетгандай сингиб.
Пўлат излар узра бетоқат —
Туйғуларим қолмоқда синиб.

Хайр, шаҳрим, этдинг армуғон,
Болалик ва иқболу давлат.
Элтдинг қуёш, юлдузлар томон,
Бу кун ўзга йўл қилар даъват.

Севгилим, сен ёлғиз, бечироқ —
Кетмоқдасан қоронғу йўлдан.
Вокзал — ортда. Дилингда фироқ,
Армаган дардлар кўнгилда...

II

Мудрар қалин эманзор ўрмон
Чегарасиз юксак-бехудуд.
Шабнам кулар япроқда шодмон,
Қайлардадир сайрайди худхуд...

Тонг нурлари тушар қуйилиб
Шоҳлар аро аланга мисол.

Ирмоқ оқар сокин ёйилиб,
Тўлқинлари заррин ва зилол.

Бунда олам сукутга чўмган,
Ҳорғин июль сўради ҳукм.
Гўё уруш ўзлигин кўмган
Босиринқи туш сингари жим.

Уша кеча-кундузлар мудом
Хотирадан ўчмагай минбаъд.
Тонг — қоронғу... Оловли оқшом...
Дўстларнинг кўз юмгани абад...

Аммо сокин тонг чоғи ногоҳ
Жангдан сўнгги дақиқалик дам
Орзуларга топгандай изоҳ —
Эслашдик у кунни бўлиб жам.

Қолгунича то сўнгги нафас
Ардоқлардик қалбларда уни.
Ногоҳ жудо этган ҳўнгроқ сас —
Бу кун ёқар жангчи кўнглини.

Қачон келар ўша нурли кун,
Қай йўлларда бўлар рўбарў.
Чўзар илиқ меҳрли қўлин
Вайрон бўлган қай қишлоқда у.

Уйлар эдик орзуларга банд
Неки қўмсар жангчининг қалби.
Шовиллар оқ қайинлар тирбанд,
Сарин эди зилол сой лаби.
Бирови дер:

— Изғиринли кун,
Айни қишда рўй берар, ишон.

Қайтажакмиз қор кечиб мамнун,
Кутиб олгай жононлар шодон.

Ҳис этгаймиз уларнинг меҳрин
Бағримизни қувонч тўлдириб.
Тинглагаймиз юраклар зарбин —
Дастурхон гирдида ўлтириб...

Бошқаси дер:

— Келгуси у кун.

Мевалар фарқ пишган чоғларда.
Қадаҳларга тўлар май гулгун,
Байрам бўлар шаҳар-қишлоқда.

Чеккан заҳмат ҳамда жасорат
Жангда тўккан қонимиз учун
Қаскамизга гул ўраб албат
Мевалар-ла сийларлар у кун.

Орамизда энг ёш, тортинчоқ
Йигит деди жўшиб ногаҳон:
У кун келгай сув илиган чоғ,
Ранглар билан тўлганда жаҳон.

Унут бўлмас сира ўша он
Диллар жўшқин эди тугёндан.
Буйруқ берди штаб ногаҳон:
Ёвни кутмоқ керак ўрмонда.

Шарқ томон йўл тугаган у чоғ
Қучган каби оламни шодлик!
Сақланадир ёдларда узоқ
У кун дилга қўнган ободлик.

III

Отпускадан қайтди юртдошим,
Нимадандир эди паришон.

Жасур, жангда аямас бошин,
Полкда номи кетган қахрамон

Яраланди. Қайтмади аммо,
Ўқмас, ғазаб уругин сочди.
Ев бошига солдию ғавғо —
Медсанбатда кўзини очди.

Қирқ кун ётди у алаҳсираб —
Хотинини чорларди нуқул.
Сўнг тузалди. Қувончдан яйраб —
Отпускага, уйга олди йўл.

Урушгача эмасдик таниш,
Дўстлашдик жанг йўллари узра.
Она шаҳар меҳри-ла ёниш —
Иккимизга хос эди жуда.

Дардлашардик оғалар каби,
Блиндажда ётиб ёнма-ён.
Таърифлардик оиламизни,
Тушда кўрсак қилардик баён.

Кутар эдим уни бетоқат,
Отпускага кетгандан буён.
Келишгандик; уйимга албат —
Қириб ўтар, етказар салом.

Мана, қайтди. Аммо паришон,
Қалбин эзар қандайдир алам.
Қуруққина бердию салом,
Сафдан нари кетди ўша дам.

Сўнгра деди:

Кетайлик йироқ,
Дардимизни сезмасин ҳеч ким.

Мана, бизнинг уйимиз — хандақ,
Солдат уйи. Зах хона, иним...

Қоқиб қўйди шинели чангин,
Курсига ўтирди хотиржам.
Кўз ташлади мен томон ғамгин,
Деди:

— Энди тингла, дўстгинам.

Мен чиндан ҳам эканман аҳмоқ,
Садоқатим асраб юрибман.
Севгисини билибман мутлоқ,
Меҳрин олиб жангга кирибман.

Эҳ, билсайди агар, капитан —
Бор кучини йиғиб жанг аро
Ўлимларга тикка бораркан
«Галя...» дея қилганин нидо.

Ярим йил юз кўрмадик холос,
Олти ой... эҳ, кўп эмас муҳлат,
Кўз очгунча улгурмай ихлос —
Тугабди ундаги муҳаббат.

Қайтдим. Йўл йўқ энди у томон,
Остонада қолдириб севгим —
Эшикни қарс ёпдим беомон,
Орзуларнинг йўлин беркитдим.

Жим қолди у. Қўйди хўрсиниб,
Чекди... Ортиқ этмади давом.
Деди: «Қайтдим хотининг кўриб,
Яхши. Ишлаб юрибди соғлом.

Сендан фақат битта илтимос,
Ранжитмассан дўстингни зеро.

Унга бир хат ёзгайман холос,
Бериб қўйгил кўрсанг мабодо!»

Бир ойдан сўнг у бўлди ҳалок,
Бошланганда душманга ҳужум.
Ўз қонига йўғирилган хок —
Соҳил узра ётар абад жим...

Ётар экан алаҳсиб беҳуш
Шивирларди лаблари нуқул:
«Галя, Галя, кел, ёнимга туш,
Маним Галям, қани узат қўл...»

IV

Ертўлага қорлар уфуриб
Қиш солмоқда ўрмонга ваҳшат.
Кутмагандим уйимдан мактуб
Мен шунчалар зориқиб ҳеч вақт

Оҳ, қанийди, топсайдим имкон,
Беролсам ўз шаҳримга хабар.
Эртагамас, худди шу замон —
Зарурлигини бир хат нақадар.

Кўрсам унда қадрдон имзо,
Уй номери, кўчанинг номин.
Туюб олам бўлолгундай, жо —
Икки хона — кўнгил оромим.

Музлаганда ерлар босиб қор,
Сўнганида кўкда юлдузлар,
Атрофингда — фақат ўрмонзор,
Шунда соғинч дилни эзгилар.

Пишиллайди бурқсиб ҳўл пўстлоқ,
Ҳуштак чалар мўрида бўрон.
Ертўлага киради ногоҳ —
Буоқ бошлаб ордан почтальон.

Сумкасида улашади хат,
Гўё уруш йўқдек оламда.
Соғға олган боладек хушвақт,
Истак ёнар ҳар бир одамда.

Хатинг олиб улгурганим йўқ,
Имзонг таниб турибман аммо.
Мана конверт, энди кўнгил тўқ,
Қормас, қувонч ёғдирар само.

Соғинганмиш... «Жоним... жонгинам...»
Тушларида кўрган эмиш, ҳа!
Юрганмишман соғлом ва бардам
Оппоқ бўлиб гуллаган боғда.

Қучар эмиш мени хаёлан,
Хатларимни сурармиш кўзга.
Тамом. Мен-чи, тўймай қарайман
Севги тошиб турган ҳар сўзга.

V

Туш кўрибман яна бу оқшом
Шундай тушки, юрак бўлар қон.
Уша олтин қирғоқмиш мудом,
Қум устида негадир сувдон.

Уша сувдон занглаган эмиш,
Билмам қайдан бўлганин пайдо.
Сени кўрдим. Келардинг хомуш
Ўқиб менинг мактубим гўё.

Қичқирибман: «Кетма, тўхта, ҳой!»
Сен-чи мендан юзинг бурибсан.
Тўлқинларга боқиб, индамай,
Менга парво қилмай турибсан.

Юриб кетдинг. Сен-ла ёнма-ён
Пайдо бўлмиш бегона эркак.
Билагингдан олиб ногаҳон —
Йўл солдингиз тоғ сари юксак.

Мен югуриб кетдим изма-из,
Ишонмасдим, шу сенсан наҳот!
Аммо қатор-қатор тикан сим —
Йўлим тўсди сен томон, ҳайҳот!

Ортга қайтдим. Денгиз тўлғонар,
Пойларимда ойна мисол.
Сув остида гўёки ёнар —
Олтин қумлар ётармиш беҳол.

Эргашдиму кўрмадим аммо
На юзиму, на лабим аксин.
Денгиз ҳазар қилармиш гўё.
Фақат сузар булут галаси.

Шунда сувга урибман қўлим,
Сўнгра урдим шинелим билан.
Денгиз ҳамон турар эди жим,
Мавжланмасмиш ҳаттоки зарбдан.

Чолиб бориб сўнгра ногаҳон
Бўш сувдонни тепиб юбордим...
Қимир этмай ётарди сувдон,
Сувсиз сувдон, занглаган сувдон.

Ахир бўлиб тоқатларим тоқ —
Бор овоз-ла йиғладим ҳўнграб.
.. Қўзим очсам — ўчибди ўчоқ,
Солдатлар дам оларди мудраб.

VI

Қанча кетсак тинчликдан нари —
Ғазаб шунча олар аланга.
Вайроналик кўкс очган сари
Ўтмиш бахти шунча ёд бўлар.

Ардоқлайди сени хотиржам,
Оқшом чоғлар... денгиз бўйида.
Чамбар сочинг ўрам ва ўрам,
Оқ рўмолинг кўзим ўнгида.

Чиқар эдик денгизга пешвоз,
Из қолдириб олтинранг қумда.
Оқ елканни кўрганда бехос —
Тақдир дея атардик чиндан.

Қояларга тармашардик сўнг,
Қўлу тизза бўлиб қонталаш.
Дунё бизга кўринарди кенг,
Ҳайрон боқар эдик хаёлкаш.

Сузиб ўтар кемалар сокин,
Гўё борлиқ — хаёлий дунё.
Уфқ бағрига оқар олиб тин —
Зангор осмон мисоли дарё.

У кунлар ҳеч бўлмагай унут,
Пўртанали олтин қирғоқ ҳам.

Орзу бўлиб қолди бехудуд —
Учиб ўтган қушлардек у дам.

Севгида мен собит ва хасис,
Ҳеч кимга тенг кўрмасман уни...
Бошқа қизга мен гўё беҳис...
Тан олмасман бошқа севгини.

VII

Баҳор келди, ажойиб баҳор,
Қорлар эрир, кўлмак ҳар ёнда.
Солдатлар ҳам уйқусиз, бедор —
Ёвни қувар жануб томонда.

Олиб кетди жанг йўли олис,
Замбараклар, тўпларни бундан.
Неки бизга даҳшатлар солмиш —
Бари сукут сақлар бу кундан.

Вақти етиб олимлар келар,
Муаррихлар келар бу ерга.
Истиқболга жанг руҳин элтар
Ўз даврининг аравасида...

Олиб келар колхознинг оти
Уларни бу ерга эҳтимол.
Оташ бўлар у отлар зоти,
Ўтар бундан бамисли шамол.

У кун келар! Жангчи тилаги,
Дунёни ҳам айлагай рўёб.
Нотинч тепар руснинг юраги.
Яқинлашар эзгу сарҳисоб!

Биз душман-ла олишган майдон —
Прут бўйи қатор-қатор тол.
Дарё оқар, соладир сурон,
Елкасида муз элтар алҳол.

Борар эдик ошиб чўл, довон,
Йўллар олға этарди даъват.
Қаршимиздан чиқди ногаҳон,
Булутларга бурканиб Қарпат.

Бизларни жанг кутмоқда демак,
Жангда эса жасорат лозим.
Ё сен, ё у, ё барча бирдак —
Балки бунда қучгуси ўлим...

Дарё ортин тутдик қароргоҳ,
Юракларда бир туйғу бу дам:
Қонли уруш умрлик сабоқ,
Шарафлимас ҳамма ўлим ҳам.

Жанг бошланди. Жангки беомон,
Монастирдан нари, ўрмонда.
Мина портлар, соладир сурон,
Чийилларди ўқлар ҳар ёнда.
Фақат ўрмон пинагин бузмас.

Турар беҳис девор сингари.
— Уртоқлар, олға!— деб
Ўрнимдан турдим,
Ва ташландик қўл жанги сари.

Қора ўрмон юборди инграб,
Ярақлади найзаю ханжар.
Тўда-тўда бўлиб, гангираб —
Монастирга қочар фашистлар.

Биз уларни этамиз таъқиб,
Оппоқ девор кўринар шу он.
Ўқ визиллар. Балки улоқиб —
Излар маним кўксимдан макон.

Урмон аро янграр ногаҳон
Оҳ тортгандек оғир қўнғироқ.
Жангдан чиқиб гўёки омон —
Бу ерлардан кетмоқчи йироқ.

Адресларин, юзларин эслаб —
Овозлари янграр хаёлда.
Украина, Волга, Вологда —
Ё Жанубда етган камолга.

Мана, дўстим бериб қўйган хат,
Жанг олдидан қилган илтимос.
«Отпускага борсанг гар албат —
Галинага бериб қўйсанг бас...»

«Уни излаб топгил шаҳардан,
Эрингданмас, жангчидан деб айт.
Ўқиб кўрсин... салом айтарсан...
Майли... юрсин беғам ва бедард...»

Хатни олдим. Мана, қўлимда.
Госпиталда ётибман бугун.
Нелар кутар ҳаёт йўлимда,—
Бунда ўтар яна неча кун?..

Қачон уйга қайтгайман, билмам,
Олис-олис йўллардан ўтиб.
Остонага қўяркан қадам —
Қим ва қандай оларкан кутиб...

Палатада сукунат ҳоким,
Сукут ичра гўё кенг олам.

Гилос бошин тебратади жим,
Гулбаргалар тўқийди гилам...

Монастирга етиб ҳам келдим,
Аста турдим. Рўпарамда гов.
Аммо ногоҳ бошим гангиди...
Кўзларимда портлади олов!
Сўнг йиқилдим...

VIII

Олам узра сукунат ҳоким,
Уруш йўқдир. Қон йўқдир бунда.
Ташқарида бош тебратиб жим —
Гилос сочар оппоқ гулбарга.

Ёнгинамда куйлайди баҳор,
Шамол ўйнар кенгликлар узра.
Акс-садо беради бедор —
Қўнғироқлар овози янграб.

Яшамоқлик создир нақадар,
Баҳор ҳиди урса димоққа,
Кўкка боқсанг юлдузлар ёнар
Хаёл сурсанг ёлғиз, овлоқда.

Сут шимирсанг тонгда мириқиб,
Тўйиб-тўйиб боқсанг ирмоққа...
Билсанг, кутар жуда зориқиб
Яқин кишинг йироқ-йироқда.

Уйқусизлик бермаса ором,
Ёндирса ҳам ҳатто жароҳат —
Гипсда қўл муаллақ мудом,
Оғриб, қилсин, майли, бетоқат.

Дўстларингни эслайсан бир-бир,
Балки Қарпат ошмоқда улар...
Қайга отмиш, ким билар, тақдир,
Қай водийда ҳамон жанг қилар...

Врач кирар. Чўкар ёнимга,
Томиримни кўради ушлаб.
Сўнг дер:— Майли, турсангиз бўлар,
Чиқар боққа ҳамшира бошлаб...

Дам оласиз яна бир оз кун,
Сўнг ҳаммаси бўлади унут.
Икки ҳафта олмоқ учун тин —
Уйга боринг... сизни кутар юрт...

Бари тушда кўргандек ажаб,
Яйраб кетар бирдан хаёлим...
Ташқарида бошини чайқаб —
Гилос оппоқ гулбарг сепар жим.

IX

Мен қайтйпман. Йўлларда шовқин,
Одамлар қайгадир шошади.
Мана, бугун қаршимда — шаҳрим.
Бунда ҳаёт қайнаб-тошади.

Уша-ўша таниш, қадрдон,
Ўша дилга яқин одамлар.
Фақат бири қўлсиз, погирон,
Бири ҳасса тутиб қадамлар...

Айрилибди кўзидан, шўрлик,
Пешонада жароҳат изи.

Мана солдат, таниш, шу ерлик,
Кексалардай тиришган юзи...

У ҳам уч йил бўлмаган уйда,
Қирқ йил умри ўтгандай аммо.
Уруш, уни солдинг не кўйга,
Уруш, уруш.. эй машъум садо.

Ким кутмоқда йигитни шу дам,
Танирмикин танишлар уни.
Хаёлини кемирар не ғам,
Енголурми экан қайғуни?

Ўтарми бир ўзи чайқалиб
Гўё кўзи очиқ одамдай...
У жанг кўрган ва келган ғолиб,
Даҳшат солган ёвга ажалдай.

... Уруш тинган водийлар аро —
Поезд ўтиб борар бетиним.
Ана қишлоқ... кул бўлган нидо...
Куллар — мажруҳ юздаги ажин.

Бекатларда уйлар вайрона,
Бузилган кўприклар, йўллар ҳам...
Яшиллик бор аммо ҳар ёнда,
Гўё қайта яшаркан олам!

Аравалар ўтар тебраниб,
Ййраб боқар кўкка болакай.
Симёғочлар қатор сафланиб —
Турган каби гўё йўлга шай.

Бир бекатга келгандек етиб,
Мен перронга чиқдим хотиржам...

Турар эди тутқични тутиб —
Зиналарга суяниб кўр ҳам.

Атрофларга боқарди гўё,
Кўрмоқчидай на ўзгариш бор.
Шу он янграб бир шодон садо —
Титраб кетди... қалқди... бахтиёр.

Унга томон талпинар аёл,
Қичқиради: «Серёжа, жоним!»
Ҳайрат ичра қотгандек хиёл —
Оломон йўл бўшатади жим.

Улоқтирди ҳассани бир ён,
Ўзин тутиб турди хотиржам:
Суянчиғи бугундан буён —
«Сергей!» дея қичқирган одам.

Аста қалқиб, қўзғалди поезд,
Солдат қолди хотини билан.
Ойналардан мўралаб минг кўз —
Кузатарди уларни ҳамон.

Ҳадемасдан етиб борарман
Кўз очганим — она шаҳримга.
Наҳот бугун сени кўрарман,
Ва оларман интиқ бағримга!

Мана, тайёр. Бўхчамни боғлаб —
Тушмоққа ҳам ҳозир турибман.
Қувонч сари ўзимни чоғлаб,
Хаёл ичра яйраб юрибман.

Мана, Вокзал. Перрон. Самода —
Қадимгидай ёнар юлдузлар.

Юзимни тутаман шамолга,
Қайга боқмай — меҳрибон кўзлар...

Вокзал боғи шовуллар сокин,
Атрофимда уйлар соядек.
Қасрдадир қиз куйлар ҳазин,
Тун чайқалар бахтга доядек.

Буриламам тор кўча томон,
Уч уй нари... дукиллар юрак.
Ана, эшик... ўша қадрдон...
Уйқудами мен севган малак...

Шиқирлайди оҳиста занжир,
Ланг очилар эшик ҳам ногоҳ,
Сен титрайсан бағримда дир-дир,
Эриб борар сен кирган қучоқ.

Х

Ўз уйим. Столим. Меҳрибон нигоҳ.
Ҳаммаси жойида. Кўнгилга яқин.
Сира ўзгармаган қадрдон даргоҳ...
Гўёки оқшомги сайрдан қайтдим.

Сен ҳам энди тўкмагил кўз ёш,
Ахир бу кун кўришдик дийдор.
Жудоликка беролдинг бардош,
Юрагимиз урмоқда бедор.

Гўдак каби яйрайман боғда,
Кўринади тушдек хотира.
Кўчаларни кезиб алағда —
Тўёлмайман меҳрига сира.

Уйлар ўша-ўша, фақат таниш йўқ,
Қандай эди, ахир, илгарин...

Бир квартал ўтмасданоқ, шўх —
Улфатларинг ўраб оларди.

Сокин кўча бўйлаб бораман,
Чорраҳадан ўтаман аста.
Ўтмиш ҳақда хаёл сураман,
Ўзгаради олам бирпасда.

Қурилишлар қайнарди бунда,
Қад тутарди янги бинолар.
Шовқин ҳукм сурарди кунда,
Қаҳ қаҳалар... сирли имолар...

Мана, бу уй кўтарганди қад
Машъум уруш бошланмай аввал
Ўтиб кетди қанча-қанча вақт,
Элчи бўлиб келдим мен бу гал.

Гўё кўксим ёқмоқда мактуб,
Жангчи дўстим армони мисол.
Шунда яшар бевафо маҳбуб,
Хат-хабар ҳам кутмас эҳтимол.

Нима дейман? Лозиммикин ё...
Ахир уни қучган-ку ўлим.
Кўзларида сўнган-ку зиё,
Армон билан тўлғонар дилим...

Эшик очиқ. Қаршимда — ўзи,
Бошдан-оёқ тикилар ҳайрон.
Ҳаяжондан парпирар кўзи,
Борлиғида кучли ҳаяжон.

Ичкарига қўямиз қадам,
Хатни ўқир вужуди титраб.

Эҳтимолки, бир вақт дўстим ҳам —
Шундай турган юраги питраб.

Деразадан қуйилар дунё,
Деразадан қуйилади нур.
Деразадан қуйилар садо;
— Эсладими сўнгги бор бир қур?..

— Улгунича сизни этди ёд,
Улгунича қўймади тилдан...
Дили эди севгидан обод —
Турса ҳамки, энг оғир йўлда...

Жангда тенгсиз жасур эди у,
Ишқда эди собит ва ҳассос.
Қалби тўла меҳрли туйғу,
Туйғуларки — тиниқ бемисол...

Чаккасига тираб қўлини
Нурсиз нигоҳ билан боқарди.
— Бас... етар...— қарғар ўлимни,
Кечиккан дард ёшдек оқарди.

Ташқарига чиқаман ҳорғин,
Мени қарши олар дарахтлар.
Галянимас, ўйлайман тагин,
Фақат сени ўйлайман, дилдор.

Яна вокзал. Перрон. Кузатув...
Қўй, бошингни эгма, жонгинам.
Сен жангларда мадорсан, орзу,
Мени осон сақлар қудрат ҳам.

Кел, севгилим, бергил қўлингни
Кел, солдатнинг кўзларига боқ.

Топа олгай қатор йўлини
Агар севсанг, ёқса ҳам фироқ.

Фақат эсла, унутма, соғин,
Садоқатинг, сақлагай омон.
Бўлса ҳамки жанг-жадал, қирғин —
Мен — бағринга қайтгумдир шодон.

Қаршимизда қанча йўллар бор...
Бари бўлиб туюлар фироқ.
Сенга, сенга толпингум, дилдор,
Маним учун сен — олтин қирғоқ.

1944—1945

МИУС

I

Тепаликка чиқиб,
Қаён бурма юз,
Тонгги туман ичра
Кўринур Миус.
Қирқ биринчи йилга
Боқсам ҳам маъюс,
Кўринур жанггоҳу
Дарёи Миус.
Қирқ иккинчи йилга
Фикран боққан чоқ,
Ейиб порох ҳидин
Чақнар қалди роқ.
Қирқ учинчи йилни
Уйласам дилдан,
Яна Миус кечгай,
Кўзим олдидан.
Шунда мен тиз чўкиб, дилда эътиқод,
Илиқ ўт-ўланга сурурман юзим.
У йиллар хотирин мангу этиб ёд,
Содиқ қолмоқликка айтурман сўзим:
Содиқман бу чўлнинг ҳар гиёҳига,
Сарғайган, жизғанак соҳилларга ҳам.
Серчанг бу йўлларнинг унсиз оҳига,
Утганман бу йўлдан қадам-бақадам.
Қалбимга яқиндур номсиз қабрлар —
Дўстларим ҳаётдан кўз юммиш мангу.
Кўтариб бу оғир хотирот юкин,
Лаҳза ҳордиқ чоғи баҳам кўрган-ку...
Кўтариб бу оғир хотирот юкин,
Шеърларим куйлайди

Уларни бу кун.
Бу чўллар бағридан қадам ташлаб зил,
Бу юкни ортмоқлаб боргум неча йил.
Чўлдаги мана бу қабрдан, асли
Бошланган ердаги тинч ҳаёт фасли.
Тепаликка чиқиб
Қаён бурмай юз,
Тонгги туман ичра
Кўринур Миус.

* * *

Бу ер жанггоҳ эди. Шараф майдони.
Қонлар ранги билан бўялган қирғоқ.
Бўлиб нақ иккига еру самони
Ҳаёт-мамот жанги чўзилган йироқ.

Бунда ўт-ўланга етказиб озор
Гўёки жангалзор тиллари янглиғ,
Симлардан унганди машъум тиканзор,
Ернинг сиймосини этиб минг чандиқ.

Қаранг, ҳайиқмади симдан гуллар ҳам,
Балки туташ ўсди қўрқмай ўлатдан.
Гарчи ўт-ўланга солган жаҳаннам,
Бомба ҳам шу симдек битта пўлатдан.

Бу ер жанггоҳ эди. Ажал ов этган.
Ҳар қарич ер учун тенгсиз олишув.
Жой бўлиб учбурчак конвертга
Алам тақдирлар учган ер ҳам шу.

Қонли тупроқ узра жанглар вақтида
Кечди не даҳшатлар — не-не оғир кун.
Маҳрум бўлиб кўрмоқ, севмоқ бахтидан
Лаҳзада не жонлар топдилар якун.

Бу ер жанггоҳ эди. Авлод-авлодим
Келгуси бахтига замин ва кафил.
Ватанга бахш этиб қудрат, саботин
Мардлар не синовдан ўтдилар дадил.

Бунда денгизчию пиёда қўшин
Бир-бирига мадад бўлароқ маҳкам,
Қалбида денгизлар долғаси жўшиб,
Душманни қувдилар қадам-бақадам.

Энг оғир дамда ҳам қасамга содиқ,
Денгиз мавжи гурлаб қалбу қонида,
Улар ўз номига қолдилар лойиқ,
Шиддатли курашу ҳарб майдонида.

Ҳужумга ташланиб балки юз бора
Миус сувларига уриб тўшини,
Ев ҳолин тангу тор этиб тобора,
Зафарга интилди совет қўшини.

Бунда чўл мардлари ва тоғлар ўғли,
Дунай, Волга сувин ичган не фарзанд,
Иртишлик ботирлар — бари доврўгли,
Рус денгиз шарафин тутдилар баланд.

Шу сафлар ичида навқирон, ботир
Ейсклик бир ўғлон ҳам юрар эрта-кеч.
Сувдами, ердами, поход — барибир,
Енидан гитара тушмас эди ҳеч.

Ердай азиз эди гитара унга,
Биз билан жўр бўлиб куйларди бардам:
«Ҳаёт — бу тик бормоқ барча тўлқинга,
Матрос, елканингни тайёр тут ҳар дам!

Сузганда сен ором кўзлама, матрос,
Денгиздан кўзлама асло илтифот!
Штурвал амрингга бўйсунсин бесўз,
Тўлқинлар кифтида дадил ёз қанот!»

Уни чин юракдан севарди дўстлар,
Дўстларга унинг ҳам беқиёс меҳри.
Тилла соч ва мовий осмондек кўзлар,
Қалбида болалик шўхлиги, сеҳри.

Миус, соҳилингда дўстлашдик абал,
Сен чиндан айлэндинг бизнинг тақдирга.
Бу ерда ҳар лаҳза ва ҳар бир соат
Сен билан душманга ташландик бирга.

Ўқлар ёгинидан қайнадинг сен ҳам,
Портлашлар зарбидан қорайдинг обдон.
Баланд соҳилингни ялаб илк кўклам,
То баҳор кечаси бўлди намоён.

Ялпиз ҳиди анқиб шунда ҳавода,
Бинафша, илк майса таратди хушбўй.
Солдатга бундан соз не бор дунёда?
Япроқ шивиридан тинглар экан куй.

Миус, Миус, ўзинг бўлгансан гувоҳ,
Тўплар гумбуридан ҳали бир маҳал,
Ташна ёш денгизчи уй олдида, оҳ,
Қониб сув ичмоққа бўлганин маҳтал.

Ёнида турарди бир дилрабо қиз,
Буғдойранг чеҳрада қалқиб табассум.
Осмоний кўзида қанча ёниқ ҳис,
Шу баҳор тунидай майин ва маъсум.

Челакдан лаб узиб, «Раҳмат» деди у,
Артди лабларини... яна у чанқоқ...

Кетиш керак... Лекин кетмас эди у,
Бир сўз айтмаслик ҳам оғир-да бироқ.

Тик турар... Қиздан у узолмасди кўз,
Атрофда нима бор парвойи фалак.
Ҳисларин ифода этолмагай сўз,
Гўзаллик бўлмагай бу қиздан бўлак.

Тақдир ўз азалий бурчини ўтар,
Бир-бирин англади икки ёш кўнгил.
Уларни табриклаб тебранди ўтлар,
Қадамларин ўпди чўлдаги ҳар гул.

Миус, Миус, барига гувоҳсан ўзинг,
Олтин лавҳаларда номинг бўлур ёд.
Ҳар битта мавжингда бир дунё сўзинг,
Ҳар бир тўлқиннинг мангу хотирот.

Заминни куйдириб ўқу қўрғошин,
Ўту тош, қуму лой, бағринг минг тилди,
Шу ўтлоқ бағрида ўқ тешган бошин
Ушлаб не-не мардлар мангу йиқилди.

Эслайсан, эй Мунис, ул йигитни сен,
Тилла соч денгизчи, навқирон ботир...
Тутиб автоматмас, ханжар дастасин
Энг қаттол ҳужумга тик кетаётир.

Елкасидан тушмас асло гитара,
Қулоч кериб борар олов наҳрига.
Жангиллаб ун берар гитара тори,
Баногоҳ... қулади у ер бағрига.

Ҳамон эмакларди... тоғ-чағир узра
Қонли из қолдириб бемажол, аранг,
Унинг қайноқ қони мажруҳ гиёҳлар
Томирин суғориб, берган каби ранг.

Эмаклаб, судралиб... сўнг ҳолдан толди,
Кўзлари юмилди... абадий уйқу.
Юз биринчи тепалик устида қолди —
Мардлик ва матонат тимсолидек у.

II

Тепаликка чиқиб,
Қаён бурмай юз,
Тонги туман ичра
Кўринур Миус...

Биз чўлдан борамиз. Бу чўл йўллари
Тепаликлар бўйлаб кетар буралиб.
Кўринур қишлоқнинг ҳовли-уйлари
Олчазор боғларга буткул ўралиб.

Арава-арава тўла олтин дон,
Ҳўкизлар уларни аранг тортади.
Кўзингни олгудек ҳосилдор майдон,
Ҳаёт хушрўйидан завқинг ортади.

Бунда жанглар бўлган. Яна тинч ҳаёт,
Этмоқда улуғвор кўркин намоён.
Оппоқ қоқигулар ичида, ҳайҳот,
Занг босган ёв тўпи кўринар ҳамон.

Паррак қанотлари айланиб елдан
Тегирмонлар гўё бир-бир ишлашур.
Йўл юриб ўтамиз яна бир белдан —
Миус ярқиллайди мисоли шамшир.

Запорожьеликлар бир пайт бўлишган бунда,
Бўйдорроқ бир йигит мафтун боқаркан,
Эҳ-ҳей, биродарлар!— демиш тўлқинда,—
Мўйловимдай буралиб бу сой оқаркан!

Шу-шу Миус — «Мой ус» номланмиш дерлар
Чўлдан оқиб ўтган бу обиҳаёт.
Дону Украина оралиқ ерлар
Унинг сувларидан олурлар нажот.

Мина майдонлари ўрнида, қаранг,
Боғчаю полизлар таратур хушбўй.
Тутиб ҳаммаёқни қуюқ яшил ранг
Табиат бағрида гуркирайди тўй.

Тарвузлар фарқ пишган. Йўл-йўл чопони,
Тарғил жанг ниқобин эслатур ул ҳам.
Мана, дот ўрнида полиз шийпони,
Порох заҳри ўрнин тутмиш асал таъм!

Юз ёшлик бир кекса бу ерда яшар
Команда пункти — унга ошиён.
Қандоқ келганини Миусга зафар,—
Ғалаба шукуҳин эслар у ҳамон.

Бунда тинчлик ҳоким. Уйлар тўла нур.
Гуркирар осуда нафасли ҳаёт.
Олчаю ўрикзор исин таратур
Еллар ёйганича бунда кенг қанот.

Қизғин ёз. Оппоқ уй. Шу уй олдида
Таниш қиз чеҳрасин учратдим ногоҳ.
Иссиқ кўринди у кўзимга жуда,
Хаёлим жалб этди ул ўтли нигоҳ

Мен уни танидим... Бир пайт, бир замон
Бу гўзал чеҳрани кўрганим аниқ...
Қуролдош матроснинг сиймоси ҳамон
Кўзларим ўнгида чироқдек ёниқ.

Шу эшик олдида ўйнар болакай,
Сочлари жингала, бийрон сўзлари.

Эслатди матросни менга ҳар қалай
Денгиз мавжларидек мовий кўзлари.

Мен бу хил кўзларни кўрганман бир вақт,
Севги ташналиги акс этиб унда —
Бу манзилда топган муҳаббату бахт
Ва топган умрининг давомин бунда.

Танидим, билдик биз бир-биримизни,
Секин уйга кирдик гул рухсор билан.
Во ажаб, деворда таниш гитара —
Осилган турарди узиқ тор билан.

Лентаси гитара торларин ўраб,
Матрос бош кийими унга илинган.
Қизил юлдуз ёнар ҳамон парпираб,
Нурли юракларга пайванд қилинган.

Йиллар ўтар... Уғлон етар ёшига,
Худди отасидек улғайиб гўдак,
Ушал магроска кийиб бошига,
Мардона қалб билан керажак кўкрак.

Тутар йигирмада ота йўригин,
Йигирма ёш — йигит барқ урган палла.
Онадан ўрганиб ота қўшигин,
У ҳам бор овоз-ла куйлар баралла:

«Сузганда сен сром кўзлама, матрос,
Денгиздан тилама асло илтифот.
Штурвал амрингга бўйсунсин бесўз,
Тўлқинлар кифтида дадил ёз қанот.»

У куйлар, навқирон, етук, баркамол,
Тинглагай ўрмону, чўлу биёбон.
«Ҳаёт штурвалин дадил қўлга ол,
Йўллар ош ҳаётда давон-бадавон!»

Миус, Миус, буюк шараф сарҳадн,
Мардона оқавер асрий йўлингдан.
Одийсан, улуғсан сен ҳаёт каби,
Ҳаётсан, сен ғолиб чиқдинг ўлимдан.

Икки соҳилинга гард қўнмай сира,
Яшнасин рангларнинг турфа сайқали,
Машҳур юз биринчи тепалик узра
Абадий нур сочсин мардлик ҳайкали!

1945

МАНГУЛИК

Совет Иттифоқи Қаҳрамони Николай Сипягин хотирасига

I

Новороссийск узра ловулар шафақ,
Кўҳна дарахтларга нур инар тагин...

Мана, энди таъқиқланган

бизга сўзлашмоқ,

Николай Иванович Сипягин.

Тун...

Денгизга

чиқасан

қайиқларда сен,

Жасур десантчилар ёнингда ҳамроҳ...

Жим...

Жим...

Гап-сўз фақат имолар билан.

Ёшлик имо-ишорага кўнарми бироқ

Бироқ

мум тишламоқ лозим бу дафъа.

Ёшлик романтикаси бу тун бошқача.

Топшириқ муҳиму махфий бу сафар,

Тилни қанча тийсанг

ютасан шунча.

Бу тун «Ура!» билан жанг қилиб бўлмас,

Қуруқ савлат эрур

ҳозирча

қурол-яроғ ҳам.

Душман яқинига бориш керак

киши билмас,

Шу тун қоронғусида

қўрқмай ва бардам.

Аммо

сезиб қолишса
 жангга кирамиз,
Додини берамиз ганимнинг.
Йўқ! Йўқ! Хўшлашмаймиз!
Аскар халқи жанг олдидан хўшлашмас.
Аскар халқи умидсизлик шеvasини хушламас.
Фақат бир сўз банд этгандир

 улар миясини:

Ҳали кўрамиз:

Қирчинидан қияр экан,

 қани, ким кимнинг!

Қора денгиз кузаги...

Мунча тез ўтмаса баҳор ила ёз...

Коля... Коля...

 Николай Сипягин,

Мунча ярашмаса эгнингга либос.

Қимсан офицерсан — капитан-лейтенант,

Ҳурматинг жойида ёр-дўстлар аро.

Ким ва қайда

 жасурликдан қилган сенга тарбият?

Чақириқ қоғозига уни

 қўшиб олганмисан ё?

Қайиқлар... Қайиқлар...

 Тун чағалайлари...

Кузатиб қоларлар куйлаб

 қадрдон соҳилларда.

Булар эса илгарилаб борар дам сари...

Ҳар бир сонияда сукунат — парда...

Булар эса илгарилаб борар дам сари...

Сукут... Сукут...

 Сукунат ҳам тил,

Шу тилда ҳам сўзлашилар гоҳ.

Сипягин мардлари чапдаст ва дадил,

Беун сузиб борар ёв сари бу чоқ.

Юракда кечмоқда

 барчаси

бу дам,
Юрак айлангандир
каттакон сўзга.
Тун эса қоп-қора...
Лекин
адоғи бор туннинг ҳам,
Тун
бориб тақалар
тонгги юлдузга...
Кўкиш тусга кирар Шарқ,
Цемесск кўрфази узра
Ногаҳонда
ганимнинг
тезюрар
баттар —
Торпедоли қайиқлари ташланар кўзга!..
Отишма бошланар
қатъий, бепоён,
Ва қирғин-баротга айланар денгиз.
Денгиз тўлғонади зорланиб,
«Альамон! Альамон!»
Жанг эса қизийди,
жанг — тенгсиз.
Худди кинодагидек;
улкан экранда
Жанг саҳнаси намоёиш этилади.
Фарқи шуки,
буни кўрганда,
Ҳар битта қалб
минг бора кўпроқ
эзилади.
Торпедолар тинмас бирор зум,
Гумбурлар...
Гумбурлар...
Гумбурлар фақат.
Денгиз бамисоли жаҳон-талотум,

Талотум — шижоат,
талотум — қудрат.
Ранглар ҳам қоришиб ётар —
кўк,
қизил,
сариқ,
Ёнар денгиз узра тонг ҳам
безовта.
Кўзга яққол ташлана бошлар
зирҳли қалпоқлари
Сипягин йигитларининг бу пайтда.
Қайиқлар ҳам йўлида этади давом,
Интилишар улар қадрдон портга.
Жонажон портга.
Бир пайтлар унга
ўз уйидек,
қатнашган мудом,
Тоғлар этагидаги онажон портга...
Порт бошқача қаршилар уларни бироқ,
Қаршилар
душманнинг дотлари ила.
Пулемёт,
миномёт,
ўқлари шундоқ
Ёмғирдай ёғилар —
десантчилар узра учар вариллаб.
Денгизчилар...
Денгизчилар...
ташлашар ўзни.
Дошқозондай
қайнаб турган
уммонга шитоб.
Кимдир айтиб қолар
«Алвидо! ўртоқлар!»
деган сўзни,

Лекин
у қарордай,
даъватдай,
васиятдай,
янграйди шу тоб.

Олдинги қайиқда
Сипягин эса
Жангни кузатади
безовта,
сергак.

Олға сузар эди
унга деса,

Бироқ
Қайиқларни ортга
Геленжикка қайтармоқ керак!..

Ҳорғин термулади у
дуду оташ аро
бўғилган,

Тинкаси қуриган
Новороссийска.

...Шу кун
биз суҳбат қурдик
у билан

Хаёлан
ва лекин тиккама-тикка.

...Унгача тўпласин,
тўпласин қайиқларин у,

Созласин,
кўрсин йўл тадорикини
қайта.

Николай-ла ёнма-ён
турибмиз биз бу —

Ҳаёт, мамот
битта лангар ташлаган жойда.

У денгизга чиқар тағин қайиқлари-ла
ва тағин қайтар,

Бедор кўзларида
 қўрғошиндай юки
 асрнинг.
 Англаб етолмайсан бош-кети қайда
 Пировард
 мангулик
 деб аталган бу
 умрнинг...
 Қақшатгич жанг
 давом этди
 уч кеча-кундуз,
 Қўшиқларда куйланган жанг,
 оғир,
 мардона.
 «Ура!» садоларидан
 қалқиди денгиз,
 Тўлқинлар
 жумбушга
 келдилар
 яна.
 Асил қуролдошлар
 учрашдилар
 бунда,
 Учрашдилар
 қамални
 ёриб кирганлар.
 Рейсга чиқиб қоқ ярим тунда —
 Жанг қилганлар...
 хотиралар сўйлаб юрганлар.
 ...Десантчилар эса сузиб борарлар
 ҳамон,
 Чекинган ёв йўлини кесиб
 Анапаю Темрюк сари...
 Ҳал қилувчи жанг борарди
 Кавказда
 бу он,

Туман ичра милтилларди
Херсенос чироқлари
Кўзга чалинарни
Қрим тоғлари,
Керчу Ялта,
Севостополь дуд ичра...
Цемесск кўрфазида эса
вайрон бўлган шаҳар боғлари,
Мен буни умрбод
унута олмам сира!
Коля, Коля...
Ўртоқ Сипягин!
Кимсан офицерсан — капитан-лейтенант,
Ўзингга бир қарагин!
Қандай шуҳрат топдинг!
Лол қилиб қари очунни!
Ким
ва қайда
сенга жасурликдан берган тарбият?!
Чақириқ қоғозисиз,
Николай,
олгансан уни.
...Илгарилаб борар қайиқлар ҳамон...
Анап ортида
Тагин-да жанг,
тагин-да қон...
Тагин-да тирикларга чанг солар ўлим
уруш давом этар айни авжида,
Олдинда Керчь...
Бу — демак Қрим.
Бу, демак —
туганмас уруш — ҳали-ҳануз,
Жангга кираверар
десант ортидан десант.
Қават-қават туман —
очирмайди кўз.

Олдинги қайиқда эса
Жасур капитан лейтенант.
Тағин қора соҳил...
тағин портлашлар!
Немис миномётлари ишга тушар хўп.
Денгизчилар...
Денгизчилар...
аниқ кўришар —
Олда Перекоп.
Итгарилаб борар қайиқлар
Таманга қараб,
Паррак сув сачратиб
гувлар сар-сари...
Лаънати миналар портлайди бироқ,
Шикастланар қайиқларнинг
зирҳлари.
Фақат зирҳлар шикастланган бўлса,
қанийди,
Фақат қайиқ рулюю
барча винтлари
Ишдан чиққан бўлса қанийди!..
Капитан-лейтенантнинг мард йигитлари
Шундай эса...
маррага етарди
албат...
Гранит тош узра
ёнар мангу олов,
Қаҳрамонлар шаънига мангу шарафдек.
Икки денгиз
ўзига сизмай, бежилов,
Қўлларин шу ёққа чўзишиб тургандай тек.
Бунда
Цезарь Куликов ҳам бор,
Етар Сипягин-ла шундоқ ёнма-ён.
Икки дўст,
икки руҳ,

икки зафарбардор,
Мақсад бир,
 маслак бир,
 ва битта имон.
Ҳалок бўлган бир кунда —
 ўқ жалаларида,
Номлари ҳам бир қаторга ёзилар.
Жанг-жадалнинг энг
 оғир паллаларида
Мангулик чўққисини
 бирга забт этди улар.
Улар сабаб бу кун
 Кичик Ер обод,
Новороссийск,
 Тамань ярим ороли...
Энди улар бошида
 онлалар
 бахтли ва озод,
Ва ота-оналар қайғу-ҳасратдан холи.
Бироқ Сипягинни ҳам
 жароҳатладилар.
Мажолсиз қулади бир қарчиғай келбат,
Отряднинг юрагини
 жароҳатладилар.
Сув тўлган қайиқлар
 қўрғошиндай,
Сўнг бора чайқалар.
Сўнди ярқ этган бир умр — яшиндай,
Сўнди
 ярим йўлда
 жувонмард.
Тўлқинлар урилар
 чўкаётган қайиқлар бортига жим,
Сипягин мурдаси
 зулматда борар қотиб.
Икки буюк денгиз

унга
бош эгиб айлар таъзим,
Қайиқлар-чи,
тубанга борарлар ботиб.

2

Новороссийскда тинчлик замони бу кун,
Қуёш порлар,
зарра гард йўқ осмонда.
Сипягиннинг рафиқаси
қизи билан
беун,
Зиёфатда туришар
қаҳрамонлар майдонида.
Икки марднинг бошига
Мангу олов қошига
зиёратга келувчилар кети узилмас.
Ва учқур шамоллар ҳам,
Тиним билмай бирор дам
Дарахтзорлардан
Улар ҳузурига келар...
тин олар бирпас.

1972—1973

ПЛИЕВ ОДЕССА ОСТОНАСИДА

I

Томи похол уйларда тепинар отлар;
Буг ости кенг сахро. Унда совуқ сас.
Айилу юганга ёпишган ёллар,
Ёмғир ёғар эди, ёғарди шаррос.

Чапда Николаев аталмиш қишлоқ,
Ундан чапроқдан-чи, о, шаҳри Херсон...
Буйруқ Плиевдан, шимолга бу чоқ
Йўл очмоғи керак
разведэскадрон.

Қани, эҳ, у кунлар?

Жабдуғлар мўғор...

Уззукун отишма — кўзлар қовжирар!
Иккинчи ҳафта ҳам ҳадемай тугар,
Йил — минг тўққиз юз қирқ тўрт. Баҳор.
Баҳор...

Куртаклар етилган, тигиз...

Кўзга чалинади кўкламиш майса.
Яшиллик қўйнида чақнаган юлдуз,
Оролга ўхшамиш булутлар — пода.

Ботқоқ йўл Днестрга туташиб кетган,
Ногоҳ от чоптириш,

дупур-дупур, ҳай...

Борми пиёда бир, муродга етган
Оти ўлган бўлса жанггоҳда, ҳай-ҳай.
...Жам қилар Плиев генералларни,
Похол том остида ёзар харита:
— Аскарни асрамоқ керак,
уларни

Одессага отилмоқ учун
қайтадан-қайта.

Тергамоқ керак, ҳа, ҳар дона ўқни
Ҳам жанговар ҳолатни — бори-борича...
«Эҳтимол,— сўйлайди,— ёзги қуруқни
Лозиммасдир кутмоқ биз учун унча...»

Чунки танклар билан ўтмоқлик маҳол,
Наинки йўлларнинг бари балчиқ, лой,
Одесса осмонида мотамсаро ҳол,
Ҳар ерда пистирма, тўсиқ ҳойнаҳой.

Яшнаган яшиннинг гурроси ҳамон
Ҳамда ёришганда осмон гумбази,
Пиёда ҳужумга отланган замон
Қуюндек ташлаймиз суворийларни.

Плиев кўзида важоҳат,
тундлик;
Сукутда тураркан бирон дақиқа
Генераллардан сўрар:
— Гап борми, айтгулик?
Тайёرمىсиз барингиз отни сурмоққа?!

Шу дамда ёнбошда, қоронғиликда
Гвардиячилар шивирлаб қўйдилар аста:
«Эҳ, менинг тулпорим, шунқорларга хос,
Учқурсану, бугун унчалик эмас...»

Яшил мушак учди бирдан кўк томон,
Унга пешвоз чиқди бир юлдуз ногоҳ...
Ўкраб қақшамоқда заминун замон,
Лой ҳам ўқ довули сачрар баногоҳ.

II

Эскадронда Чекурда катта доврӯғ соларди;
Разведкачи бир ўзи шаҳарларни оларни.
Бўйи ҳам пастаккина,
важоҳатли аслида,
Ман-ман деган фашист ҳам ундан доғда қоларди.

Ҳисоб илмида жумбоқ келса агар кўндаланг,
Ўйламасдан бир зумда қилар эди ҳолин танг.
Зўр эди, чуқур-чуқур нафасин ютарди-ку,
Разведкада илондай ҳар ғовдан ўтарди у.

Овга чиққандами, ҳа, немисни чўчитмасди,—
Тутқунига ҳеч қачон кўрсатмай баланд-пастни
Бошларди биз томонга, асабий бўлса агар,
Оғзига тикмоқликка боп латта эди тайёр.
Кучдан қолса тутқун ногоҳ ўру йўлкада,
Чекурдага ҳеч гап эмас, олар елкага.
Шундай бўлар, ҳушидан ҳам кетару гоҳо
Ё оғзидаги латтасин ютса мабодо,
Айбдор эмас Чекурда бундаин пайтда,
Ортиқча юк, не ҳам қилсин, қолар албатта!
Ҳар дақиқа Чекурдага дўст эди тайин,
Саман тойи, чўлда ёнган нақ гулхандаин;
Сағрисига ажабтовур тамға босилган,
Қашқаси-чи, гўё кукун кумуш сочилган.
Хўп ақлли от эди у, турмас эди тек,
Уни шундай атардилар: Абрек.

Гармселда жилоланган тошдайин шаффоф
У сальский қирларида қилдию хитоб,
Эгар-жабдуқ нималигин билмайин фақат
Икки йилки, маза қилиб юролди у салт.

Йўқ, бир куни эрта тонгда мўйсафид қозоқ,
Сув ичаркан, кутмаганда ташлади сиртмоқ.
Дарё тўлиб оқар эди, бир ён шаршара,
Унинг яйдоқ тўлқинлари тортарди наъра.
Бирданига у сесканди, қандайин савдо,
Чолнинг оппоқ соқоллари кўринди бало.
Учиб кетмоқ бўлди чоғи, сапчиди тўриқ,
Энди бу дам той оғзида турарди сўлиқ.
Қутулмоқ-чун мўйсафиддан уринди, бироқ
Аччиқ кишнаб ёнбошига ташланди шу чоқ.

О, бунчалар кенг тортмаса қадрдон саҳро,
Кўкдан тушган қора булут қоплаган гўё;
Югуради, туёғидан ўт чақнар шу дам,
Кун тиғидан куйгандайин квяр бурган ҳам.
Асов Абрек, бедов Абрек кўпирган, ташна,
Бўлиб қолди кун ботганда мутлақо бошқа.

Шундай қилиб учрашдилар Чекурда билан,
Бир-биридан айрилмасди улар ҳеч қачон.
Не деганда саман тойин севар эди у,
Қашиларди, ем берарди, ювар эди у...
Тушунарди бир-бирини, бегонайди кек,
Донгдор аскар, Донда ўсган саҳройи Абрек.

Чекурдага юриш пайти кўп эди оғир:
От дегани сувда сузмас, балиқмас ахир!
Йўлда сули топилмайди, топилмас арпа —
Кўзларида мунг кўради, оти қараса.
Қолаверса, уни ўқдан сақламоқ керак,
Сомон, похол бостирмалар бўлолмас тиргак.

Хабар бўлди: Чекурдани Плиев чорлар;
Айтдиларки, олчазорда кутиб ўлтирар.
Қайрағочнинг куртакларин лабида оташ,
Олчаларнинг ғўралари маржон, қонталаш.

— Чекурда, Одессага йўл оламиз.
 — Одессани оламизми?
 — Ҳа, оламиз.
 — Олиш бўлса — оламиз...
 Лек, йўлда кўп хатар;
 Жонни бежон қилмоққа шай ўлим гови бор.
 Биронтасин қочмоқликка —
 йўл қўймаслик шарт.
 Нимаики зарур бўлса бўлсин бари тахт.
 Бу бир юриш, тез ўтилар ҳатто елдан ҳам.
 Қани, кимнинг отлари бардам?
 — Резведканинг,— жавоб қилди Чекурда.
 — Хўш, вазифа аниқми?
 — Умуман, ҳа...
 — Асосий ҳужум — ёриб ўтиш демак.
 — Ҳар қалай, тўрт йил... Тушунсам керак...
 — Момогулдиракдек бўлингиз тайёр,
 Сиз учун «тишда асраганим» бор.
 Отларни тўйдиринг емга, хашакка,
 Йигитлар келсинлар жанговар ҳолатга.
 Тўпу тўпхоналар ортда мададкор...
 — Тушунаман... Тўрт йиллик хизматим бор,—
 Чегуда хотиржам сўйлайди.—
 Буйруққа киришмоқ қайси маҳали?
 Ёки бирон буйруқ бўларми тайин?
 — Ҳужум,— соатни тўғриланг,—
 бир соатдан кейин.
 Плиев соатига яна қараб қўяр...
 Қаердадир бетинч дарё ҳайқирар.
 ...Одесса саҳросида қуюн бетийиқ.
 Лой ҳам ўқ довули, сакрар баногоҳ.
 Учмиш юлдузларнинг киприги қийиқ,
 Чекурда эскадрон олдида огоҳ.

...Кошки биринчи йил бўлса, қанча йил ўтар,
 О, Чекурдани Мария Кубанда кутар.

Нақ токнинг новдасидайн хипчагина у,
Кўзлари-чи, мовий-мовий — асов бир оҳу.

Билмай бўлармиди, ёри кутар хору хас,
Ҳам биледи Чекурдани севмоқ осонмас,
Улим билан ёнма-ёндир Чекурда ҳар дам,
Мариянинг ишқи унга берадир ором.
Ҳа, ҳа, елкасида жамалакдек илашиб,
Ҳаёт, муҳаббат-ла ажал юрар беллашиб...

Одесса саҳроси гўё бепаноҳ,
Лой ҳам ўқ довули, сачрар баногоҳ.
Чекурда қўшин-ла от суриб борар,
Унинг папоғида юлдуз чарақлар.

III

Плиев не-не дарёлардан кечмадийкан, а?
Совуқ саҳрою қоялардан ошмадийкан, а?
Хаёлда жамлаб, эслаб бўларми уларни?
Заминдан забонин тинглаб... бўларми, уларни?
Қон кечиб, икки газлик макон топдилар, эй воҳ,
Икки газ еру кўкнинг ўлчови, пуштипаноҳ.
Минг тўққиз юз қирқ беш...

Шу жойга жо-бажодир —

Хинган озодкорлари шундадир, илтижодир,
Ҳам отнинг болғаси, пичоғи самурайлар,
Қуёшдан четки доғлар, ваболар.
Ҳар дам генерални эслайман, Днестрда —
Бошида қора папоғ, гулхан ёнида.
Осетинча туташ қора қош.
Минг тўққиз юз қирқ бир...

Эслайман яккаш.

Плиев отда — доимий ҳамроҳ,
Тўлқинларда кўраман сиймосини гоҳ.

Одесса бўлса,
байрам мушакларидан чароғон,
Опера театрида куйланар замон.
Унда Чайковский садолари, Массне садолари,
Мен учун гўё тушдай ўтмиш хотиралари,
Минг тўққиз юз қирқ бир...
Едимда тикланар қайта...

Шаҳардан Плиев қўшини ўтмоқда.
Куй чалиб борар отда бурғичи,
Бурғисида унинг нурлар ташвиши.
Ҳар қалай, пливчилар ўшанда,
Шаҳарни бир йилча сақлаб турганди.

Ҳар қалай, шаҳар тикланди қайта,
Унда Пушкин шараф супасида.
Денгизга исёнкорона боққанди олиб тин,
Бундан юз элик йил бурун.

Опера театрида буткул куйлар янграсин!
Пионерлар саломи жарангласин!

Унутмайди одамлар ҳеч қачон
Саҳрода, унда чекурдачилар беомон,
Саҳрода, ўшанда днестрлик украин йигитлар
Қиличлар тиғида тонгларни тутдилар!

Эслайман... Плиев отда —
Папоғи қалқиб борар тўлқинлар қанотида!

1975 — 1976

ПЪЕСА

МАШАҚҚАТЛИ ЙУЛ

Икки қисмдан иборат драма

ИШТИРОҚ ЭТУВЧИЛАР

Анна Степановна Хохлова
Николай Хохлов
Наташа Хохлова
Марина
Вьетнамлик она
Тьен
Минь
Чань
Чарльз Брайен
Элизабет Брайен
Роберт Брайен
Дэвид Брайен
Жон Робинсон
Хироси
Юка
Токудо
Исиката
Япон полициячиси
Вьетнам жангчилари
Қизлар хори
Совет йигит-қизлари.

Йигит маъшуқасини озод этмоқчи бўлади, аммо Қорраажда уни олиб кетади. Буларнинг ҳаммаси пантомима рақс тарзида ифода этилади.

Й и г и т

Орамизга солдилар фироқ,
Севгимизни бермаймиз бироқ.
Васлинг учун жондан кечаман,
Ишқимизни кўмолмас тупроқ!
Тоғу тошни кемирар шамол,
Дарёларда қуриб қолар сув,
Севги эса билмайди завол,
Унинг умри абадий, мангу.
Мавжуд экан коинот, жаҳон,
Севги унда боқий ҳар қачон!

О н а пайдо бўлади. У йигитга мурожаат қилади.

О н а

Замин қонга ботди! Чекамиз фиғон!
Замин ўртанмоқда! Дилимиз нолон!
Ҳаммаёқ хароба, мудҳиш вайрона,
Ер юзин кул босди мисоли тўфон!
Ҳаммаёқ хароба, ўйнар гирдибод,
Қишлоқлар теп-текис, ер чекар фарёд,
Ўғлим, жигарбандим, отлангил жангга,
Ғолиб юришингда халқ берсин имдод!
Бахш эт бизга ҳаёт, бахш эт бизга бахт,
Бахш эт бизга қуёш, бахш эт бошпана,
Қайнасин, жўш урсин дилингдаги аҳд,
Ғалаба қўшигинг янграсин яна!

Й и г и т

Чангалзорда эсган, эй, ўтли шамол,
Даъват эт бизларни кураш, жанг сари!

Дилларға ғулув сёл, чарх уриб қўзғол,
Бошла ғалабага, бошла илгари!

☞ Ш а м о л пайдо булади. Шамол билан йигитнинг пантомима рақси. Қоронғилик. Булутлар сузади.. Саҳна олдининг икки томонида Р о б е р т ва Н а т а ш а турибдилар. Ўироқдан қизлар хори акс-са; одек эшитилади.

Х о р

Севги боқийдир
денгиз, уммондан,
Мангудир баридан
не кўрмиш жаҳон,
Абадий тоғу тош,
дала, ўрмондан,
Севги завол билмас,
мангу ҳар қачон!

Н а т а ш а. Жим! Жим!.. Эшитяпсизми? Ўт-ўланлар ўсяпти... Қайинларнинг япроқлари шитирляпти...

Р о б е р т. Осмонда юлдузлар сузяпти... Дарёлар қуёшда товланяпти...

Н а т а ш а. Болалар чақчақлашишяпти.

Р о б е р т. Ҳаёт... Океан ҳам... Чегара ҳам йўқ... Ҳаммаёқда ҳаёт.

Н а т а ш а (*унга бурилади*). Шундаймикан, а? Шундаймикан?

Музика. Қоронғи осмонда кумуш Қуёш. Мотор гулдурайди. Мотор ҳайқириғи орасидан қ ў ш и қ эшитилади:

О, капитан! Довуларни қилмадик писанд,
Ўлжа олдик, бўронлардан биз келдик баланд.
Соҳил кутар, халқ безовта, янграмоқда жом,
Евқур кеманг нигоҳларни жазб этмиш тамом.

Қоронғи осмонда бомбардимончи самолёт чарх уради... Экраннын учувчи шлёмидаги икки калла қоплаган. Булар Робертнинг акаси—Д э в и д билан у қ ч и. Мотор ҳайқиради... Қизил ёлқинлар...

Дэвид (ларингофонларга қичқиради). Бос! Яна!
Яна! Бос!

Уқчи. Иккита ташладик!

Дэвид. Бос! Тағин бос!

Уқчи. Ҳаммаёқ ўт олиб кетди... Ахир бу осойишта
қишлоқ-ку, Дэвид...

Дэвид. Ташла!

Уқчи. Басдир, дейман, Дэвид?!

Дэвид. Овозингни ўчир!

Уқчи. Ҳаммаёқ ёняпти... У ерда оналар бордир...
Хотин-халаж...

Дэвид. Улар билан менинг нима ишим бор? Буй-
руқни бажар! Бизнинг ишимиз буйруқни бажариш!
Оналар эмиш... Улар билан менинг нима ишим бор?!

Шуёла ёруғида Роберт билан Дэвиднинг онаси миссис
Брайен кўрнади.

Миссис Брайен. Мен ҳам онаман, Дэвид...

Дэвид. Ойи!

Миссис Брайен. Мен ҳам онаман, Дэвид... Шу
туфайли сенинг бировларнинг оналарини ўлдиришингни
истамайман.

Дэвид. Мен солдатман, ойи. Мен буйруқни адо
этяпман.

Миссис Брайен. Уғлим, мен сенинг одам ўл-
диришингни истамайман...

Дэвид. Бу зарур, ойи.

Миссис Брайен. Нима учун зарур, нима учун?

Дэвид. Билмадим. Бу зарур экан! Менга шундай
дейишди. Шундай қилиш зарур экан. Буни суриштириб
ўтириш менинг ишим эмас.

Миссис Брайен. Мен сени азоб-уқубатлар билан
туққанман. Ҳар бир она, одамларга ҳаёт бахш этсин,
деб бола туғади, сен бўлсанг ажал ташийсан. Мен буни
истамайман, Дэвид! (Қоронғида ғойиб бўлади.)

Самолёт гулдуроти, қизғиш ёлқинлар кўринади. Онанинг: „Мен буни истамайман, Дэвид!“ деган овози эшитилади. Мотор увлайди.

У қ ч и. Биз ёниямиз! Бизни ўққа тутишди!
Д э в и д. Қолган-қутганини ҳам ташла! Ерга қўна-
миз:

Мотор увлайди... Музыка...
Саҳна олдида яна Р о б е р т билан Н а т а ш а.

Н а т а ш а. Шундаймикан? Шундаймикан?

Улар бир-бирларига қараб юрадилар. Уларнинг қаршисида оқ дастурхон ёзилган стол. Стол атрофида Николайнинг онаси Х о х л о в а, М а р и н а, Т ъ е н в а М и н ь ўтирибдилар. Ҳаммаларининг қўлларида қадаҳ, Р о б е р т билан Н а т а ш а ҳам қадаҳ оладилар.

М и н ь (қадаҳ кўтаради). Ҳамма оналар учун! Фарзандларидан жудо бўлишни истамаган барча оналар учун! Сиз учун ҳам, Анна Степановна! Муҳаббат учун! Қайлиқларимиз учун... Уларнинг бизни қучувчи латиф қўллари учун... Уларнинг милтиқларни дадил тутувчи қўллари учун... Сизнинг халқингиз учун... Меҳр-оқибатингиз учун... Меҳрингиз учун, нафратингиз учун ҳам, чунки севишни билган киши нафратланишни ҳам билади. Севишига, яшашига ҳалал берувчилардан нафратланишни билади...

О н а. Сизларда уруш давом этаётганлиги қандай даҳшат. Одамлар бир-бирларини ўлдираётганлиги — даҳшат. Илоҳим, тезроқ ғалаба қозонинглар. Ер юзида ғалаба тантана қилсин, ҳеч қаерда ноҳақ қон тўкилмасин. Бас, етар!

Р о б е р т. Мен ҳам шунинг учун ичаман! Мен ҳам сизларга ўхшаб Москвага келганман. Мен ҳам шу ерда ўқийман, мен Москва Давлат университетининг аспирантман. Мен ҳам урушни истамайман. Лекин, афсуски, мен ожизман. Қўлимдан ҳеч нарса келмайди. Улар бизнинг йигитларни ўша ёққа жўнатмоқдалар. Ёш-ёш йигитларни! Уларни одам ўлдиргани жўнатмоқдалар. Ҳалок бўлгани жўнатмоқдалар. Дэвидни ҳам жўнат-

дилар. Дэвид — менинг акам. Бормай иложи қанча? Иложи қанча? Зўрлаб жўнатдилар — вассалом. Ҳозир у ўша ёқда. Улар ҳаммани жўнатмоқдалар....

Николай. «Улар» деганингиз ким?

Сукут.

Наташа. Сизларга айтиш эсимдан чиқибди. Роберт Америкадан келган.

Марина. Нима-нима?

Наташа. Шундай.

Роберт. Мен ўқишга келганман... Аспирантурада ўқишга.

Сукут.

Наташа. Ҳа, Роберт — америкалик...

Она. Хўш, нима бўпти?

Николай. Шошманг, онажон. (Робертга.) Демак, акангиз Вьетнамда жанг қилаётган экан-да?

Роберт. У учувчи эди. Хоҳламаса ҳам, мажбуран...

Сукут. Тьен билан Минь стаканларини қўйиб ўринларидан турадилар.

Тьен. Бизни кечиринг, биз кетишимиз керак.

Она. Нима гап ўзи? Нега дарров кетадиган бўлиб қолдинглар?

Минь. Кетмасак бўлмайди.

Тьен. Раҳмат сенга. Николайнинг онаси билан танишганимиздан ғоят хурсандмиз.

Она. Кўнгилларингизни ололмаган бўлсам, айбга буюрмайсизлар-да.

Николай. Ойи...

Минь. Раҳмат.

Тьен. Биз сизни ёдимиздан чиқармаймиз.

Николай. Мен кузатиб қўяй.

Улар кетадилар. Ҳамма жим.

Она. Қетиб қолишди... Хунук иш бўлди-да...

Роберт. Тушуниб турибман... Ҳаммасини тушуниб турибман... Мен туфайли...

Она. Йўғ-э, нима деяпсан, ўргилай...

Роберт. Ҳа, мен туфайли! Улар учун мен душманман. Бу даҳшатли нарса, бундан кўз юмиб бўлмайди.

Наташа. Айб менда. Мени кечиринг, Роберт.

Роберт. Бу даҳшат! Ўзингиз биласиз-ку, Наташа!

Наташа. Ҳаммасини биламан.

Роберт. Мен улар учун душманман. Балки улар ҳақдирлар. Лекин мен одам ўлдиришни истамайман...

Наташа (оҳиста). Аммо бунинг ўзи камлик қилади, Роберт.

Роберт. Эҳтимол шундайдир... Бунинг ўзи камлик қилар. Лекин мен нима қила олишим мумкин? Нима қила олишим мумкин?

Хохлова. Юртингда яшашинг машаққатли бўлса керак, ўғлим. Бу... вьетнамлик йигитларни кечир... Одам ўлдиришни улар эмас, сизлар бошладингизлар-ку, ахир...

Марина қўққисдан йиғлаб юборади, Наташа унинг олдига югуриб келади.

Наташа. Нима бўлди?

Она. Нега йиғлайсан, Марина?

Марина. Мен бунга чидай олмайман..

Наташа. Нима гап?

Марина. Николай... эртага эрталаб...

Она. Нима-нима?

Марина. Чидай олмайман... Улар билан... ўша ёққа жўнаб кетади...

Наташа (паузадан сўнг). Вьетнамгами?

Марина. Ҳа...

Николай киради. Онаси аста-секин унинг олдига боради. Саҳна қоп-қоронғи. Прожектор шуъласида икки киши—она билан ўғил турибди. Улар сукут сақламоқдалар.

Она. Кетяпсанми?

Николай. Кетяпман, ойижон.

Она. Сен ҳамми?

Николай. Бу зарур, ойи.

Она. Биладан.

Пауза.

Николай. Ҳаммаси жойида, ойижон. Тез орада қайтиб келаман. Диққат бўлманг.

Она. Қирқ биринчи йилда отанг ҳам кетаётганида: «Диққат бўлма!» деган эди.

Николай. Қўйинг, ойижон.

Она. Қирқ учинчи йилда қорахат келиб текканидан кейин бобонг ҳам жўнади. У ҳам кўп эмас, бир йилгина жанг қилди. Беҳуда жон фидо қилишмаган шекилли...

Николай. Шундай...

Она. Бошқалар тинч яшасин, дейишган-да... Мана энди сен кетяпсан...

Николай. Ахир мен урушга кетаётганим йўқ-ку, ойижон.

Она. Урушга кетяпсан, ўғлим, урушга. Хўп, майли, шундай бўлиши керак. Бор!

Николай. Раҳмат, ойижон. Жуда эсли одамсиз-да.

Она. Учинчи кишимни жўнатяпман. Зарур экан — бор. Бор.

Николай онасини қучоқлаб, сўнг йўлга тушади. Онаси эса ўрнидан қўзғала олмай туриб қолади. Мана, самалётларнинг ҳайқириги тобора кучайиб кетмоқда. Она эса ҳамон ўрнида турибди.

Яна кўз унги мизда ўша бамбукзордаги сарғиш майдонча. Самолётнинг гулдураси йироқлашиб бормоқда. Спектакль давом этмоқда.

Х о р

Дард,

алам,

ташвишлар

лабиринтида

Ҳаёт говларини
йиқиб
борамиз.
Фитна, хуруж билан
ёв кўп
интилди,
Лекин буза олмас
бизнинг
орамиз.

Й и г и т чўққи томон чиқиб бормоқда... Мана, у дарёдан сузиб
утмоқда... Ботқоққа ботмоқда... Чакалакзорлардан утиб келмоқда, У
м а ъ ш у қ а с и н и ахтаради. Буларнинг ҳаммаси пантомима рақсида
ифода этилади. Булар давом этар экан, қ и з л а р х о р и куйлайди

Х о р.

Аммо миллионлаб
йигит билан қиз,
Жон ҳовучлаб яшар,
ҳаётга чанқоқ.
Кўплари маҳв бўлмиш,
йўқолмиш бенз,
Дилларида кетмиш
армон, иштиёқ.
Мушкул лабиринтдан чиқаркан қандай
Ана шундайлардан
баъзи бирлари?
Чиқсинми эмаклаб-элаврагандай,
Рингда қон қақшаган
боксёр сингари?
Ҳаёт ғоят тотли!
Ҳаёт лаззатли!

Яна самолёт гулдуриси кучаяди. Шуъла ўчиб, яна ёнади.
Б р а й е н билан Р о б е р т турибди.

Сукут.

Б р а й е н. Бундан бу ёғига нима иш қилмоқчисан,
Роберт?

Роберт. Аввалги ишимни давом эттираман.

Брайен. Ҳамма нарсдан кўз юмиб-а?

Роберт. Ҳаёт ўз йўриғида давом этапти.

Брайен. Сен Москвага қайтиб бормоқчимисан?

Роберт. Мен атайлаб рус тилини ўргандим... Барибир аспирантурани тамомлашим керак.

Брайен. Мен сенинг Москвага боришингга ҳамиша қарши эдим...

Роберт. Ҳозир бу тўғрида гапиришнинг кераги йўқ.

Брайен. Йўқ, гапириш керак. Мен ҳамиша қарши бўлиб келган эдим... Наҳотки, энди ҳам ҳеч нарса тушунмаган бўлсанг, Роберт?

Роберт. Нимани тушунишим керак, отажон?

Брайен. Сен ҳали ҳам ҳеч нарса тушунмабсан.

Роберт. Нимани тушунишим керак эди?

Брайен. Дэвнинг самолёти тилка-пора бўлди... Ўзи ёниб кетди... Ёниб кетди! Самолёт тилка-тилка бўлди! Сен шуни биласанми?

Роберт. Ҳа... Биладан.

Брайен. Тилка-тилка... Сабабини биласанми? Самолётга ракета теккан... Нишонга ўзи бориб тегадиган, ўз-ўзини бошқарадиган ракета.

Роберт. Бўлса бордир.

Брайен. Йўқ, худди шундай. Шундай!

Роберт. Буни ким билар экан?

Брайен. Лекин мен бир нарсани аниқ биладан — Дэвни ўлдирган қурол Москвада ясалган.

Роберт. Бўлса бордир... Нима бўпти, улар қуролсизларга қурол юборишгандир. Ўз юртини қўриқлаётган одамларга...

Брайен. Мен сенинг гапингни эшитишни хоҳламайман.

Роберт. Бу гапни ўзинг бошладинг. Мен сенга шу нарсани айтишим керакки, Дэв ўша самолётда учмаслиги керак эди... Дэв бегона бир осмондан учиб юрмаслиги керак эди.

Брайен. Нималар деяпсан, Роберт? Бу сенинг ишинг эмас.

Роберт. Йўқ, менинг ишим. Менинг ишим! Мени ўлдиришар экан, мен ўзим ҳам бегуноҳ одамларни ўлдирар эканман, бу менинг ишим. Бинобарин, мен ўлдиришни ҳам, ўлишни ҳам истамайман. Истамайман!

Брайен. Ахир сен америкаликсан-ку!

Роберт. Мен америкаликман. Ҳамиша америкалик бўлиб қоламан.

Брайен. Бу Америка учун зарур. Агар америкалик бўлсанг, буни тушунишинг керак.

Роберт. Америка учун зарур?! Қайси Америка учун зарур? Қайси Америка учун? Бегона юртга жўнатилиб, «Ўлдир!» деб буйруқ оладиган йигитлар учунми? Нега? Нима учун? Дунёнинг у чеккасидаги одамлар бизга нима ёмонлик қилишган? Кимлардир бойисин, деб биз уларнинг қишлоқларини напалм билан ёндирамиз... Кимлардир бойисин, деб уларнинг қишлоқларига бомба ёғдирамиз... Кимлардир бойисин, деб чоллар, хотинлар, болаларни автоматдан ўққа тутамиз... Кимлардир бойисин, деб биз осмонда ўт олиб, ичак-чавағимиз ағдарилиб ерга қулаймиз...

Брайен. Икки йил Москвада яшаб, америкалик эканлигингни унутиб қўйибсан.

Роберт. Дэвнинг ўлими кўзингни очар, деб ўйлаган эдим, отажон.

Брайен. Жим! Эсингни еб қўйибсан!

Роберт. Демак, бутун дунё эсини ебди!

Брайен. Эсингни йўқотиб қўйибсан!

Роберт. Демак, бутун дунё эсини йўқотиб қўйибди! Елғиз менгина шундай ўйлар эканманми? Сен Оқ уй олдидаги намоёишларни ҳам Москванинг таъсири, деб атасанг керак? Париж, Лондон, Копенгаген, Деҳлидаги элчихоналаримиз олдида бўлаётган намоёишларни ҳам Москвадан кўрсанг керак. Қўйларнинг кушхонага кетаётганини ҳеч кўрганмисан? Уларни серка бошлаб боради.

Серка торгина эшикдан кириб кетади, қўйлар бўлса бир-бирларини ура-йиқа, босиб-янчиб серканинг орқасидан эргашади. Серка бир чеккага чиқиб туради, қўйлар бўлса ёпирилиб кираверади, кейин қон-қора қақшаб саллоҳнинг оёғи тагида биттама-битта йиқилаверади... Тирик қолган серка янгидан-янги қўйларни кушхонага эргаштириб келади... Мен қўй бўлишни хоҳламайман. Хоҳламайман, чунки мен инсонман!

Брайен. Аммо инсон қўйдан шуниси билан фарқ қиладики, унинг зиммасида бурч ҳам бор...

Роберт, Бурчи бор? Кимнинг олдида бурчи бор?

Брайен. Ақалли, Ватани олдида!

Роберт. Ҳа. Борди-ю, менинг Ватанимга кимдир таҳдид қилса — мен ўй суриб ўтирмасдим, қўлимга қурол олган бўлардим. Аммо унга ҳеч ким таҳдид қилаётгани йўқ.

Брайен. Таҳдид қилаётгани йўқ?! Сен бунга жуда аминмисан?

Роберт. Аминман! Афсуски, сен буни тушунмайсан... Америка — ёлғизгина Оқ уй, пентагону бир гала корчалонлардан иборат эмас... Буни тушунсанг-чи ахир... (Сукут.) Минг лаънат бу урушга! Бизни ўша ёққа жўнатаётганларга ҳам минг лаънат!

Брайен. Сен ҳали Вьетнам осмонида куйиб кул бўлган акангнинг тобути устида туриб, шундай деяпсанми?

Роберт. Ҳа, мен бу гапларни шу ерда туриб, севимли акамнинг тобути устида туриб гапиряпманки, у ёш жонидан беҳуда жудо бўлиб, онасининг, хотинининг, менинг, ишонгим келадики, сенинг ҳам — ҳаммамизнинг бошимизга оғир мусибат солиб кетди.

Сукут

Брайен (Робертга оҳиста чақирув қоғози узатади). Сени армияга чақиритибди.

Роберт. Мени-я?!

Оҳиста хор бошланади. Брайен ғойиб бўлади. Қоронғиликдан аста-секин миссис Брайен чиқиб келади. У Робертнинг олдига келиб, креслога ўтиради. Роберт дарҳол чақирув қоғозини яширади.

Хор тобора баланд янграйди.

Хор

Ҳаёт ғоят тотли!

Ҳаёт лаззатли!

Қуёш шуъласидан

ёрқин, нурафшон!

Хатарли,

шиддатли

ва машаққатли,

Ранго-ранг, анвойи,

адл, беомон...

Роберт (оҳиста). Ойи...

Онаси индамайди.

Гапимни эшитяпсанми, ойи? (Сукут.) Нега индамайсан?
(Сукут.) Нега ҳеч гапирмайсан, ойижон?

Миссис Брайен. У туғилганида сутим қочиб кетган эди...

Роберт. Ойи...

Миссис Брайен. Энага ёллашга тўғри келган эди...

Роберт. Ойи...

Миссис Брайен. Узим қўлимга олсам дарров ухлаб қоларди... Илиқ-иссиққина бўларди... Қўл-оёқлари жажжигина эди... Дўмбиллаб, чопқиллаб юрарди... Ҳаммадан тез чопиб юрарди... Қўл-оёқлари-чи, жажжигина... Жажжигина... Бир вақт зотилжам бўлиб, гўр оғзидан қайтди... Гўр оғзидан қайтди...

Роберт. Ойи!

Миссис Брайен. Икки кечаю кундуз мижжа қоқмай бошида ўтирдим. Алангаи оташ бўлиб ёнди.

(Сукут.) Хонасининг деворида боксёр қўлқопи осилиб турибди... Деворга миҳ қоқиб, осиб қўйган эди... Ушанда лўмбоздек сувоқ кўчиб тушган... Эшкаклари-чи... Эшкакларини ҳам қўлқопларининг ёнига осиб қўйган... Қайиғи эсингдами?

Роберт. Нега эсимда бўлмасин...

Миссис Брайен. Қайиғи чўкиб кетди. Дэв орамизда йўқ... Эшкаклари бўлса қолди... Хочга ўхшаб турибди... Хочга ўхшаб... Уларни ўзи деворга шундай тахтакачлаб қоқиб қўйган эди.

Роберт. Қўй, ойижон...

Миссис Брайен. Хочга ўхшайди... Ўзидан бўлса, ном-нишон ҳам қолмади. Ҳатто хоки ҳам йўқ. Нимасини кўмамиз, Роберт?

Роберт. Сендан ўтинаман...

Миссис Брайен. Ҳатто хоки ҳам йўқ... У ёниб кетди... Ақалли хоки ҳам йўқ... Бегона юрт осмонида кули кўкка соврилди... Бамисоли фариштадек... Биз уни қандай қилиб кўмамиз? (Сукут.) Роберт!

Роберт. Мен ёнингдаман, ойижон!

Миссис Брайен. Ёнимдамсан? Ҳамиша ёнимда бўласанми?

Роберт индамайди.

Роберт!

Роберт. Ҳа, ойижон...

Миссис Брайен. Дэв бўлса йўқ... Дэв орамизда йўқ.

Роберт. Бўшашма, дадил бўл... Ҳаёт ўз йўриғида давом этади...

Миссис Брайен. Ҳа... Дэв орамизда йўқ, ҳаёт бўлса давом этипти... Мен бундай яшашни истамайман! Истамайман! Истамайман!

Роберт. Ойижон!

Миссис Брайен. Бундай яшашни истамайман... жонимга тегди... (Йиғлайди.)

Роберт. Майли, йиғла, ойижон, тўйиб-тўйиб йиғла... (Юзини қўллари билан яшириб, жуда секин гапиреди.) Дэв... Дэв!

Чироқ ўчади. Қоронғиликда банжо жўрлигида қўшиқ эшитила бошлайди. Аста-секин қўшиқ айтаётган Дэвид кўринади. У далвадалва булиб кетган комбинезон-ва йиртиқ шлёмда, юзи, қўллари куйган.

Дэвид .

О, капитан! Довулларни қилмадик писанд,
Улжа олдик, бўронлардан биз келдик баланд.
Соҳил кутар, халқ безовта, янграмоқда жом,
Евқур кеманг нигоҳларни жазб этмиш тамом.
Аммо қалбинг...

Кема саҳни бўлди қора қон,
Сен, капитан, кўксинг ушлаб йиқилганинг он.

Мен сени кўришга орзуманд эдим, Роберт!

Роберт. О, Дэв!! Сен қайтиб келдингми?

Дэвид. Сени кўргим келган эди... Узоқ дарагинг бўлмади... Учиб кетаётганимда сен уйда йўқ эдинг.

Роберт. Ҳа, мен йўқ эдим... Мен икки йилчадан бери йўқ эдим.

Дэвид. Мени кузатиб қўёлмаганингга жуда ачиндим... Биз роса чақчақлашдик... Шунча ичибмизки... Самолётдагина аранг ўзимга келибман...

Роберт. Ойим ёзган эди. У жуда қайғурибди.

Дэвид. Ойимиз ҳамиша қайғуради... Фёэлини ўзинг биласан-ку. Энди ўзгарармиди!

Роберт. Ҳа, феъл деган нарсани ўзгартириш қийин.

Дэвид. Фикрингга қўшиламан, жуда қийин... Аммо мен, биласанми, сени жуда соғинганман. Сабабини ўзим ҳам билмайман. Кетаётганингга хаёлимга ҳам келмаган экан... Йўқ, ўйлаганман... Ҳа, албатта, ўйлаганман... Қаёққа қараб кетди, деб ўйлаганман. Шу ерда ўқий

қолса бұлмас эканми, деганман. Шундай деб ұйлаганман. Кейин бу гаплар хаёлимдан кўтарилиб кетган.

Роберт. Нима хаёлингдан кўтарилиб кетган?

Дэвид. Ұйлаган нарсаларим... Сен қўққисдан кетиб қолганинда, сени жуда-жуда кўргим келди. Учрашганимиздан хурсандмисан?

Роберт. Ҳа, Дэв, ғоят хурсандман...

Дэвид. Биласанми, у ёқларда болалик кезларимизни эслаб юрдим... Болалик йилларимиз жуда қизиқ эди... Қайиғимиз тўнкарилиб кетгани эсингдами, а? Эсингдами? Мен сени сувдан олиб чиққан эдим. Эсингдами?

Роберт. Ҳа, Дэв... Эсимда.

Дэвид. У ерда шу нарсани ҳам ўйладимки, сен чўкиб кетсанг нима бўлар эди, а? Сен чўкиб кетсанг, ойим нима бўлар эди? Мен отамни ўйлаганим йўқ. У денгизчи, океан нималигини билади: ҳазил гап эмас. Нима дединг?

Роберт. Тўғри, Дэв.

Дэвид. Вақтнинг ўтишини қара... Илгарилари бўлса, сен менинг фикримга камдан-кам қўшилар эдинг... Сен сал бошқачароқ эдинг.

Роберт. Бе, нима деяпсан, Дэв...

Дэвид. Йўқ, гапнинг сирасини айтяпман, Боб. Дарҳақиқат шундай. Эсингдами, бокс тушганимизда чўзилтириб қўярдим? Сен бўлсанг, яхши рақиб эдинг, ойимга айтмасдинг. Сулайтириб қўйганимда оҳистагина ўрнингдан турардинг-да, гуноҳкорона илжайиб йўлингга равона бўлардинг. Бу сенинг энг яхши фазилатинг. Жаҳлинг чиқиб, муштлашиб кетмас эдинг.

Роберт. Муштлашишни ёқтирмасдим.

Дэвид. Таажжуб... Биздаги болаларнинг ҳаммаси уришқоқ эди, сен бўлсанг муштлашишни ёмон кўрардинг. Сен аллақандай бир кекса тентак шоирни яхши кўрардинг. Қаерда яшаганлиги ҳам эсимда йўқ.

Роберт. Уитменни айтяпсан, Дэв... У ўша вақтлардаёқ аллақачон дунёдан ўтган эди.

Дэвид. Буни қара, Боб, демак, у арзийдиган ода экан-да... аллақачон ўлиб кетган бўлса ҳам эслаб ютсанг?

Роберт. Унинг шеърлари ажойиб, Дэв. (*Уқийди.*)

«Шу вужуд туфайли, шуни деб фақат
Квинтильон асрлар айланди курра...
Шуни деб муттасил айланди пухта коинот...
Бош ичра бир жаҳон мия...
Кўринг, қизил, қора, оплоқ, анвойи қўл ва
оёқлар,

Томир, асаблари қандайин моҳир.
Ичига боқсангиз — яна фаройиб,
Унда қон жўшмоқда,
Уша кўҳна қон! Уша қизил қон!
Унда қалб тепмоқда —
Эҳтирос, тилаклар, иштиёқлар жам,
У манба зўр давлат, бой ўлкаларга,
Беҳисоб абадий умрлар билан
Уларнинг амали, қайғу-шодлиги —
Унда жамбаста...»

Дэвид. Шеър... Ҳа... Шеърни унча ёд ололмасдим. Бокс — бошқа гап. Жин урсин, қани энди, тагин қўлқопларимни кийсам, хумордан чиқсам... Сени энди бу хатарли ишга тортмас эдим, аммо ўзим жон-жон деб шуғулланардим... Уйни жуда соғиндим... Биласанми, ойимни ҳам... Негадир у юм-юм йиғлагани йиғлаган... Нима гап экан? Сен ундан бунинг сабабини сўраганинг йўқми?

Роберт. Сўраган эдим, Дэв. Сўраганман...

Дэвид. Нима дейди? Нега жавоб бермайсан, Боб! Хўп, майли. Ҳали улгураман... Сени жуда ҳам соғинганман... Сен билан биз илгари бир-биримизга бунақа меҳр-оқибат изҳор қилмас эканмиз. Сени қучоқлагим келяпти...

Роберт (*ўрнидан туриб*). Қучоқлай қол...

Дэвид. Йўқ, йўқ... Кейин... Сен билан ҳали кўри-
арман... Ҳа, Боб, менга айтишди, сен чақирув қоғози
ган эмишсан?

Роберт. Олдим... Олдим, Дэв...

Дэвид. Бор, бора қол... Жой бўшади.

Музыка. Дэвид оҳиста куйлай бошлайди. Қўшиқ тугай бориши
билан аста-секин ёруғлик ҳам йўқолади.

О, капитан! Бошингни кўтар! Шодланар қирғоқ,
Сени қутлар янгроқ бурғи, саноқсиз байроқ.
Даста гуллар кўтарган халқ сен томон оқар,
Барча кўзлар сенга томон завқ билан боқар.
Мен эсам-чи, сен бош қўйган кемани бўйлаб,
Ҳазин, хомуш кезмоқдаман, қисматинг ўйлаб...

Қўшиқ янграр экан, унга тобора кучаяётган самолёт гулдуриси
кўшилади. Қора либос кийган Онанинг тик қотган қомати кўриниб
туради. Бу—м и с с и с Б р а й е н. Мотор гулдуриси тобора янграброқ
эшитилади... Она қўлларини кукка чўзиб, иккинчи ўглини олиб қо-
лишга интилаётгандек қичқиради.

Бамбукзор. Тун шарпалари. Ғаров таналари орасидан аломат ой
ъласи тушиб туради. Бир-бирларини кучганча тик қолган ошиқ-
ъшшуқлар. Ана, улар бир-бирларидан ажраладилар... Жимлик ва
тун шарпалари.

Ч а н ь. Ҳаммаёқ жимжит...

М и н ь. Ҳа...

Ч а н ь. Ой нур сочмоқда...

М и н ь. Ҳа...

Ч а н ь. Уруш ҳам бўлмаётгандек...

М и н ь. Аммо уруш мавжуд... Ундан бош олиб кетол-
майсан...

Ч а н ь. Биладан. Мен сени севаман...

М и н ь. Мен ҳам сени севаман... Мен сени худди шу
ерни севганимдек, худди шу чангалзорни севганимдек,
худди шу ойни севганимдек севаман...

Ч а н ь. Ҳозир... уруш давом этиб турган бир пайтда...
севиш — машаққат. Мен сени севаман. (Улар бир-бир-
лариға қовушадилар.)

Саҳнанинг иккинчи томонидан шуъла ёруғида Роберт пайдо бўлади. У ҳарбий денгизчи кийимида. Саҳна олдидаги қарши томонда Наташа турибди.

Роберт (оҳиста). Сен мени кечир, Наташа... Шундай бўлиб қолди....

Наташа. Нега энди, Роберт, нега? Мен қўрқяпман...

Роберт. Биламан... Менинг бошқа иложим йўқ эди...

Наташа. Сен бунга қарши эдинг-ку, Роберт? Аканг ҳалок бўлди... Энди бўлса сен... Бу йўлдан қайт, эшитяпсанми?

Роберт. Мен қайтаман, Наташа, қайтиб келаман. Сени жуда ҳам севаман.

Наташа. Мен ҳам сени севаман. Мен истамайман... Истамайман...

Аста-секин қоронғилик чўкиб, Наташа билан Робертнинг қоралари зулматга сингиб кетади.

Чанъ. Мени ўп.

Минъ. Йўқ... Ярамайди... Ахир биз...

Хор

Комил ишончимиз,

боқийдир ҳаёт,

У мангулик билан

чамбарчас пайванд.

Ишқу муҳаббатдан воқиф ҳар бир зот,

Қуёшу шабнамдан доим баҳраманд.

Чанъ. Минъ...

Минъ. Қўйсанг-чи... Мен сени жуда севаман... Эрта яқинлашиб келмоқда... Эртага нима бўлади?

Чанъ. Уруш.

Х о р

Ҳар юрак мисоли кафтингда жодир,
Севги сайёранинг кифтида гўё.
Ҳар бири кулфатни енгмоққа қодир,
Истиқболда кутар шодлик ва зиё!

М и н ь. Мен сени жонимдан ортиқ севаман, Чань.

Ч а н ь. Биламан... Ҳис қилиб турибман... Мен ҳам. Атрофни сукунат чулғаса — мен ўйга толаман... Бу яхши-микан? Уруш кетаётган бўлса... Теварак-атрофда азоб-уқубат ҳукм сураётган бўлса, қон тўкилаётган бўлса, ажал ёғилаётган бўлса, одамлар ҳалок бўлаётган бўлса... Сен билан мен бир-биримизни севсак... Бу яхшимикан?

М и н ь. Буни мен ҳам ўйлаб кўрганман, Чань. Кўп ўйлаб кўрганман... Назаримда, бундай бўлмаслиги керакдай эди... Мен ўз-ўзимга таъкидлардимки, қалбингда нафратгина қолсин, Минь! Елғизгина нафрат! Қалбинг бир парча қизиган темирдек бўлсин... Севги қалбингни тарк этсин. Мен ташвишланиб қолдим... Агар севадиган бўлсам — яшагим келади... Яшагим келадими, ўлимдан қочаман... Ўлимдан қочдимми — қўрқоққа айланиб кетаман... Шундай деб ўйлаганим сари сенга бўлган муҳаббатим орта боради... Яшаш иштиёқим ҳам кучайди... Сени севмасдан туролмайман, Чань. Муҳаббат — бу ҳаёт.

Чакалакдан қ о р а ш а р п а чиқиб келади. Ч а н ь ўрнидан сапчиб туриб четланади.

М и н ь. Ким у?

Н и к о л а й. Мен...

М и н ь. Ўртоқ Николаймисиз?

Н и к о л а й. Ҳа... Кечирасизлар, мен кета қолай...

Ч а н ь. Йўқ! Илтимос қиламан, кетманг.

М и н ь (*таништиради*). Менинг қайлиғим — Чань.

Н и к о л а й. Николай.

Ч а н ь. Ҳа... Сизни бу ердагиларнинг ҳаммаси таний-
ди. Биз билан бирпас ўтиринг.

Улар ўтирадилар, Жимлик.

М и н ь. Уйқунгиз келмаяптими?

Н и к о л а й. Келмаяпти.

Ч а н ь. Бизнинг ҳам уйқумиз келмаяпти.

Н и к о л а й. Кўриб турибман.

Ч а н ь. Йўқ, кўнглингизга бошқа гап келмасин...

Н и к о л а й. Кўнглимга бошқа гап келаётгани йўқ.

М и н ь. Уртоқ Николай ҳамма гапни тушунади...
Унинг ҳам Москвада қайлиғи бор... Ўзи бўлса бу ерда.

Сукут.

Ч а н ь. Ҳадемай тонг отади...

М и н ь. Ҳа... Улар тонг отмагунча келмайди...

Ч а н ь. Келмайди.

Н и к о л а й. Мен сизни танидим, Чань... Сиз кеча
снаряд ташиган эдингиз. Шундайми?

Ч а н ь. Шундай. Чангалзорда менга ўхшаган қиз-
лар кўп. (Сукут.) Тонг отяпти...

М и н ь. Диққат бўляпсизми?

Н и к о л а й. Ҳа.

Ч а н ь. Тонг отяпти... Оппоқ тонг...

Н и к о л а й. Ҳаммаёқ жимжит...

Ч а н ь. Жимжит, дейсизми? Яхшилаб қулоқ солинг...
Ана... Чангалзорда ҳаёт қайнайди... Эшитяпсизми?

Н и к о л а й. Ҳеч нарса эшитаётганим йўқ...

Ч а н ь. Сабаби шуки, шаҳарда туғилгансиз. Мен учун
бу ердаги нарсаларнинг ҳаммаси қадрдон, синашта... Фа-
ров ҳам, пўпанак ҳам, чирмовуқлар ҳам, хазон ҳам...
Шитир-шитир шарпалар ҳам. Наҳотки, эшитмаётган бўл-
сангиз? Япроқлар шитирлашиб бир-бирлари билан ши-
вирлашишяпти... Она қалби тепаётгандек... Дук, дук,

дук... Она кўксига бошингни қўйсанг, юраги шундай уриб туради... Бир маромда, вазмин... Ана, қанотларини шитирлатганча бешиктерватар ўтиб кетди... У жуфтини қидириб юрибди... Тап-туп, тап-туп, тап-туп... Оҳу чопиб ўтди... Ростдан ҳеч нарса эшитмаяпсизми?

Н и к о л а й. Ҳеч нарса эшитаётганим йўқ... Сиздек эшитишни орзу қилардим...

М и н ь. У тоғдаги қишлоқда туғилган...

Н и к о л а й. У қишлоқ узоқми?

Ч а н ь. У ёқда... (Қўли билан ишора қилади.) У ёқда. Булут чулғаб ётган тоғда. Ўша тоғнинг чўққисиди... Бизда бир эртақ бор. Одам кўкка бўй чўзган тоғнинг олдига бориб: «Мен бу тоғнинг тепасига чиқишим керак, негаки, бу юртда ундан баланд тоғ йўқ», дейди. Чўққига чиқиб борганидан кейин бирдан кўраднки, яна ўнлаб, юзлаб, ундан ҳам баланд, кўз етмас чўққилар турибди. Тоғ чўққиларининг шабадаси унинг юрагида иштиёқ ўтини алангалатади, у: «Мен энг юксак чўққига чиқиб боришим керак», деб олға интилади.

Н и к о л а й. Жуда ҳикматли эртақ экан.

Ч а н ь. Ҳа... Бу эртақни бизнинг қишлоқда тўқишган... Аммо энди қишлоқдан ном-нишон йўқ... Унга битта бомба келиб тушди... Биттагина бомба...

Гўё унинг сўзларига жавобан қаерладир йироқдан учиб келаётган самолётларнинг гулдуриси эшитила бошлади. Н и к о л а й ва М и н ь ўринларидан сапчиб турадилар.

М и н ь. Қелишяпти... Қелишяпти, лаънатилар!

Команда янграйди. Ч а н ь билан М и н ь автоматларини олиб чакалакзорга кириб кетадилар. Н и к о л а й уларнинг орқасидан югуради.

Х о р

Ташвишда катта уй,
кичик кулба ҳам,

Ташвиш, ҳаяжон-ла
тўлмишдир жаҳон!
Ташвиш босиб келар
қадам-бақадам,
Ташвишда урушни кўрган ҳар инсон.
«Майли, ўтиб кетар», демайлик зинҳор.
Демайлик:
«Барибир келиб бўлмас бас».

Йўқ!
Кимда тинч ҳаёт иштиёқи бор,
Яшасин ва севсин,
олсин тинч нафас!

Самолётлар ҳайқириғи... Бомбаларнинг чинқириғи... Портлаш...
Қичқириқлар ва команда хитоблари... Яна портлаш... Ёнғин ёлқин-
лари. Бамбук ловиллаб ёнмоқда. Тарс-тарс ўқ товушлари...

Жанг музыкаси... Шуъла ёруғида *М а р и н а* н и н г юзи кўри-
нади.

М а р и н а (оҳиста). Коля... Сенга нима бўлди, Коля?

Чакалакзордан *Т ь е н* югуриб чиқади.

Т ь е н. Тезроқ... Хоҳлаган машинани олинглару...
иложи борича... яқин орадаги госпиталга етказинглар...
Улар омон қолишлари керак... Николай ҳам... Минь
ҳам... Улар омон қолишлари керак...

Куйиб қорайган кийимда *Ч а н ь* чиқиб келади. Автоматини
кўксига босганча аста-секин саҳна олдига қараб юради, унинг кўз-
лари номаълум нуқтага тикилган.

М а р и н а (оҳиста). Негадир юрагим ачишяпти...
Раҳмим келяпти, Коля... Сенга нима бўлди?

Ч а н ь (эшитилар-эшитилмас). Минь... Мингинам...
Минь...

Чангалзор ловиллаб ёнади.

ҲАЁТГА ҚАЙТИШ

Иккинчи қисм

Чангалзор. Сарғиш сайхонлик.

Х о р

Ҳаёт ғоят тотли!
 Ҳаёт лаззатли!
Қуёш шуъласидан
 ёрқин, нурафшон.
Хатарли,
 шиддатли
 га машаққатли.
Ранго-ранг,
 анвойи, адл,
 беомон.

Афсона спектакль давом этади. Қора ажлар ғорида қ и з азоб чекмоқда. У қушиқ айтади.

Қ и з

Майса узра ётар шабнам инжусимон,
Шуъладор ой балқиб боқар,
Етоғига қайтар экан кезиб осмон,
Қалбим эшигини қоқар.

Й и г и т мажолсиз ётибли. Мана, у аранг ўридан бош кутариб, қушиқ айтади.

Й и г и т.

Қани менинг азиз дўстим? Кетди қаён?
Йироқларга... ҳудуд томоқ.
Ёр кўзида акс этмаса севгинг аён,
Қалбинг ўртар, қийнар ёмон.

Пантомима. Қиз кишанларни парчалашга интилиб, Қора а ж,
дар билан олишади. Ўнгит табиат кучларини мададга чақиради,
Булар давом этар экан хор куйлайди.

Хор

Тақдир кинояси мана қандай, боқ.
Америка не билан шуҳрат тарқатар?
Рух ўрқачли тевадек ўртилиб байроқ,
Осмонда кетмоқда тобутлар қатор.
Унда кимлар ётар?

Айш-ишрат сурган,
Кибр билан боққан олий ирқ насли,
Босар-тусарини билмасдан юрган,
Бунда эса ўқ еди, қилди жон таслим.
Бу томон учаркан

кўнгли тўқ эди:

Улмайди.

Пул йиғмоқ
унга муддао,
Фикрича, дунёда
қасос йўқ эди.
Мана пулдан маҳрум,
жонидан жудо.
Забт этиб наздида
бутун ер юзин,
Шум махлуқ
ҳар томон ёзмиш панжасин.
Зотан, яқин ерда
юрибди сузиб
Қўшма Штатларнинг ҳарбий кемаси.

Кўтарилаётган самолётнинг аччиқ ҳайқириғи... Авианосецнинг
оқ палубаси. Мовий осмон, офтоб яғду сочмоқда. Яна учётган са-
момлётнинг ҳайқириғи эшитилади. Майдонча ўртасида Роберт
турибди. У бошини баланд кўтариб, муштларини ўқталади ва қич-
қиради. Жон уни тўхтатмоқчи бўлади.

Роберт. Тоқатим қолмади! Тоқатим битди!
Жон. Жим... Жим! Ўзингни бос, йигитча! Жим,

деяпман сенга! (Робертни ўтқазди.) Ҳа, иш бундай бўпти. Сенга нима бўлди ўзи? А? Сенга уруш ёқмаяптими? Сенга авианосецимиз ёқмаяптими?

Роберт. Буларнинг ҳеч қайсисини кўрарга кўзим йўқ... Биласанми — сабрим тугади! Тушунасанми ахир? Кўрарга кўзим йўқ!

Яна самолёт ҳайқириғи. Роберт яна сапчиб ўрндан туриб қичқиради, аммо овози эшитилмайди... Ҳайқириқ ҳамма нарсани босиб кетади. Жон уни яна ўтқазиб қўяди.

Жон. Ун кун ўтириб чиқдинг! Камлик қиялпими?

Роберт. Мана шу ҳайқириқни эшитишга тоқатим қолмади... Жонимга тегди.

Жон. Бемаъни иш қиялпсан, Боб! Муддаонг нима? Трибуналга тушмоқчимисан?

Роберт. Билмадим... Нима қилишимни билмайман, гарангман... Уларнинг у ёққа нима учун учаётганлигини ўйлагим келмайди... Лекин ўйлайман!

Жон. Худо ҳаққи, Боб, биров эшитиб қолмасин!

Роберт. Менга барибир! Тупурдим! Трибуналга беришса бера қолишсин, менга барибир! Шулар ҳаммаси барҳам топа қолса эди!

Жон. Менга қара! Ўзингни бос. Бу ишинг ярамайди!

Роберт. Нима қилсам бўлади? Нима?

Жон. Бу катта ҳангама. Сен нима учун армия хизматига келдинг?

Роберт. Сен нима учун келган бўлсанг, мен ҳам шунинг учун келдим. Жўрттага сўрайсан-а, чақиршиди-да...

Жон. Хўп. Чақиршиган. Мени ҳам чақиршиган. Мана, мен хизмат қилиб юрибман. Бинойидек юрибман! Бинойидек. Жуда соз. Икки йилчадан бери кунимни кўриб юрибман. Қорнимни кўр, анчагина эт ҳам қўйдим!

Роберт. Нималар деб валақлаяпсан?

Жон. Америкалик негр учун — авианосецда хизмат

қилиш бамисоли курорт. Хўш, бу ернинг нимаси ёмон?
Қуёш! Ҳаво! Сув! Фақат жононлар йўқ, холос!

Роберт. Қўйсанг-чи, Жон?

Жон. Рост-да, жаннатнинг ўзи. Ё бундай эмасми?

Яна самолёт ҳайқириғи эшитилади.

Роберт. Улар у ёқдан қайтиб келишмаяпти. Сен сездингми? Ҳар гал янгидан-янги одамлар учиб кетишяпти...

Жон. Буниси билан бизнинг нима ишимиз бор? Уруш урушлигини қилади. Тасир-тусур отишма кетаётган жойда биз йўқмиз! Сюз! Ишлар жойида! Сенга яна нима керак? Масалан, мен у ерда эмаслигимизни ўйлаб, теримга сизмай севинаман.

Роберт. У ерда менинг акам ҳалок бўлган.

Жон. Буниси жуда ўкинчли.

Роберт. У учувчи эди.

Жон. Ниҳоятда ўкинчли.

Роберт. У самолётда ёниб кетган.

Жон. Самолётда ёниб кетган... Аттанг... Лекин барибир... барибир... мен уларга ачинмайман.

Роберт. Нима дединг?

Жон. Кечирасан... Мен сенинг акангнигина айтаётганим йўқ, у ёқда жанг қилаётганларнинг ҳаммасини айтаяпман. Мен уларга ачинмайман.

Роберт. Ҳайронман. Сен билан биз ҳам жанг қиляпмиз-ку. Сен ҳам армия хизматига келгансан. Мен ҳам... Демак, биз ҳам ўшалардек...

Жон. Ҳозирча...

Роберт. Ҳозирча?.. Бу нима деганинг?

Жон. Йўқ! Мен уларга ачинмайман. Пўскалласини айтганда, тўғрида. Сан-Францискодаги негрлар маҳалласида отамнинг ресторанчаси бор... Сен ўша маҳаллада бўлганмисан?

Роберт. Бу гапга ресторанчангнинг нима дахли бор?

Жон. Умуман, дахли йўқ, албатта. Лекин танамга бир ўйлаб кўрсам.. бу аҳмоқларга нега ачинишим керак? Отамнинг ресторанчасида баҳузургина виски ичиб ўтиришнинг ўрнига, Вьетнамга гала-гала бўлиб учиб, пашшадек қирилиб кетишяпти... Карахт пашшага ўхшаб... Пашшанинг ойнага бориб урилганида визиллаганини эшитганмисан? Худди мана шу самолётларга ўхшайди... Хира пашшалар... *(Пауза.)* Қани, хўш, қондадагидек қомат ростлаб, ҳарбий бурчингни адо эт-чи. Ахир соқчиликда турибсан-а. Худога шукур қилки, жининг қўзиб, жазаванг тутганини ҳеч ким пайқамади Уларнинг ғашига тегма... Бу билан ҳеч иш чиқаролмайсан.

Роберт.. Нима қилишим керак ахир? Нима қилишим керак?

Жон. Нима қилишим керак, дейсанми? Агар трибуналга рўпара бўлишни хоҳламасанг, ўз бурчингни фахр билан адо этишинг керак. Трибуналга рўпара бўлишнинг ҳеч бир нафи йўқ! Шундай. Ҳушёр туриб соқчилигингни ўтайвер. Мен сенга қўшиқ айтиб бераман. Жуда яхши қўшиқ. Уни отамнинг ресторанчасида айтишар эди. *(Яшиқларнинг аллақаридан банжосини олиб, оҳиста куйлайди.)*

Яшил япроқ узра чизиқ бор эди:

Ҳаёт чизиғи,

Иқбол чизиғи,

Юрак чизиғи.

Япроқларнинг бандида новда бор эди:

Ҳаёт тимсоли,

Иқбол тимсоли,

Юрак тимсоли.

Новданинг бандида дарахт бор эди:

Ҳаётга мансуб,

Иқболга мансуб.

Юракка мансуб,

Дарахт пўстлогига ўйиб нақшланган,

Найза тешиб ўтган юракка мансуб.
Дарахтнинг бандида илдиз бор эди:
Ҳаёт манбаи,
Иқбол манбаи.
Юрак манбаи.
Ниҳоят бор эди она-Еримиз,
Юм-юмалоқ ер,
Мислсиз курра
Қоинот узра.

Ана, гап шу!

Роберт. Сенга тушунолмайд қолдим, Жон! Нималарнидир шама қиляпсан.

Жон. Нимани тушунишинг керак? Ҳаммаси очиқ-ойдин.

Роберт. Очиқ-ойдинми?

Жон. Бўлмасам-чи! Ҳар ким ўз иши билан банд бўлиши керак. Вассалом.

Роберт. Қандай иш билан?

Жон. Ҳамма гап шунда-да. Уша ишинг нимадан иборат эканлигини билишинг учун... Мана шу курраги-нада нима учун яшаётганингни пухталаб, аниқлаб олишинг керак.

Роберт. Сен аниқлаб олганмисан?

Жон. Бўлмасам-чи! Аллақачон. Сен теварак-атрофдан кўз-қулоқ бўлиб тур, Боб, мен ўз ишим билан шуғулланай. *(Чўнтагидан қалам олиб, яшикларга хоч белгиси қўяди).*

Роберт. Нима қиляпсан?

Жон. Теварак-атрофдан бохабар бўл, йигитча... Огоҳ бўл... Мен белги қўйяпман, шугина, холос. Сенга қўриқлаш топширилган бу портлатгичлар солинган яшикларга кичкина белгилар қўйяпман... Вассалом... Шугина, холос... Огоҳ бўл, Боб!

Роберт. Нима учун бундай қиляпсан?

Жон. Карцерда ўтириш ё трибуналга тушиш ҳазил

гап эмас... Лекин бунинг нима нафи бор? Мен ўйлайманки, ҳар бир одам ҳатто кичкина бир иши билан ҳам бу қирғин уруш тугайдиган кунни яқинлаштириши мумкин... Теварак-атрофдан бохабар бўл, Боб! Сенга маслаҳатим: беҳуда уларнинг гашига тегма. Сен ниҳоятда тоқатсизлик қиляпсан, бу эса ярамайди! Ана шуларнинг ҳаммаси тезроқ барҳам топсин десанг — хизматингни садоқат билан адо эт. Сен намунали солдат бўлишинг керак. Тушундингми? Шундай бўлиши керак. Кейин сен билан бир йўлини қилармиз. Сенга ваъда бераман. Огоҳ бўл, соқчи!.. Мен ўзимнинг белгиларимни қўя тураман.

Самолёт ҳайқириғи ҳамма садоларни босиб кетади.

Яна Вьетнам. Пантомима давом этади. Й и г и т лабиринг орқали ўтиб боради. Қ о р а а ж д а р унга янгидан-янги макрлар ишлатади. Чангалзор. Ғаров новдаларидан тўқилган ғамакда Н и к о л а й ётибди. Унинг олдида Т ь е н билан Ч а н ь.

Т ь е н. Уни... ўз гавдаси билан... Унга қараб отилди... Уларни тупроқ босиб қолди... Икковлари ҳам... Нега индамайсан? Аммо биз ҳаяллаб қолдик. Бир неча секундгина... Атиги бир неча секундгина... Уларни тупроқ босиб қолди... Нега индамайсан? Бомбардимончи самолёт ҳавода портлаб кетди, аммо вақт ўтган эди. Мана энди у бу ерда ётибди, Минь бўлса йўқ... (Сукут.) У тирикми?

Ч а н ь (оҳиста). Тирик... Беҳуш ётибди.

Т ь е н. Омон қолармикан?

Ч а н ь. Билмадим.

Т ь е н. Омон қолиши керак.

Ч а н ь (сукутдан сўнг). Улар одам эмас! Улар одам эмас! (Николайнинг кўкрагига қулоқ солиб кўради.)

Т ь е н. Тирикми?

Ч а н ь. Шамол...

Т ь е н. Нима, шамол?

Ч а н ь. Ғувулляпти. Ҳеч нарса эшитолмаяпман... Уриб турибди... Жуда заиф... Жуда секин... Тўхтаб-тўхтаб...

Тъен. Уни госпиталга жўнатиш керак.

Чань. Госпитални бомбардимон қилишди.

Тъен. У яшаши керак. Унинг Москвада қайлиғи бор...

Оҳиста музика.

Қизлар хори

Туш кўрар одамлар, кўрар пайдарпай,
Барча қитъаларни чулғаб олган туш;
Фарбда яратилган кинолентадай
Даҳшат, олди-қочди, қўрқинчли, нохуш.
Осонликча битмас жароҳат деган,
Гўр оғзидан неча қайтади одам...
Инсон қалби худди экрандек экан,
Чаппа акс этаркан унда бор олам.
Юлдузлар ёйилмиш осмон узра,
Лаққа чўғ мисоли, ловиллар, порлар,
Нима деб шивирлар сукунат ичра
Биздан йироқдаги кенг чангалзорлар?

Николлай (алаҳлайди). Иссиқ... Жуда иссиқ... Ди-
миқиб кетяпман... У ёққа учяпти? Бу ер оддий бир қиш-
лоқ! Оддий бир қишлоқ! Оддий хотинлар, болалар... Би-
ласанми, мен буларнинг ҳаммасини кўрдим... Яланглик...
Дарахтлар... Улар қаққайиб турибди, на шох-бутоғи
бору на пўстлоғи... Қоп-қора симёғочнинг ўзи... Биз бир
хотинни тупроқдан чиқариб олдик. Кўкси мажақланган.
Эшитяпсанми? Кўкси мажақланган..... Бир лаҳзада
остин-устун бўлиб яксон қилинган қишлоқ... Аччиқ ту-
тун!.. Енғин! Тутун! Олов! Олов денгизи... Уларнинг бу
одамлардан муддаоси нима? Аммо биз уни уриб тушир-
дик... Уриб туширдик!.. Жуда иссиқ... Йиқиламан... Мени
суяб қол, Марина... Сирғанчиқ тош экан... Суя! Гапимни
эшитяпсанми?

Чань. Эшитяпман...

Н и к о л а й. Бу сенинг овозинг эмас... Сенинг овозинг эмас, Марина... Сенмисан, Марина?

Ч а н ь. Мен...

Н и к о л а й. Мен сени кўролмаепман...

Ч а н ь. Мен...

Н и к о л а й. Учта таниш сўзимиз ёдингдами?

Чань индамайди.

Учта таниш сўзимиз ёдингдами?

Ч а н ь. Ҳа, ҳа...

Н и к о л а й. Сен кимсан, кимсан?

Ч а н ь. Чанман, мен Чанман...

Н и к о л а й (*инграб*). Марина, Марина... Учта таниш сўзимиз ёдингдами, Марина?

Ч а н ь (*қулоқ солиб*). Алаҳлаяпти...

Н и к о л а й. Марина, Марина... Гапимни эшитяпсанми?

М а р и н а (*Чаннинг ўрнини эгаллаб*). Эшитяпман, Коля, эшитяпман. Мен шу ердан, шу ердан, ёнингдан.

Н и к о л а й. Учта таниш сўзимиз ёдингдами?

М а р и н а. Ҳа, бўлмасам-чи... Ҳамиша бирга бўламиз.

Н и к о л а й (*енгил тортиб*). Ҳамиша бирга бўламиз...

М а р и н а. Ҳа, ҳа... Ҳамиша бирга бўламиз...

Н и к о л а й. Учиб кетаётганимда мендан хафа бўлмадингми?

М а р и н а. Йўқ... Билар эдим... Бу сенинг бурчинг... Менга айтишса — мен ҳам шундай қилган бўлар эдим...

Н и к о л а й. Назаримда хафа бўлгандек кўринган эдинг.

М а р и н а. Мен икковимиз ҳеч бирга бўлолмаганимиздангина хафа эдим...

Н и к о л а й. Ҳа, ҳа... Бунга ҳеч фурсат йўқ эди-да... Ҳеч фурсат йўқ эди-да...

М а р и н а. Ҳар бир одам қанчадан-қанча вақтга эга бўла туриб, ҳеч бир фурсати етишмайди.

Н и к о л а й. Учиб келаётганимда ўйладим: қайтиб борсам, кўнглимдаги гапларни сенга қандай сўзлар билан изҳор этаман, деб... Еу ёқдан қайтиб борсам...

М а р и н а. Қаёқдан?

Н и к о л а й. Хўш, бўлган жойимдан-да... Бўлган жойимдан... У ер жуда илиқ-иссиқ... У ернинг ҳавоси шундай мулойим... Худди сенинг кафтларингга ўхшайди... Қани, кафтингни тут-чи...

М а р и н а (қўлларини чўзиб). Мана...

Н и к о л а й. Ҳа, ҳа... Улар худди оқшом ҳавосидек мулойим, илиқ. Учта таниш сўзимиз ёдингдами?

М а р и н а. Ҳамиша бирга бўламиз.

Н и к о л а й. Уларни унутмаганинг қандай яхши... Мен қайтиб бораман... Бизнинг фурсатимиз кўп бўлади... Бундан буён сира ажралмаслигимиз учун мен бир чорани кўраман...

М а р и н а. Ҳа, мумкин бўлса, шундай қил, Коля... Шундай қил...

Н и к о л а й. Сени жуда ҳам ўпгим келяпти.. Аммо дока халал беряпти.

М а р и н а. Қанақа дока? Ҳеч қандай доканг йўқ-ку...

Н и к о л а й. Назарингда докам йўқдек туюлаётгандир... Дока пешонамга ёпишиб қолган... Агар ўлган бўлганимда сезмаган бўлардим... Бошиму қўлим дока билан танғиб ташланган... Ҳа, ҳа... Чап қўлим... Кўряпсанми... Биламан...

М а р и н а. Ҳа, шунақага ўхшайди... Кўряпман... Чиндан ҳам дока билан танғиб қўйишибди... Ким боғлаб қўйди?

Н и к о л а й. Чань.

М а р и н а. Демак, сен ёлғиз эмас экансан-да?

Н и к о л а й. Э, нима деяпсан... Албатта ёлғиз эмасман...

М а р и н а. Унда мен хотиржам бўламан... Хотиржам бўламан...

Н и к о л а й. Елпуғичинг борми?

М а р и н а. Йўқ... Елпуғичим йўқ.

Н и к о л а й. Чанники бор... Мени жуда иссиқлаб кетмасин деб, чангалзорда кичкина довул хўтаради.

М а р и н а. Унда мен хотиржамман... Учта таниш сўз ёдингда бўлсин...

Н и к о л а й. Ҳамиша бирга бўламиз... (Сукут.)

М а р и н а гойиб бўлади.

Ч а н ь. Уйқуга кетди.

Қоронғилик. Музыка.

Авианосец палубаси. Портлатгичлар солинган бир уюм яшик. Тун. Тўлқинлар шарпаси. Жимлик. Ж о н соқчиликда турибди. Р о б е р т яшиклар орасида эмаклаганча белгилар қўйиб юрибди.

Ж о н. Жим!

Р о б е р т яшиклар орқасига яширинади.

(Кулади.) Ҳатто терлаб кетдим... Назаримда, биров келлаётандек бўлди... Давом эттир, Боб.

Р о б е р т ўрнидан чиқиб, яна яшиклар орасида эмаклай бошлайди.

Ана белгиларимиз! Белги қўйилган портлатгичли яшиклар жўнаб кетди, энди хотиржамман... Улар портламайди...

Р о б е р т. Қайси яшикларга белги қўйиш кераклигини сен менга яхшилаб тушунтирганмидинг?

Ж о н. Ўзингни бос. Ҳар ким ўз вазифасини адо этади. Бировлар портлатгичларни зарарсизлантиради, бировлар шунақа портлатгичлар жойланган яшикларга белгилар қўяди. Ҳаммаси бамаъни хонадонлардагидек бадастур! Ҳар ким ўз вазифасини адо этади. Огоҳ бўл.

Вазмин қадам товушлари эшитилади. Роберт яширинади.
Оёқ товушлари узоқлашади.

Хайрият...

Роберт. Бизни ушлаб олишса отиб ташлашади...

Жон. Тўғри! Сен нима деб ўйловдинг?

Роберт. Бу бизга қимматга тушиши мумкин.

Жон. Ҳали ҳам кеч эмас, йигитча. Сен бу ишларни бас қилишинг мумкин, агар мени ушлаб олишса, ваъда бераман — сени айтмайман.

Роберт. Бу гапни қўй.

Жон. Ҳўп бўлади. Мен сенга айтсам: яна бир қишлоқ напалм бомбасидан ёниб кетмаганига, яна кимнингдир ўғли омон қолганига хурсандман... Бу сен билан биз туфайли... Нима дединг, а?

Роберт. Гапинг тўғри.

Жон. Биз бир қишлоқни асраб қолдик... Шундай олижанобликка ҳақимиз борми, йўқми?

Роберт. Аммо бизни дақиқа сайин ушлаб олишлари мумкин-ку.

Жон. Албатта. Нимасини айтасан! Шунинг учун биз тез орада дов-дастгоҳни йиғиштириб, «ресторанча»нинг эшигини ёпиб қўямиз.

Роберт. Кейин нима қиламиз?

Жон. Менда бир режа бор.

Роберт. Ҳўш?

Жон. Яна соқчилик навбатинг қачон?

Роберт. Уч кундан кейин.

Жон. Жойида. Чўмиладиган кийим тайёрлаб қўй.

Роберт. Нима режа туздинг?

Жон. Шунчаки бир гап. Қичкина эрмак. Жим! Бу ёққа кимлардир келяпти...

Роберт яширинади. Қоронғилик. Саҳна олдида Наташа
билан Марина.

Наташа. Бирон гап юз берган бўлса — аллақачон хабар топгак бўлардик. Энг аввал биз эшитардик.

М а р и н а. Мен ваҳимали тушлар кўриб чиқяпман...
Ҳар куни кечаси Николайнинг овозини эшитгандай бўламан... Олдигинамда туриб, менга қўлини чўзаётган бўлади... Уйғониб кетсам — йўқ. Чироқни ёқсам — йўқ. Нега мунча тушимга кўп кирар экан-а? Ҳар куни кечаси...
Ҳар куни кечаси....

Н а т а ш а. Уни кўп ўйлаганингдан бўлса керак!

М а р и н а. Уни ўйлаганим — ўйлаган... Доим... Роберт тушинга кирмайдими?

Н а т а ш а. Нега энди тушимга кириши керак экан?

М а р и н а. У сенга хат ёзгани йўқми?

Н а т а ш а. Бир марта хат келган эди.

М а р и н а. Нима дебди?

Н а т а ш а. Чақирув қоғози олдим, дебди...

М а р и н а. Демак, улар ҳозир бир-бирларига қарама-қарши туришган экан-да.

Н а т а ш а. Қим?

М а р и н а. Николай билан Роберт.

Н а т а ш а. Николай жанг қилмаётган бўлиши керак. Роберт бўлса... одам ўлдиргани бормайди... Мен бунга аминман.

М а р и н а. Агар армияга бормаса, уни суд қилишадди... Уларда бунинг учун беш йилга қамашар экан... Мен аллақерда ҳам ўқиган эдим... Сен уни севасанми?

Н а т а ш а. Севасанми, дейсан — бу ҳазил гапми... Билмадим... Қайдам...

М а р и н а. Ҳа... Бу жуда мураккаб нарса... Океаннинг нарёғидаги бир одам...

Н а т а ш а. Бизнинг орамизни океандан бошқа ҳам ажратиб турган нарсалар бор. Бир кун шундай вақт ҳам келадики, кимнинг қаердан эканлигини ўйлашнинг ҳожати бўлмай қолади, кимнинг қаёқдан эканлигининг аҳамияти қолмайди... Ҳар бир кимсанинг қадр-қиммати-гина аҳамиятга эга бўлади.

М а р и н а. Нима бўлар экан, Наташа? Нима бўлар экан?

Наташа. Билмадим... Сенинг ҳамма нарсанг равшан. Менинг ишларим нима бўлиши маълум эмас...

Марина. Равшан бўлгани қаёқда, Колядан на хат, на хабар бўлса? Узлуксиз тушимга киради. Бу яхшиликнинг нишонаси эмас. Бирдан тушимга кирмай қолса-я, деб қўрқаман. Бирдан тушимга кирмай қолса нима бўлади...

Наташа. У тирик, Марина... У тирик...

Марина. Оҳ, кошки эди... Ҳол-аҳволини қандай қилиб билсам бўлар экан?

Наташа. Улар тирик бўлишлари керак. Тирик бўлишлари керак.

Марина. Наҳотки, Роберт хаёлингга келмаётган бўлса?

Наташа. Келади, Марина... Аммо иложим қанча... Ҳатто унинг қаердалигини билмасам.

Қоронғилик.

Авианосец палубаси. Тун. Портлатгич солинган яшиклар олдида соқчи турибди. Бу—Роберт. Шарпасизгина Жон пайдо бўлади.

Роберт (оҳиста). Нима қилмоқчисан?

Жон. Ҳозир кўрасан. (Яшиклардан бирини олиб, уни арқон билан боғлайди.) О, Биби Марям, ўзинг мададкор бўл. (Робертга.) Сен ҳам қараш.

Роберт. Нима қиляпсан ўзи? Бунинг ичида эртанги училар учун мўлжалланган портлатгичлар бор...

Жон (арқонни боғлай туриб). Наҳотки, мен буни пасхага аталган шоколад деб ўйлабман... Кўтаришиб юбор-чи... Ҳа, ана энди эҳтиёт билан... (Яшикни арқон билан сувга туширади.) Жойида! Ими-жимиди... Балиқларга гортиқ... Янгисини оламиз...

Роберт. Шошма. (Яшикни тўсади.) Эртага буларнинг ҳаммаси аён бўлади. Мени отиб ташлашади.

Жон. Мени ҳам отиб ташлашади. (Жиддий.) Бу ёққа кел-чи, Боб. Чироқларни кўряпсанми? Ҳов ана... Чи-

ройлик-а? Бу озодлик чироқлари, сен билан биз учун озодлик чироқлари.

Р о б е р т. Шошма, Жон...

Ж о н. Бу — Окинава. Уша ёққа етиб олсак — бас! У ердан бизни яна нарироққа жўнатиб юборишади. У ерда, ҳар қалай, ихтиёримиз ўзимизда бўлади, бу ерда эса — ундай эмас. Одамнинг ихтиёри ўзида бўлиши керак...

Р о б е р т. Нима... Сен қочмоқчимисан?

Ж о н (*иккинчи яшиқни сувга ташлай туриб*). Менингча, сен ҳам қочмоқчисан.

Р о б е р т. Мен-а?

Ж о н. Қани, бўл! Фурсат ғанимат! Агар биз шунақа гап сотаверадиган бўлсак фурсатни бой берамиз.

Р о б е р т (*Жонга ёрдамлаша туриб*). Окинавада бизнинг базамиз бор. У ерда бизни дарҳол ушлаб қолишади.

Ж о н. Мен шундай деб ўйлайман, албатта, ушлаб олишлари мумкин, аммо ушлаб ололмасликлари ҳам мумкин. У ерда дўстларимиз бор. Балиқчилар. Ундан у ёнига... У ердан бизни Токиога жўнатишади... Ундан у ёнига — Владивосток, Москва, ёки Швеция. Жим... Биров келяпти... Постингни эгалла. (*Яширинади*.)

Роберт қолган яшиқлар олдила тик қотади.

Йўқ, ҳеч гап йўқ экан. Хўш, нима дейсан, йигитча?

Р о б е р т. Мен розиман?

Ж о н. Унда мана бу замбаракни тақиб, сувга сакра. Лекин эҳтиёт бўл, сувни шапиллатма. Мен бу ерда ишларни дарров саранжом қиламан. Эртага командирни бир кўрсам эди. Каттакон бир операция амалга ошириладиган бўлса-да, биронта ҳам портлатгич топилмаса...

Р о б е р т. Мен тайёрман.

Ж о н. Жуда соз, Роберт. (*Сўнгги яшиқни сувга ташлайди*.) Хўп, ана, ҳар ким ўз иши билан банд. Алвидо, кемагинамиз. Сакрадик.

Сув эшитилар-эшитилмас шайиллайди. Палуба буйлаб гумбурлаган одим товушлари. Кескин ҳуштак чалинади... Пайваст сирена ҳайқириғи янграйди... Тапир-туспур оёқ товушлари, қичқириқлар, команда садолари. Проекторларнинг ўткир шуълалари океан буйлаб изғийди. Сувга қайиқлар туширилади... Автоматларнинг тариллагани эшитилади.

Қоронғилик.

Чангалзор. Сарғиш сайхонлик. Пантомима давом этади. **Й и г и т** Қора аждарнинг горига етиб боради. Маъшуқасини халос этиб, уни лабиринт оша қуёш томон етаклайди. Қуёш ҳам чиқади. Бу олтин сочли барно қиз. **Й и г и т, Қ и з ва Қ у ё ш** ҳаёт ҳамда нур рақсини ижро этадилар...

Яна **Қ о р а а ж д а р** пайдо бўлади... **У** Қуёшни сўндирмоқчи.

Океан безовта. Қоронғилик. Тўлқинлар узра икки бош гоҳ кўриниб, гоҳ ғойиб бўлади. Проектор шуълалари изғийди. Соҳилдаги қоя. Қора, сирғанчиқ

Қояга икки қўли ёпишиб, сирғаниб кетаверади... Зўр машаққатлар билан тошга **Ж о н** чиқиб олади. **У Р о б е р т н и н г** ҳолсиз танасини сургаб олиб чиқади. Тинкаси қуриб йиқилади... Қора тош устида узала тушиб ётган икки тана... Океан безовта... Ниҳоят, **Жон** ҳаракатга келади. Роберт томон сирғалиб боради.

Ж о н. Ҳой, ўғлим! Кўзингни оч! Кўзингни оч! Кўзингни оч, ўғлим...

Р о б е р т ҳаракатсиз.

(*Уни силкитади.*) Кўзингни очсанг-чи... Ҳой, кўзингни оч!
(*Уз кафтида қон кўради.*) Бу нима? Яраланибсан-ку... Ё ўлдимиқан? Роберт! Кўзингни оч, Боб! Эшитяпсанми?
(*Уни яна силкийди.*)

Р о б е р т ҳамон беҳуш,

Гапимни эшитяпсанми, Боб? Гапимни эшитяпсанми ўзи?
Жин урсин!

Аста-секин прожектор шуъласи келиб тушади. Яқинлашаётган кагер моторнинг товуши эшитилади.

Аблаҳлар! Ҳозиру нозир бўлишди... Биз кўзга яққол бўлиб турибмиз... (*Робертни гавдаси билан яширади.*)
Иблислар! Узинг даф қил, муқаддас Биби Марям!

Мотор шовқини аста-секин йироқлашади. Проектор шуъласи йўқолади. Қоронғиликда тўлқинларнинг ҳайқириғи эшитилади.

Утакам ёрилаёзди, ўғлим... Энди нима қилдик? Уйлайманки, улар бу ерда яна пайдо бўлишади, ана унда гагом бўлдик, деявер... Қирғоққа-қу етиб олишимиз мумкин эди-я, ораси жуда яқин, аммо сен билан етиб боролмайман... Хўш, сен нима таклиф қиласан, а? Сени бу ерда қолдириб, ўзимнинг соҳилга етиб олишимни таклиф қиласанми... Негаки, барибир, ўлган бўлсанг керак. Майли, сен ҳақлига ўхшайсан.. Шундай қилиш керак... Лекин мен, ҳар қалай, бундай қилмайман... Энди сен билан бир тан, бир жонмиз, қўзичоғим... Йўқ, мен сени ташлаб кетмайман, гарчанд менинг ҳам қорнимни ғалвир қилиб, акулаларга ем бўлгани улоқтиришларини хоҳламасам-да, сени ташлаб кетмайман... Хўш? Энди нима қилдик? Ҳаммаёқ сув... Ҳаммаёқ сув... Сув, сув, сув... Ичиб бўлмагандан кейин бу қандай сув бўлди? Томоғим қақраб кетди...

Яна моторнинг гуруллаши эшитилади, прожектор шуъласи қуринида.

Салом бердик! Камнамосизлар... Бу гал энди бамайлихотир ўтиб кетмасаларинг керак... Ҳей, Боб! Эшитяпсанми? Сувга сакраш керак... Сакраш керак... қоянинг у ёғига... Бобби! Ўғлим! Жим!

Прожектор шуъласи тошни пайпаслаб сузди. Шуъладан қочишга уриниб, Робертни қоя ёқасига сургаб борди.

Муқаддас Биби Марям, ҳимоячимиз, жин урсин сени! (Шуълага.) Хўп, ўрмала! Ўрмала, газанда! Ўрмала! Тезроқ! Тезроқ! Бўл! Мана биз! Таппа ушла! Чанг сол! Нишонга ол! Қани! Бўл! Мана биз!

Ҳамма нарсадан умидини узиб турган сўнги лаҳзада қоя ёқасидан тўртта қўл чиқади-да, Жон билан Робертни тортиб олади. Бу нарса шу қадар тез содир бўладики, Жон қичқиришга ҳам улгурмайди. Шуъла тошдан аста-секин сирғалиб тушади... Мотор шовқини тобора секинлашади. Шунда биз тўлқин шарпаси оша ёшикларнинг ғижирлаганини яққол эшитамиз. Тўлқинлар ҳаммасини босиб кетади.

Қоронғилик.

Денгиз соҳили. Тонг. Тунтарилган қайиқ. Тўрлар. Ҳаракатсиз Робертнинг ёнида—Юка билан Жон. Уларга орқа ўғирганча Юканинг отаси, кекса балиқчи Хироси турибди. У денгизга тикилмоқда.

Юка. Бир вақтлар отам гаввос экан... У вақтда ҳали ёш бола, ўн тўрт ёшларда экан... Бадавлат сайёҳлар сувга майда пул иргитишаркан, отам ўзига ўхшаган болал билан қоядан калла ташлаб пулни олиб чиқаркан... кунни унга акула ҳужум қилиб, қўлини узиб кетаёзи Уша жойи чандиқ бўлиб қолган... Дўстингизнинг ҳашу ери чандиқ бўлиб қолади... Буники ўқдан...

Хироси. Хўш?

Юка. Боғлаб бўлдим, ота.

Жон. Кўзини очармикан?

Юка (*жилмайиб*). Иссиғи қайтди, сезмаяпсизми?

Жон. Қўлингиз гул экан. Сиз ажойиб врач бўлишингиз мумкин эди...

Юка. Эҳтимол... Лекин бу ҳеч қачон бўлмайди.

Хироси. Ошиқиш керак.

Жон. Ҳа.

Хироси. Сиз уни бу ерда қолдириб кетишингиз мумкин... Биз уни яширамыз, то ўзига келгунча хавфхатардан ҳоли бўлади.

Жон. Раҳмат... Аммо мен уни ташлаб кетмайман.

Хироси. Ихтиёрингиз...

Юка (*бирдан.*) Салом!

Хироси ва Жон ўғирлиб қарасалар—Роберт кўчини ишқалаб ўтирибди. Юка қаҳқаҳлаб кулиб юборади.

Роберт. Қаердаман?

Жон (*унга стилади*). Ана... Ана, ошнам. Ана!

Роберт. Нима бўлди, Жон?

Жон. Ҳеч нарса! Ҳеч нарса бўлгани йўқ! Икковимиз шўр сув ютиб юборганимизда, сенга оз-моз шикаст етказишди... Вассалом!. Энди ҳаммаси жойида. Ҳаммаси жойида!

Роберт. Биз қаердамыз?

Жон. Ҳаммаси жойида, ўғлим! Ҳаммаси жойида!
Сен омонмисан — ҳаммаси жойида... Бу одамлар бизни
қутқариб қолишди.

Мотор шовқини эшитилади.

(Қулоқ солиб индамай қолади.) Ушаларми?

Хироси. Ушалар.

Ока. О-о...

Роберт. «Ушалар»инг ким?

Жон. Бизни қидиришяпти. Бобби... Қидиришда да-
вом этишяпти.

Хироси. Давом этишяпти... Бу кемадан сизларгача
ўн олтита одам қочган...

Жон. Ҳаммалари ҳам сизларга тўқнаш келишганми?

Хироси. Ҳаммалари ҳам.

Юка. Қидиришда давом этишяпти.

Хироси. Ҳаммалари ҳам аввал бизга тўқнаш ке-
лишган... Сизлар ким бўласизлар?

Юка. Улар яқин келиб қолишди.

Хироси. Тинчланинглар... Ким бўласизлар?

Жон. Мен — Жон Робинсонман, у Роберт Брайен...
Бизни ҳарбий хизматга чақиришган... Қочдик... Кетиши-
миз керак...

Хироси. Ҳа... Сизларнинг бу ерда ортиқ қолиш-
ларингиз ярамайди... Сизларга бажондил меҳмондўстлик
изҳор қилишга тайёр эдим... Аҳволингиз қалай?

Роберт. Раҳмат...

Хироси. Юра оласизми?

Роберт. Ҳа.

Юка. Улар жуда яқин келиб қолишди.

Хироси. Ҳозир сизлар менинг орқамдан борасиз-
лар... Биз тошли қирғоқ ёқалаб кетамиз...

Юка. Ота...

Хироси. Уни суяб турғизиб қўй.

Юка билан Жон Робертни турғазиб қўядилар. Мотор
шовқини жуда яқинлашиб келади.

Тинчланинглар... Ҳали вақтимиз бор. Балиқчилар сизларни яна нарироққа олиб бориб қўйишади. Токиога. Юринглар.

Ю к а. Улар бу ёққа қараб келишяпти... Ҳозир етиб келишади...

Х и р о с и. Сен уларни алаҳситиб турасан.

Ю к а. Хўп, ота.

Х и р о с и. Юринглар.

Робертни бир томонидан Х и р о с и, иккинчи томонидан Ж о н суяб оладилар.

Ю к а. Сизларга оқ йўл тилайман.

Ж о н. Раҳмат, Юка-сан...

Р о б е р т. Раҳмат...

Ю к а. Боринглар, улар жуда яқин келиб қолишди...
Хайр!

У л а р кетадилар. Юка чўнқайиб ўтирганча, тўр тўқиб қўшиқ айтади. Денгиз шовқини эшитилиб туради.

Ю к а.

Осмон бўйлаб булутлар кезар,
Диққат қилиб, дилимни эзар,
Қувламоққа чоғланар шамол...
Кемагинам келади қачон?
Йўлларига кўзим нигорон,
Насиб бўлса шоядки висол...
Денгиз узра мисоли қуюн
Кезиб, куйлар озодлик куйин
Қанотлари толган оқ чорлоқ.
Мусибатга тоқат қолмаган,
Машаққатни енга билмаган,
Нафрат сенга, юраксиз, қўрқоқ,

Мотор шовқини тинади. Юка қулоқ солади... Овозлар эшитилди. Улар тобора яқинлашади.

Қоронғилик.

Катта шаҳар чироқлари. Рекламалар, нероглифлар ёниб туради...
Машиналар ғизиллайди... Кучалар тирбанд... Қоғоз девор—сёдзи.
Саҳнада доктор Токудо билан хотини Исиката. Эшик
тақиллайди. Улар диққат билан қулоқ соладилар.

Токудо. Мен касалман. Менга Гонконг гриппи
юққан. Гапимни тушундингизми?

Исиката. Тушундим. Токудо-сан. *(Кетади.)*

Токудо дарҳол буйрага чўзилади. Кўрпага бурканиб олади. Қоғоз деворда Исиката, япон полициячиси ва америкалик икки ҳарбий полициячининг сояси кўринади. Шундан сўнг уларнинг овозларини эшитамиз ва содир бўлаётган воқеанинг аксини бамисоли чодир ҳаёлда кўргандек деворда кўрамыз.

Япон полициячиси. Бизга хабар қилишди: сизларникида бегона одамлар бор эмиш.

Исиката. Бизникида бегона одам йўқ. Эрим касал ётибди.

Токудо. Сизларга нима керак?

Япон полициячиси. Булар иккита қочоқ солдатни қидириб юришибди...

Токудо. Тинтиш учун ордерларингиз борми?

Япон полициячиси. Мана. Қирсак мумкинми?

Исиката. Эрим оғир грипп бўлиб ётибди...

Япон полициячиси. О, Гонконгми? Дарди бедаво... Менинг ёш болаларим бор.

Исиката. Эҳтиёт бўлинг...

Япон полициячиси. Бизга айтишди. Сизларникида иккита америкалик денгизчи яшаётган эмиш.

Токудо. Уша одамни бошлаб келинг.

Япон полициячиси. Қайси одамни?

Токудо. Менинг хонадонимга туҳмат ёғдирган одамни.

Япон полициячиси. Нима учун?

Токудо. Бор кучимни йиғиб туриб, башарасига тупурар эдим. *(Инграйди.)*

Япон полициячиси. Улар иккита солдатни қидириб юришибди... Иккита солдатлари қочиб кетибди.

Токудо. Уларнинг минглаб солдатлари қочиб кетган...

Япон полициячиси. Шундай қилиб, америкалик солдатлар йўқми?

Токудо. Бор

Япон полициячиси. Қани, қаерда?

Токудо. Окинавада, Токиода, Нагасакида, Иокогамада. Бутун Япония бўйлаб қуртдек ўрмалаб кетишган.

Япон полициячиси. Илтимос, ҳазилни қўйинг... Уйингизни тинтишим ҳам мумкин.

Токудо. Тинтий қолинг! Кириг! Қўнглингизга келганини қилинг! Деворга бармоғингизни нуқсангиз, қоғоз йиртилиб, туйнук очилади-да, ҳаммаёқни кўрасиз. Исиката-сан, аҳволим чатоқ... Тезёрдам чақиринг...

Япон полициячиси (*америкаликларга*). Бу ерда ҳеч ким йўқ экан. Ҳеч ким йўқ экан...

Исиката (*полициячига*). Кечирасиз... Эрим оғирлашиб қолди... Мен телефон қилишим керак...

Япон полициячиси. Хотиржам бўлинг, биз кетамиз.

Полициячилар кетадилар. Исиката уларнинг орқасидан жўнайди. Соялар ғойиб бўлгач, бир оз вақтдан сўнг Исиката қайтиб келади. Девор-эшикни пухталаб ёпади.

Исиката. Кетишди.

Токудо (*ўрнидан туриб*). У кириб тинтиши ҳам мумкин эди-я. Хабарим бор, полиция шундай кўрсатма олган эмиш.

Исиката. Токудо, бу йигитлар бизникида яшириб ётишадими?

Токудо. Йўқ. Исиката, полиция дақиқа сайин қайтиб келиб қолиши мумкин. Менга хабар беришди, бизнинг уйнинг устидан кузатиш ўрнатилганмиш.

Исиката. Бир карра шундай бўлиши турган гал эди. Токудо... Мана бу икки америкалик ўшанақа қўшоқ-

қўшоқлардан қирқ тўққизинчиси. Ярадорининг аҳволи анча дуруст бўлиб қолди... Сиз ярасидан ўқни чиқариб олганингиздан бери...

Т о к у д о. Сиз мендан норозимсиз, Исиката?

И с и к а т а. Токудо, мен сиздан доимо мамнунман... Фақат бу америкаликни нима қилиш кераклиги ҳақидаги фармойишингизни эшитсам деган эдим?

Т о к у д о. Мен сиздан, Исиката, уларни Иокагамага-ча, Танаканинг ҳузурига кузатиб қўйишингизни илтимос қилар эдим. У яна нарироққа жўнатиб юборади.

И с и к а т а. Қаёқда?

Т о к у д о. Улардан Япониядан қаёққа боришни исташларини сўраймиз. Уларни чақиринг.

И с и к а т а кетади.

(Орқасидан.) Шу ерда суҳбатлашамиз.

Хонага фуқаро кийими кийган Р о б е р т ва Ж о н кириб келадилар.

Ж о н. Чексам майлими?

Т о к у д о. Чекаверинг.

Р о б е р т. Таажжуб, полициячиларингиз тинтишдан осонгина воз кеча қолди.

Т о к у д о. Сизларни сира ҳам ушлаб бергим келмади. Биласизларми, малол келмасину сизларнинг ҳарбийларингизни ҳатто бизнинг полициячиларимиз ҳам ёмон кўришади.

Р о б е р т. Раҳмат сизларга.

Т о к у д о. Афсуски, Япония тупроғида бир соат ҳам қолишларингиз мумкин эмас. Биз ўз мамлакатимизга хўжайинлик қилолмаймиз. Ҳукуматимиз еримизни Вашингтонга сотган. Аммо биз курашмоқдамиз, Вьетнамга ёрдам бериш учун бор кучимизни аямаяпмиз. Бугун Америка иккита солдатидан ажради — бу бизнинг кичкина галабамиз. Сизларга айтишим керак: Америка армияси-

нинг солдатларини битта-битталаб камайтиришдан маза нарса йўқ.

Жон. Афсуски, битта-битталаб камайтириладиган бўлса бу нарса жуда узоққа чўзилиб кетади.

Токудо. Шундай бўлса ҳам, бу ҳузур қиладиган иш... Сизлар қайси мамлакатга боришларингиз мумкин-лигини айтишларингиз керак. Биз сизларга Швецияни таклиф қилишимиз мумкин... У бетараф мамлакат... У ерда сизларнинг ўртоқларингиз бор... Ёки...

Роберт. Нима ёки?

Токудо. Ёки Совет Иттифоқига боришларингиз мумкин. Шундай имконият ҳам бор.

Роберт (*ўй суриб*). Совет Иттифоқига.

Оҳиста музика бошланади. Хор янграйди.

Х о р.

Дард,
алам,
ташвишлар лабиринтида
Ҳаёт ғовларини йиқиб борамиз,
Фигна, хуруж билан
ёв кўп интилди,
Лекин буза олмас
бизнинг орамиз...
Аммо, миллионлаб
йигит билан қиз
Жон ҳовучлаб яшар,
ҳаётга чанқоқ...

Шуъла ёруғида Наташа кўринади.

Наташа. Сиз қаёқда эдингиз? Қаёқда эдингиз?
Сизга нима бўлди?

Роберт. Ёзувчи бўлганимда бир одамнинг эмаклаб-эмаклаб, йиқила-йиқила, шикастлана-шикастлана, неча

бор ҳушидан кетиб ўзига келиб, лабиринтдан чиқиб олгани ҳақида қисса ёзган бўлардим... Бировларнинг ва ўзининг таассуфлари лабиринтидан... бировлар ва ўзи адашган лабиринтдан чиқиб олгани ҳақида...

Н а т а ш а. Лабиринтдан чиқиб олишга ҳар ким ҳам муяссар бўлавермайди...

Р о б е р т. Мен эса муяссар бўлдим, муяссар бўлдим! Дунёнинг оройиши сизу бизгачаёқ олиб қўйилган... Унинг йўриғини сиз билан биз белгилаб берган эмасмиз... Мен машаққатли ойларни бошимдан кечирдим... Жуда машаққатли ойларни... Қаршимда икки йўл турар эди. Мен ўз йўлимни танлаб олдим. Мен сиз томон келяпман...

Н а т а ш а. Сиз мени кўриш учун армиядан қочдингизми?

Р о б е р т. Мен сизга ҳамиша ростини айтиб келганман, ҳозир ҳам ростини айтаман! Мен сиз учун Москва томон йўл олганим йўқ. Мен ўзим учун Москва томон йўл олдим!

Н а т а ш а. Тушунмадим... Гапиринг!

Р о б е р т. Гапираман.

Чироқ учиб, қороғиликда яна мовий курра пайдо бўлади. У бутун экранни эгаллайди... Аста-секин айланади... Музыка янграйди. Ер кўраси бўйлаб Р о б е р т ва Ж о н боратилар. Улар шаҳарлар ва дарёлар оша одимлайдилар... Денгизлар ва тоғлар оша. одимлайдилар... уларга аста-секин М и н ь, Ч а н ь, в ь е т н а м л и к о н а, м и с с и с Б р а й е н келиб қушиладилар... Улар сайёра бўйлаб борар эканлар, Робертнинг овози тобора кучлироқ янграйди

Р о б е р т. Бизни турмаларга ташлайдилар. Орқадан келиб ўлдирадилар. Қалбларимизни шикастлайдилар. Аммо шунга қарамай, биз кўпайиб бормоқдамиз! Бизнинг оғзимизни ёполмайдилар! Ҳаммамизни турмаларга ташлай олмайдилар! Мени Америкада қочоқ деб ҳисоблайдилар! Менга суд билан таҳдид қиладилар. Мени отам оқ қилди. Онам менга тириклай аза тутмоқда. Аммо мен қочоқ эмасман! Эшитяпсизларми! Ҳеч қачон қочоқ бўл-

майман. Мен солдат бўлиб қолдим! Сафда ўз ўрнимни
топиб олдим... Топиб олдим...

Мана энди биз мовий курраза Москвани Наташани
ҳам, Николайни ҳам, Маринани ҳам, Русонани ҳам
кўрамыз. Ҳаммалари чароғон осмон остида турибдилар, бошлари
узра юлдузлар чамани чарақлайди.

Х о р.

Ҳаёт ғоят тотли!
 Ҳаёт лаззатли!
Қуёш шуъласидан
 ёрқин, нурафшон!
Хатарли,
 шиддатли
 ва машаққатли,
Ранго-ранг, анвойи,
 адл, беомон!..
 Парда

МУНДАРИЖА

Улкан шоир, драматург ва жамоат арбоби (Анатолий Софронов ҳақида сўз.) <i>Мирмуҳсин</i>	5
---	---

ШЕЪРЛАР

Янги цех. <i>Сулаймон Раҳмон таржимаси</i>	11
Энг асосийси ҳақида. <i>Сулаймон Раҳмон таржимаси</i>	13
Янги бахт муборак. <i>Сулаймон Раҳмон таржимаси</i>	15
Шарқи-шимолий шамол. <i>Сулаймон Раҳмон таржи- маси</i>	17
Ёлғизликда. <i>Сулаймон Раҳмон таржимаси</i> . . .	20
Қоратоғ. <i>Сулаймон Раҳмон таржимаси</i>	22
Қоратоғ бургутлари. <i>Сулаймон Раҳмон таржимаси</i>	23
Кўктебелда тун. <i>Сулаймон Раҳмон таржимаси</i> .	24
Қазаклар. <i>Сулаймон Раҳмон таржимаси</i>	25
Кекса казак қўшиғи. <i>Сулаймон Раҳмон таржимаси</i>	28
Қайин. <i>Сулаймон Раҳмон таржимаси</i>	31
Оқим. <i>Сулаймон Раҳмон таржимаси</i>	33
Эгар. <i>Муҳаммадали Қўшмоқов таржимаси</i> . . .	34
Замбарак парчаси. <i>Сулаймон Раҳмон таржимаси</i> .	35
Порох омборлари. <i>Ёдгор Обидов таржимаси</i> . . .	36
«Ёнламизки...» <i>Сулаймон Раҳмон таржимаси</i> . . .	38
Қарағайзор ўрмонда. <i>Сулаймон Раҳмон таржи- маси</i>	39
«Қомбатни бир қайин остига кўмдик» <i>Сулаймон Раҳмон таржимаси</i>	41
«Уйқу йўламади». <i>Сулаймон Раҳмон таржимаси</i> .	42
«Даҳшатли ва оғир кун.» <i>Сулаймон Раҳмон тар- жимаси</i>	43
Полк тарихи. <i>Хуршид Даврон таржимаси</i>	44

Бандурачининг оти. <i>Муҳаммадали Қўшмоқов таржимаси</i>	45
Четан. <i>Миразиз Аъзам таржимаси</i>	47
«Ҳар кимнинг ўз севган ватани бордир». ... <i>Амирқул Пўлканов таржимаси</i>	48
Учовлон. <i>Муҳаммадали Қўшмоқов таржимаси</i>	50
Кабутарлар. <i>Мирпўлат Мирзаев таржимаси</i>	53
Эски узумзорда. <i>Амирқул Пўлканов таржимаси</i>	55
Олов. <i>Амирқул Пўлканов таржимаси</i>	57
Солдат тушлари. <i>Асқар Қосимов таржимаси</i>	59
Ер сеники. <i>Тўлқин таржимаси</i>	61
Она. <i>Асқар Қосимов таржимаси</i>	63
Кабардин довонида. <i>Хуршид Даврон таржимаси</i>	64
Чўл. <i>Мирпўлат Мирзаев таржимаси</i>	65
«Баҳорнинг хўп ажаб...» <i>Амирқул Пўлканов таржимаси</i>	66
Жилға. <i>Султон Жаббор таржимаси</i>	68
Эрман. <i>Едгор Обидов таржимаси</i>	70
Кочубей қабр узра. <i>Едгор Обидов таржимаси</i>	71
Тунги марш. <i>Шукур Қурбонов таржимаси</i>	73
Шароб. <i>Едгор Обидов таржимаси</i>	75
Довонда. <i>Султон Жаббор таржимаси</i>	77
Ташналик. <i>Шукур Қурбонов таржимаси</i>	80
Олча. <i>Амирқул Пўлканов таржимаси</i>	82
Чакмон. <i>Шукур Қурбонов таржимаси</i>	84
Нон. <i>Сулаймон Раҳмон таржимаси</i>	86
Туйнук. <i>Амирқул Пўлканов таржимаси</i>	88
Жанубда баҳор. <i>Амирқул Пўлканов таржимаси</i>	90
«Қўнғир кўзли...» <i>Шукур Қурбонов таржимаси</i>	92
Бу сизга тааллуқли. <i>Шукур Қурбонов таржимаси</i>	94
Англия полициясига қасида. <i>Шукур Қурбонов таржимаси</i>	97
Даҳшат камерасидаги учрашув. <i>Шукур Қурбонов таржимаси</i>	101
Ишчи атоми ҳақида сўз. <i>Шукур Қурбонов таржимаси</i>	

<i>маси</i>	105
Ватан. <i>Сулаймон Раҳмон таржимаси</i>	111
Қайда бўлмай. <i>Хушид Даврон таржимаси</i>	113
«Муз портлар.» <i>Абдулла Шер таржимаси</i>	115
«Июндаги сўнги булбуллар...» <i>Абдулла Шер таржимаси</i>	116
«Кам дийдор кўришар...» <i>Абдулла Шер таржимаси</i>	117
Француз фашистлари томонидан Женевада заҳарланган Феликс Мумне хотирасига. <i>Абдулла Шер таржимаси</i>	119
«Саранск. Қалдироқ.» <i>Абдулла Шер таржимаси</i>	122
«Ернинг қувончлари...» <i>Абдулла Шер таржимаси</i>	123
«Шовуллайди ўйларим...» <i>Шукур Қурбонов таржимаси</i>	125
«Чеккасиз чўл...» <i>Шукур Қурбонов таржимаси</i>	127
«Сенга алла айтардим...» <i>Сулаймон Раҳмон таржимаси</i>	128
«Олов рангли япроқлар...» <i>Шукур Қурбонов таржимаси</i>	130
«Кузак...» <i>Шукур Қурбонов таржимаси</i>	131
«Оғир — айрилиқнинг илк соатлари.» <i>Шукур Қурбонов таржимаси</i>	132
«Қўй, қайғурма...» <i>Шукур Қурбонов таржимаси</i>	133
Бағишлов. <i>Шукур Қурбонов таржимаси</i>	134
«Сенсиз ёруғ дунё...» <i>Шукур Қурбонов таржимаси</i>	136
«Зиравордек татимли меҳр...» <i>Шукур Қурбонов таржимаси</i>	137
«Сендан айрилганда...» <i>Хушид Даврон таржимаси</i>	139
Нью-Йоркдаги наставин. <i>Шукур Қурбонов таржимаси</i>	140
«Бир сўзсиз мусиқа...» <i>Сулаймон Раҳмон таржимаси</i>	142
Шунинг учун кифтимда кабутар. <i>Асқад Мухтор таржимаси</i>	144
Саванна. <i>Асқад Мухтор таржимаси</i>	147

«Яна бир тонг...» <i>Асқад Мухтор таржимаси</i> . . .	148
Парвозда. <i>Шукур Қурбонов таржимаси</i> . . .	149
Чангалзор. <i>Асқад Мухтор таржимаси</i> . . .	151
Бахтим шуки. <i>Асқад Мухтор таржимаси</i> . . .	153
Тропиклар. Танганика бу. <i>Шукур Қурбонов тар- жимаси</i>	155
Бир дақиқа сукут. <i>Шукур Қурбонов таржимаси</i> .	157
«Қўлларингнинг ҳарорати.» <i>Шукур Қурбонов тар- жимаси</i>	160
«Безовта урар қалбим...» <i>Шукур Қурбонов тар- жимаси</i>	162
«Янги йил ҳам кирди...» <i>Шукур Қурбонов тар- жимаси</i>	163
«Самолётдаман...» <i>Муҳаммад Али таржимаси</i> . . .	164
«Янги Зеландия ўрмонлари...» <i>Муҳаммад Али тар- жимаси</i>	167
«Бизнинг кўп нарасада ҳақимиз бордир...» <i>Муҳам- мад Али таржимаси</i>	170
Шоир Чаренц она шаҳрида. <i>Муҳаммад Али таржи- маси</i>	171
Тошкент — ардоқлигим менинг...» <i>Туроб тўла тар- жимаси</i>	172
«Ғам-ўқубат, азобу рўё...» <i>Хуршид Даврон тар- жимаси</i>	174
«Йиллар ўтган сайин...» <i>Хуршид Даврон таржи- маси</i>	176
«Айтишарки, бу ҳаёт қисқа...» <i>Хуршид Даврон тар- жимаси</i>	178
«Барчаси ёнаркан...» <i>Хуршид Даврон таржимаси</i>	179
«Уйқусизлик...» <i>Хуршид Даврон таржимаси</i> . . .	181
Ғафурнинг уйи. <i>Муҳаммад Али таржимаси</i> . . .	182
«Ялтирайди кеч кузги пешин...» <i>Хуршид Даврон таржимаси</i>	186
«Яна Ростов куз қучоғида...» <i>Хуршид Даврон тар- жимаси</i>	188

«Бизлар яшамаймиз ўзимиз учун..» <i>Амирқул Пўлканов таржимаси</i>	190
--	-----

ПОЭМАЛАР

Қамчи. <i>Муҳаммад Раҳмон таржимаси</i>	195
Олтин қирғоқ. <i>Ёдгор Обидов таржимаси</i>	205
Миус. <i>Жуманиёз Жабборов таржимаси</i>	227
Мангулик. <i>Шукур Қурбонов таржимаси</i>	236
Плиев Одесса остонасида. <i>Турсун Иброҳимов таржимаси</i>	246

ПЬЕСА

Машаққатли йўл. <i>Қ. Яшин ва Ваҳоб Рўзиматов таржимаси</i>	255
---	-----

На узбекском языке

Анатолий Владимирович Софронов

ВЕСНА НА ЮГЕ

Стихи, поэмы, пьеса

Перевод с издания издательства Художественная литература,
Москва, 1971

Редактор *М. Аъзамов*
Рассом *В. Немеровский*
Расмлар редактори *А. Бобров*
Техн. редактор *Е. Потапова*
Корректор *М. Абдусаломова*

ИБ № 1283

Босмахонага берилди 02. 07. 79. Босишга рухсат этилди. 29. 01. 80
P08814. Формати 70×90^{1/16}. Босмахона қоғози № 1. Адабий гарнитураси Юқори босма Шартли босма л. 11,41. Нашр л. 11,13. Тиражи 5000. Заказ № 161. Баҳоси 1 с. 50 т. Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент 700129. Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитетининг Тошкент „Матбуот“ полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг 1-босмахонаси, Тошкент, Ҳамза кўчаси, 21, 1980 йил.

Софронов Анатолий.

Жанубда баҳор. Шеърлар, поэмалар, пьеса /Редкол.: Б. Бойқобилов ва бошқ.; Тўпловчи, сўз боши муаллифи ва масъул муҳаррир Мирмуҳсин.— Т.; Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979.— 312 б.

Атоқли рус шоири, драматурги ва жамоат арбоби, СССР Давлат мукофоти лауреати Анатолий Софроновнинг ушбу тўпламига унинг турли йилларда ёзилган шеърлари ва «Миус», «Плиев Одесса остонасида», «Олтин қирғоқ», «Қамчи» поэмалари ҳамда «Машаққатли йўл» драмаси киритилди.

С $\frac{70403-261}{M352(04)-80}$ доп—80 4702010200 Софронов А.
Весна на юге.

ББК 84Р
Р2